

R 496
1969/4

ГУЛИСТОН

№ 4 (28) 1969

Ленин
ҳамма тириклардан
тирик
ҳарқачон.
У биз учун билим,
қурол
ва қудрат.

В. МАЯКОВСКИЙ.

Экз
№ 3





Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали



R 496

№ 4 (28) Апрель 1969

Экз
№ 3

БУ СОНДА

Ленинни кўрганлар хотираси

Лениннома

„Гулистон“ мусоҳабаси

Бекободда пўлат зувала

Улугбек юлдузи

Янги ҳикоя

Бу йил сув қандай бўлади?

Ойлик ижтимоий-сўёсий ва
адабий-бадиий журнал.

Муқованинг биринчи саҳифасидаги
Владимир Ильич ЛЕНИН расмини Ўзбекистон
ССР халқ рассоми Л. АБДУЛЛАЕВ
чизган.

Иккинчи саҳифада — Кўчат.

Учинчи саҳифада — Баҳор гуллари.

Тўртинчи саҳифада — Кўқон шаҳри-
даги обидалардан бир кўриниш.

Г. ГРАФКИН фотолари.

КЕЛГУСИ СОНДА

Лениннома

Каприда унинг излари

Раҳмат сизга, қардошлар

Жангда ёзилган ҳикоялар

Тошкент овози

Атоқли кимёгар

Эллар-элатлар

Яхшидан от қолади

Бош муҳаррир: Иброҳим РАҲИМ. Таҳрир ҳайъа-
ти: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ,
Воҳид ЗОҲИДОВ, Иснандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ,
Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Уктам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул котиб),
Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Ко-
мил ЯШИН, Муҳаммаджон УРОЗБОЕВ, Тошмуҳаммад ҚОРИ-
НИЕЗИЯ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Журнални бош рассом Э. РУЗИБОЕВ беаган.
Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.


АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47, КАРЛ МАРКС кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадний бўлим — В-33519. Қабулхона — В-33519.

Теришга топширилди 10/III-69 й. Босишга ижозат берилди 24/IV-69 й. Қоғози 70 × 108 $\frac{1}{8}$. Ҳажми 4,5 босма тобоқ. Буюртма 160. Нусхаси 154910. Баҳоси 30 т. Р 07201.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриётида чоп этилди.*



ЛЕНИН ОРДЕНИ



Қаҳрамонона меҳнат, доҳий Ленин ишига содиқлик, шон-шухрат рамзи бўлган бу олий мукофотни ҳар бир совет кишиси жуда яхши билади. Ленин ордени билан социалистик қурилишда, халқ хўжалигини ривожлантиришда, меҳнатда алоҳида ибрат кўрсатган граждандар, коллективлар, корхоналар ва Совет Иттифоқи республикалари, областлари, шаҳарлари мукофотланади. Шунингдек Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига ҳам Ленин ордени берилади.

Бу орден доҳий Ленин туғилганига 60 йил тўлиши арафасида, 1930 йил 6 апрелда таъсис этилган. Олий мукофот — Ленин орденини биринчи бўлиб «Комсомольская правда» газетаси олишга сазовор бўлган.

Орадан 39 йил ўтди.

Бугун Ленин орденини кўпгина қардош республикалар, қаҳрамон шаҳарлар, завод, шахта, колхозларнинг байроқларида, Ватан, халқ учун меҳнати сингган совет кишиларининг кўкракларида кўриш мумкин. Совет Ўзбекистонининг ол байроғини эса, қўш Ленин ордени безаб турибди.

ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИ




Халқаро Ленин мукофоти ер юзида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун курашда алоҳида фаол хизмат кўрсатган кишиларга берилади. Турли партия вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, ирқи, этниқоли, миллатидан қатъи назар тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги энг яхши хизматлари учун бу мукофот билан тақдирланадилар. Француз олими ФРЕДЕРИК ЖОЛИО-КЮРИ, rassоми ЖАН ЭФФЕЛЬ; Мали республикасининг давлат бошлиғи МОДИБО КЕПТА; Грециянинг миллий қаҳрамони МАНОЛИС ГЛЕЗОС; негр олими ва ёзувчиси УИЛЬЯМ ДЮБУА; Бразилиянинг атоқли архитектори ОСКАР НИМЕЙЕР; япониялик таниқли жамоат арбоби КАОРУ ОТА; жанубий вьетнамлик жамоат ва сиёсий арбоб НГУЕН ТХИ ДИНЬ; испан шоири РАФАЭЛЬ АЛЬБЕРТИ; жаҳон тинчлик кенгашининг бош котиби ҳиндистонлик РОМЕШ ЧАНДРА; Колумбия ёзувчиси ХОРХЕ САЛАМЕА БОРДА; Венгрия олими ЭНДРЕ ШИК; нидерландиялик кинорежиссёр ЙОРИС ИВЕНС ва даниялик rassом ХЕРЛУФ БИДСТРУПлар шулар жумласидандир. Улар инсониятнинг ёрқин келажати учун, тинчлик учун курашувчилардир.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ



Ҳар йили 22 апрелда совет халқининг фан, техника ва маданият соҳасида эришган муваффақиятлари сараланиб, конкурс ғолибларига Ленин мукофоти лауреати деган энг фахрли мукофот берилади. Кўп-лаб олимлар, кашфиётчилар, ишлаб чиқариш машъаллари, ёзувчилар, rassомлар, артистлар, кино ходимлари бу юксак мукофот билан тақдирланганлар. Машҳур академиклар Л. Д. ЛАНДАУ, В. А. ФОК, А. Ф. ИОФФЕ, В. П. ВОЛГИН, К. А. АНДРИАНОВ, Б. М. ПОНТЕКОРВО ва қатор олимлар фан ва техника соҳасидаги энг муҳим кашфиётлари учун Ленин мукофоти лауреатлигига сазовор бўлдилар. Ўзбекистонлик донгдор механизаторлар Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, пахта териш машинасининг конструкторлари А. Приходько, П. Глазатов, М. Марков, В. Тютиков ва машҳур ҳақимларимиз Е. Тўрақулов, Қ. Исломбеков, геолог олимлар И. Ҳ. Ҳамробоев, Ҳ. Т. Тўлаганов, А. И. Пак ҳам Ленин мукофоти лауреатларидир.



Ленинни кўрганлар хотираси

„Гулистон“ ушбу сондан бошлаб „Ленинни кўрганлар хотираси“ рубрикаси остида улуг дохиймизни шахсан таниган ҳамда унга садоқатли сафдош бўлган кишиларнинг эсдаликларини ёритиб боради. Гарчи бу эсдаликлар кўп марта чоп этилган бўлса ҳам, кенг ўқувчилар даврасида битмас қизиқиш туғдиради деб ўйлаймиз.

М. И. КАЛИНИН

ЛЕНИН ВА ДЕҲҚОНЛАР

Уртоқ Ленин бутун ҳаётини фақат бир мақсадга — қулликни, унинг энг яширинган ва ниҳобланган ҳамма хилларига тамомила йўқ қилиб ташлашга бағишлади. Владимир Ильич теңсизлиқни, асоратни таг-томири билан тутатишга ёрдам берадиган, шунга олиб борадиган ҳамма нарсанинг оташин тарафдори эди; Ленин қулликни келтириб чиқарган, мустақамлаган, ҳимоя қилган ҳамма нарсанинг даҳшатли душмани эди — у қулликка қарши ҳаёт-мамот курашини олиб борди.

Барча халқларнинг эзувчилари Ленини шунинг учун ёмон кўрадилар — улар Ленини душман деб биладилар, чунки у билан халқнинг орқаворотидан халққа зарарли аҳднома туза олмайсан. Ленини дунёдаги ҳеч қандай зеб-зийнат билан қўлга ололмайсан, чунки бундай зеб-зийнатдан унга ётдир, унинг бутун фикри-зиқри бутунлай ва фақат бир нарсасга — қулликни йўқотишга қаратилган эди. Ленининг асосий хусусияти шундаки, у жуда катта кучни ўзига эраштириб борди ва қулликка қарши курашга қаратди.

Бундай куч деҳқонлар эди. Албатта, деҳқонлар буюк куч э-

фатида илгари ҳам мавжуд эди. Ҳатто майда буржуа партиялари, масалан, эсерлар ҳам шу кучни назарда тутган эдилар, лекин бунда деҳқонларнинг инқилоб ғалабасига таъсири кучаймаган эди. Уртоқ Ленин эзувчиларга қарши курашда ишчилар билан деҳқонларни бирлаштирув зарурлигини биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Ленин шу тариқа бирлашилган, яъни ишчилар плюс деҳқонлар ва уларни бирлаштирувчи Коммунистич партия бўлган тақдирдагина ишчи ва деҳқонлар ўз душманлари устидан ғалаба қозонишлари мумкинлигини, деҳқонлар ишчилар билан иттифоқ бўлиб борганидагина кучли бўлишини кўрсатиб қолмасдан, балки буни мисоллар билан ҳам исботлаб берди.

Ишчилар билан деҳқонларнинг капиталистлар билан помещикларга қарши қаратилган иттифоқини мустаҳкамлаш йўлида ҳеч ким Владимир Ильич каби кўп иш қилган эмас.

Ишчи ва деҳқонларнинг бутун дунёдаги эзувчилар устидан тўла ғалаба қилишдаги асосий мақсадни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва бир дақиқа ҳам унутмаслик Ленинга қўйилмаган энг яхши ёдгорлик бўлади.

С. М. КИРОВ

ЛЕНИН ВА ИШЧИЛАР СИНФИ

ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИДАН БАШОРАТ БЕРГАН КИШИ

Кураш йўли ва унинг оқибатлари ўша вақтдаёқ унга аниқ равшан эди — бу йўлга мувофиқ, революцион пролетарнат ҳокимиятини ўз қўлига олганидагина кишилик жамияти янги, коммунистич асосларда қайта қурила бошлайди. Лекин бундан 30 йил муқаддам ҳали ҳеч ким бундай деб ўйламас эди, аммо Ильичнинг дастлабки китоблари пайдо бўлганида, келгусида у ўзининг бутун бой ақлини ишлатиши кўпларга аён бўлган эди.

Ильич ўша вақтдан бошлаб революционерлар орасида мустақкам раҳбарлик мавқеини эгаллай бошлади. У аввало гений эди. У иродасининг кучли бўлиши жиҳатидан ҳам гений эди. Характер жиҳатидан Ленинга тенглашадиган кишини топиш қийин.

Аста-секин у бутун дунё пролетариатнинг йўлбошчиси бўлиб етишди. Агар партия тарихини кузатиб борадиган бўлсак, унинг аллақачон обрў қозонганини кўраимиз.

НАЗАРИЁТЧИ ВА АМАЛИЁТЧИ

Ленин 150 миллионлик халққа, хусусан деҳқонларга раҳбарлик қилганда, Ленининг амалиётчилиги унга ёрдам берди.

Чуқур назариётчилигини шу даража чуқур амалий иш билан боғлаб олиб бориш натижасида у жуда улкан, ажойиб бир революционер бўлиб етишдики, дунёда ҳали бундай революционер бўлган эмас.

Ленин Россияда капитализмнинг ривожланиш босқичларини жуда яхши билар эди. Ленин пролетариатнинг кичик бир тўдадан ва деҳқонларнинг аса жуда катта кўпчилиқдан иборат эканлигини билар эди. 1905 йилда буржуа революцияси кенгайиб, кўпимиз ганиб қолган бир вақтда, Ильич деҳқонлар масаласини аниқ ва равшан қилиб кўйди. Ишчи-деҳқонлар иттифоқи зарурлиги онгимизга чуқур сингиб кетди. Социализмнинг чинакам намоёндалари фақат ишчилар бўлиши мумкин эканлигига Ильич бир дақиқа бўлса-да шубҳаланмаган эди, лекин шу билан бирга у, пролетариат якка ўзи революцияни қилолмайди, пролетариат бу революцияни деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб туриб амалга ошира олади, деган хулосага келган эди.

ЛЕНИН ВА ШАРҚ

Владимир Ильич фаолиятида унинг Шарқдаги мазлум миллатларга қизиб қараганини кўрсатиб ўтмоқ лозим. Ильич бизга бошқа соҳалардаги каби мазлум миллатлар масаласида ҳам кўп кашфиётлари очиб берди.

Агар рус мужиги Ленини отам деса, сариқ, қора таъли кишилар ва бошқа ирқдаги ҳамма кишилар ҳам уни ўз отамиз дейдилар. Социализм учун жаҳон миқёсида олиб бориладиган курашда Ленин Шарқдаги жуда катта армияни назарда тутди.

Биз капитализм энди ривож топиб келаётган Шарқ мамлакатларида жуда зўр ҳаракат борлигини кўриб турибмиз. Шарқнинг революцион Шарққа айлана олишини фақат доҳий Ильичгина олдиндан кўра олди. Бу унинг буюк хизматиридир.

ИНСОНПАРВАР ВА ДУСТ

Ленининг инсонпарварлиги тўғрисида бир неча оғиз сўз айтиш. Бизнинг ҳеч биримиз бундан ҳам самимий ва дилкаш кишини учратмаганмиз. У ҳар тарафлама билимдон киши эди. У ҳар бир кишининг дилидаги айни муддасини топиб айтар эди. Ленининг самимийлигини билмаган бирон партия аъзоси бормикан?

Уртоқлари билан жамоат ҳам бўлганида, у ҳамманинг дилидагини билиб турар, лекин буни бировга билдирмас эди. У ҳамма вақт хушмуомала ва улфат эди. У ишчи ва деҳқонлар билан майда-чуйдалар устида ҳам узоқ-узоқ гаплашарди. Ҳатто душманларимиз ҳам Ильичга қойил қолар эдилар.

Инсониятни ҳеч ким Ильичдек яхши билмас эди, унинг революция ишларида дадил бўлишига ҳам сабаб шу эди, деб билмоқ керак.

ПАРТИЯДА ИЛЬИЧ РУҲИНИ САҚЛАЙЛИК

Ленин вафот қилди. Лекин у орамиздан кетганида, гоёт буюк ишини фақат хомаки суратдагина тамомлаган эди.

У бўлажак социалистич тузумга пойдевор солди. Коммунистич партиядо ўсиб вояга етган ҳар биримиз Ильичнинг бу раҳбарлик қўлини сезиб турибмиз.

Агар биз партиядо Ильич руҳини сақлай олсак, у қўра бошлаган буюни охирига етказамиз. Ҳар қолда, ҳозир бизга аянча енгил. Бизнинг қўлимизда ишончли, синалган партия компания бор, шунинг учун биз йўлини топиб оламиз.

Ильич бизга: ваҳший капитализм ишчи ва деҳқонларни бундан кейин яна жанг майдонига ташламаслиги учун олга, яна олга боришлар,— деб таълим бериб келди.

Биз ундан қолган меросдан ленинизм яратамиз. Келажак учун йўл фақат битта, у ҳам бўлса — ленинизм ўргаймоқдир.

Ўйлоб-чизимизнинг ғайрат ва шижоатидан иборат олайлик, кишини қўл қиладиган ва хўрлайдиган ҳамма нарсаларга бутун вужудимиз билан нафрат ёғдирайлик.

ЛЕНИН



ДАСТЛАВКИ УЧРАШУВ

— Қўзим тушиши биланоқ танидим, — деди Алексей Михайлович.
 — Расмига ўхшарканми?
 — Ҳа, расмидай, иннайкейин қарашлари ҳам жуда жиддий. Бошқа ўртоқлар шунчаки, оддийгина ўтиришибди, унинг бўлса боқишлари жиддий, кўзлари ўткир.
 — Ҳазиллашганда қандоқ қаҳ-қаҳ уриб кулади денг, ҳар қалай, боқишлари бошқачалиги кўриниб туради.
 — Овчиларникига ўхшамайдими?
 — Э, Ленин қанақасига овчи бўларди! Қишлоқ ҳаётини кўргани, дам олгани келарди-да, албатта.

«Қанақасига овчи бўларди» деган сўзларни мерган деярли ҳурмат-аҳгиром билан айтганди, чунки у чинакам овчи бўлишни истаган қанча-қанча одамлардан озмунча азият чекмаганди-да.

Энди овага жўнаймиз, деб бундай қарашса, Ленин йўқ эмас. Бошқа югуриб чиқишса йўқмиш, ҳовлида ҳам йўқмиш, кўчада ҳам ҳеч ким кўрмабди уни. Ленин йўқолиб қолса-я, ҳазилакам гапми бу, ахир?! Алламаҳалгача қидиришибди, то: «Ленин Шеметоводаги совхозда болалар билан суҳбатлашиб ўтирибди», деган хабар етиб келгунча роса хавотир олишибди.

— Ов эсидан ҳам чиқиб кетибди, — деди Алексей Михайлович, — ҳақиқий овчилар ҳеч қачон бундай қилишмайди-да ахир.

ЛЕНИН ҚУШЛАР УЧИБ ЎТАДИГАН ЖОИДА

Кекса овчининг тўппончани кўргани кўзи йўқ эди, у овчида биргина миллион бўлиши керак, деб ҳисобларди. Бироқ у вақтларда тўппонча олиб юриши зарур эди; нотинч, хавотирли вақтлар эди. Шунинг учун Ленин икковлари биттадан тўппонча олиб, лойхўрак овлагани ўрмонга жўнашибди.

Маълумки, ҳар йили лойхўраклар қандайдир ўрмон йўлаги бўйлаб учиб ўтишарди, қандайдир оқ қайин тепасига борганда йўлни ўзгартириб, бошқа томонга бурилишарди. Ана ўша ҳаво йўли муюлишидаги оқ қайинни бутлур ким билиб олган бўлса, ўша қайиннинг тагига бориб тураверсин бу йил, чунки ҳамма лойхўраклар албатта унинг тепасидан учиб ўтади.

Кекса овчи Ленинни ўшанақа ажойиб бир оқ қайиннинг остига қўйиб, ўзи сал нарироққа, лекин Ленин кўриниб турадиган жойга ўрнашиб олибди.

Тажрибали овчи янглишмаганди, албатта: ҳали ўрнашиб бўлмаслариданоқ қуш шарпаси эшитилибди, лойхўрак кўриниб, Алексей Михайловичнинг тепасидан ўтиб, тўппа-тўғри Ленин томонга учиб бораверибди. Унга нима бўлди? Эшитмаептими, ёки овоз алдаб қўйдими, бошқа томонга қараб турибди.

«Э, — деб ўйлабди шунда овчи, — бунақада лойхўрак отиб бўлсан», — кейин унинг ёнига бориб турибди. Ленин индамабди. Бир пайт яна битта лойхўрак учиб келаверибди. Шунда Алексей Михайловичнинг ҳаёлига бир ажойиб фикр келиб қолибди тўсатдан. Икки киши бараварига ўқ узса улардан ҳар қайсиси иккинчисининг ўқ узганини эшитмаслигини ҳамма овчилар билади-ку, ахир: ўзинг отган миллион шундай варангайдикки, қулогингни битириб қўяёзди. Кекса овчи ўзи ўйлаган режани ана шу асосда қурмоқчи бўлибди. Ленин нишонга олганини у ҳам мўлжалга олибди. Бараварига отишибди. Лойхўрак қулабди. Ажойиб режа эди бу: Ленин унинг отганини эшитмаганди, албатта. Ўлгани олиб келгани югурибди овчи, лекин миллионнинг овзидан пуфлаб юборишнинг унутиб қўйибди. Эҳ, каллаварам, тентаксан-да кекса Алексей, буталар орасидан лойхўракни олаётин пуфлаб юбормайсанми-я! У илвасини Ленинга келтириб бериб, табриклабди:

— Вовлаб урдингиз-да, қойилман, Владимир Ильич!

— Раҳмат, Алексей Михайлович, — жавоб берибди Ленин, — лекин, нимага миллиондан тутун чиқапти?

Шундай деб, ёш боладай қотиб-қотиб кулибди. Кейин:

— Майли, ҳечқиси йўқ, — дебди, — ҳа, ҳечқиси йўқ, ёнимга тур, биргаллашиб отамиз.

Улар ёнма-ён туришибди, бирга отишибди. Ўша кеч етгата лойхўракни уриб туширишибди.

ПРИМУС

Мерилиз мерганини жуда яхши кўраркан ва у билан йигирма йил аҳил-тоғув ҳаёт



печирибди. Албатта, ҳамма бугуларни биринки йилда батамом қирғин қилишлари бунақанги овчига ёқмайди. Аммо-лекин ўша пайтларда айрим хўжаликларда худди шундай ҳол содир бўлганди. Бу хўжаликларнинг хўжайини бўлмиш бадавлат мужиклар назарида кимдир атайин шундай қилаётгандай, кимдир бундан манфаатдор ва бу ўлжаларнинг бари кимнингдир қўлига бориб тушадигандек бўлиб туюларди.

Алексей Михайлович билан ўша пайтларда бугулар қириб битрилгани, хўжаликнинг хонавайрон бўлгани борасида бемалол дардлашарканмиз:

— Сизнингча қандай: бу тартибсизлик, вайронликка Ленин айбормиди?— деб сўрадим.

— Асло,— деб жавоб берди Алексей Михайлович,— мен Москвада, Ленинникида бўлганман, ҳаммасини кўрганман: Ленинникида ҳеч вақо йўғийди.

Бу савол-жавоб жуда антиқа бўлди ва шунчаки жўнгина гапдай ўтди-кетди: мен «айборми» десам, кекса овчи: «ҳеч вақоси йўқ», деб жавоб қилди.

Шундан кейин у бир галги овдан сўнг Ленин ўзини Москвага меҳмонга таклиф этганини батафсил ҳикоя қила бошлади. Бир куни овчи Лениннинг ҳузурига бормоқчи, ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб келмоқчи бўлибди. Ўзла пухта ҳозирлик кўрибди, бундай олис, хилват жойдан тўппа-тўғри Москвага бориш, Лениннинг ҳузурига кириш ҳазилакам гап эмасди-да, ахир. Кимнинг ҳузурига кетаётганини биларди, албатта! Қўлбола қишлоқ ноиндан талайгина гамлаб олибди... «Эҳтимол, Ленин шунчаки айтган-қўйгандир, балки у ерга борганида Лениннинг олдига киришмас, балки уйда бўлмай қолар». Шундай қилиб, Ленин ҳузурига, Кремлга қараб йўлга чиқибди. Ленин уйда экан ҳайтовур, кекса овчини ўша заҳотиёқ, у отини айтиши биланоқ Лениннинг ҳузурига олиб киришибди. Мана, каттаков, дярли бўм-бўш хонанинг эшиги очилибди. Эҳтибом у ерда унча-мунча буюм бордир, лекин хона ниҳоятда катта бўлганидан бўм-бўшдай кўрингандир? Бу каттаков хонанинг нариги бурчида битта яшик бор экан, Ленин ўша яшикка ўтириб олиб, примус ёқаётган экан.

У жуда хурсанд бўлибди ва:

— Алексей Михайлович, сени нима билан зийфат қилсамкин, хоҳласанг қаҳва қайнатиб бераман, лекин ҳақиқийи эмас, сулдан тайёрлаймиз, бўптими?— деб сўрабди қулиб.

Шундай қилиб қаҳва қайнатишга киришибди. Қаҳва тайёр бўлибди. Ленин ташқари чиқиб, нон олиб кирибди. Қараса ноннинг жуда мазаси йўқмиш, қоп-қораммиш.

Шунда Алексей Михайлович бундай дебди:

— Мени кечирасиз-у Владимир Ильич, ўзим билан қишлоқ ноиндан олиб келгандим.

— Қани, ол бу ёққа!

Иқновлари сулидан тайёрланган қаҳвани ичиб, ноиндан тамадди қилишибди.

Алексей Михайлович ҳикоясини тугатаркан, шундай деди:

— Худди тушда кўргандай, ҳозир ҳам тез-тез кўзимга кўриниб туради. Ўша бир бурчида яшик, яшик устида примус ёниб турган каттаков хона.

Бу пайт вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Тонг оғишига ағти бирор соатча қолганди.

— Шу ерда ётасизми,— деб сўради мезбон,— ёки пичанхонадами?

— Пичанхонага бошлай қол.

— Ленин ҳам пичанхонада ётишни яхши кўрарди.


Мен ҳам Ленин тунанган пичанхонада ётибман: пичанхона ҳам ўша-ўша, Мерилиз ва Ленинни кўрган бу толмас мерган ҳам ўша-ўша, унинг бирор туки ҳам ўзгармаган бўлса керак. Мен худди ўша Ленин ётган бурчда ётибман. ҳамма нарса худди ўша пайтдагидек, биروق эндиликда Ленин ҳаёт эмас, пичан ҳам бошқа.

1926.

Эркин МИРОВИДОВ таржимаси.

«Гулистон» мусоҳабаси

КЕЛАЖАК ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ



Мухбиримиз келажақда пахта териш машиналари қандай бўлади? деган савол билан конструктор, Ленин мукофоти лауреати А. Н. Приходькога мурожаат қилди.

— Бу саволингизга жавоб беришдан олдин,— деди Апполинарий Николаевич,— ҳозирги мавжуд пахта териш машиналари ҳақида икки огиз гапириб берай. 1948 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан пахтачилик машинасозлиги бўйича махсус конструкторлик бюроси ташкил этилди. Буюр ўз фаолиятини ўтмиш тажрибаларини ўрганиш, уларни умумлаштиришдан бошлади. Ахир, пахта териш машинаси яратиш ҳаракати Шимолий Америкада юз йигирма йил муқаддам, Иттифоқимизда эса ўттизичи йилларда бошланган эди-на.

Ниҳоят, 1949 йилда тик шпинделли «СХМ-48» пахта териш машинаси яратилди. Уни «Ташсельмаш» заводи ишчилари қуришди. Бу машина ҳақида ўша пайтларда ҳар хил гап-сўзлар юрди. «Пахтани нобуд ташкил топади, бизники эса атиги 60 тадан. Икки қаторлик америка пахта териш машинаси 20 минг доллар туради, бизники эса трактори билан қўшиб ҳисоблаганда ҳам неча баробар арзон.

Аммо «СХМ-48» ижодкорлари умидсизланмадилар. Улар бу машинани такомиллаштиришни давом эттирдилар. 1958 йилда икки қаторлик «ХВС-1,2» машинаси яратилди. Орадан беш йил ўтгач, «ХТ-1,2» машинасини дала шаронтида сынаб қуришди.

Бултур шу икки машина — «ХВС-1,2» ва «ХТ-1,2» ижодкорлари П. Ф. Глазатов, В. Д. Тютников, М. Н. Марков ва мен ҳамда янги машиналари далаларда синанган Жавод Кўчиев билан Турсуной Охунова Ленин мукофотиغا сазовор бўлди.

Ҳозир конструкторлик бюромиз 4, 6, 8 қатордаги пахтани бир варақайга терадиган машиналар яратиш устида ишлаяпти. Ҳолбуки, Америкада бундай кўп қаторлик машиналарни 1980 йилларга борибгина яратиш мўлжалланаяпти. Чунки америка машиналари тузилиш жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб, битта шпинделлининг ўзи 600 дан ортиқ бўлақчалардан ташкил топади, бизники эса атиги 60 тадан. Икки қаторлик америка пахта териш машинаси 20 минг доллар туради, бизники эса трактори билан қўшиб ҳисоблаганда ҳам неча баробар арзон.

«Беларусь» тракторига тиркалган олти қаторлик пахта териш машинамиз «Малик» совхозида сынаб кўриляпти. Саккиз қатор пахтани териш ва агрегатда ишлаган механизатор кунига 40—50 тонна, мавсумда эса 500—700 тоннагача пахта тера олиши маълум бўлди.

Албатта, «Пахтакор» пахта териш машинасини беками-кўст демоқчи эмасман. Келажақда турли усулда қурилган, мукамал терим машиналари яратилиши мумкин. Бунинг учун Пахта териш машиналари бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси қошида хилма-хил усулда ишлайдиган машиналар яратувчи махсус бўлимлар очиб керак деб ўйлайман. Масалан: чоноқни майдалаб пахтасини терадиган ёки пахтани ҳаво билан сўриб оладиган; ғўза тупини юқоридан паства қараб терадиган ёки ҳозир биздаги машиналар тераётганидек, ғўза тупини қуршаб олиб терадиган; маълум даврда ғўза тувларини ўриб олиб, кўсақлари пишиб очилгандан сўнг териб оладиган... Агар шундай бўливлар ташкил этилса, у ҳолда улар бир-бирлари билан ижодий мусобақалаштишлари, турлича тадқиқот олиб боришлари мумкин. Шундай қилинганда консерватизмга чек қўйиб, кенг ижодий изланишларга йўл очиб бериш мумкин. Шу муносабат билан ишлаш усули бошқа-бошқа бўлган пахта териш машиналари чиқарадиган заводларни ҳам кўпайтириш, камида иккита қилиш керак деб ўйлайман. Шунда истеъмолчилар терим машиналарини унинг афзалликлари қараб ўзлари сотиб оладилар. Яна бир таклифим шуки, пахта териш машиналари водийларнинг шарт-шаронти ҳисобга олинган ҳолда яратилиши керак.

ПҮЛАТ ЗУВАЛА

Мурод ХИДИРОВ,
«Гулистон»нинг махсус мухбири.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.

Аёз этга «тиг» тортади. Пўлаклардаги қор совуқда «қовжираб» қолган, оёқ остидан гэрч этикнинг товуши эшитилади. Бамисоли ердан бўртиб чиққан минорадек симобий тугунларгина изгиринни писанд қилмай, эринчоқлик билан ҳавога сингиб боради.

Нигоҳимиз ўша минораларда. Ишчилар шахарчасининг юраги ҳам ўша... Пўлатшуносларнинг йирик корхонаси... Тафти баянд маъдан ўчоқлар... Коржомдаги ишчилар... Булар ҳақидаги илк таассуротларимиз қандай бўларкин?... Ҳамроҳим Семён Безносос билан ана шулар ҳақида ўйлардик.

Корхонанинг серҳашам идорасида даставвал дуч келган қиши — партком котиби Эркин Валиев бўлди. Котиб билан одатдагидек гурунг қилдик.

Корхона мамлакат бошига қора кунлар тушганда қурила бошланди. Қурилганда ҳам тезу жадал... Ибтидоси — 1942 йил 27 июль, интиҳоси — 1944 йил 5 март.

Котиб корхонанинг таржиман ҳолига ва ҳозирги қудратига доир суҳбатини йўл-йўлакай давом эттирди.

— Дастлаб қийин бўлган, — дейди котиб, — муболагаси йўқ — одам икки ҳисса кўп эдию, маҳсулот ўн барабар кам эди ҳозиргидан. Кўп иш қўлда бажариларди. Фақат 1954 йилдагина корхона тўла қувват билан ишлайдиган бўлди. Шундан кейин ҳам цехларимиз замонавийлашиб борди.

Мартен цехига кирдик. Қулоқли батанг қилгудек шовқин. Ишчиларнинг гап-сўзи аранг эшитилади. Тепада осма кўприк гилдираб юрибди. Шип шу қадар баяндки, ичкарида дарвоз дорини кўриб, бемалол ўйнайверса бўлади. Ҳалиги осма кўприкнинг ер ўпиб турган қурилмаси бор. У обизан нусха, темир-терсак тўла вагончаларни чағаллаб даст кўтаради-ю, гуриллаб турган ўчоққа ағдаради. Кетма-кет хом ашё ортилган вагончалар пўлат из устида йўргалаб келаяпти. Енма-ён ўчоқларда қўзни олгудай бўлиб «зангори олов» ловуллайти, тегирмон гулдирашига ўхшаб, бўкириб алаңгалади.

Биз юрак ютиб, ўчоққа яқин борамиз. Бир ишчи манглайдаги рангли кўзойнагини беради. Визни ўчоққа қарашга таклиф этади. Қараймиз-у одам зотига қойил қоламиз: маъдан бўтқадек биқирлаб, осмонга сапчиб қайнаётган бўлади.

Бехтиёр чекинамиз. Эркин аканинг товуши бўғиқ эшитилади: — Ўчоқдаги ҳарорат — 1600 даража. Бир маҳаллари мазут ёқилган. Металломни ўчоққа қўлда ташлашарди. Печни тун-кун тинмай қиздиришарди. Энди бўлса — олти соатга бормайди. Ўчоқни айтмайсизми... 35 тонна темир-терсак аранг сигарди. Уни қайта курганмиз, 90 тоннагача «масаллиқ» дамлаймиз.

— Кунигами?

— Ҳа... Ийлига минглаб тонна пўлат пиширамыз.

Оловнинг зўрлигидан зирқираб турган цехдан узоқлашамиз. Котибнинг гапларини ўйлайман: «Ийлига минглаб тонна... Корхона 1975 йилга бориб қайта қурилади. Ўрта Осиё республикаларидан келадиган ҳамма темир-терсак шу ерда эритилади. Иил сайин миллион тонналаб пўлат қуйилади».

Цехнинг иккинчи қисмига ўтдик.

— Бу ёқда ўчоқдан нов орқали қозонга пўлат оқиб тушади. — тушутирди котиб.

Пўлат оқимини кўп кутмадик. Беш-олти дақиқа ўтмай, бичонинг ичи нурдан яшнаб кетди. Мушак отилгандай атрофга олов сачради. Новдан пўлат шунчаки оқиб тушмади, шиддат билан дошқозонга қуйилди. Алламаҳалдан сўнг қозон тўлди. Кейин тоша бошлади.

— Ажабландиларингиз шекилли. — яна котибнинг бўғиқ овози эшитилди. — тошгани кўпчи. Чиқинди да... Соф пўлат тагида қолди...

Оқим тивди. Лекин иш тўхтагани йўқ. Биз маъданшуносларнинг юмушини қизиқиш билан кузатиб туравердик. Шинда сузиб юрган кўтарма кран новни олди. Қотган чиқиндини ўртага уйиб қўйди. Оқим навбати кутилаётган ўчоқ ортига бошқа қозон, бошқа новларни ўрнади бошлади. Биринчи дошқозондаги қайноқ пўлат ари уусидек сон-саноксиз қолипларга қуйила бошлади. Тул-газилган қолипларга совуқ сув пурналди ва дарҳол музхонага жўнатилади.

Нимқоронги цех бўйлаб юқорилади. Ҳалиги қолипланган ускуналар музхонадан бир қадар совиб, лекин чўғ ҳолича судралиб чиқиб келарди. Махсус, баҳайбат қайчи уларни гўла-гўла қилиб, майингина кесиб ташлайти. Гўлалар шу ерда синчиклаб текшириллар, навларга ажратиларкан. Шундан кейингина зувала қилиб, чўзиш цехига жўнатилар экан.

Эртаси куни чўзиш цехини айландик. Бўйи юз газ, балки ундан ҳам баянд цех тинмай говур таратади. Ланг очиқ эшиклардан аччиқ изгириш ғуфурлади. Чақмоқ қақинидаи яшнаб, ўрмалаб бораётган қайноқ зувалаларинга совуқнинг нафасини кесапти. Бу бинода ҳам сурурили меҳнат жараёнини кўрдик. Пўлат гўлалар 1250 даража ҳароратда чўғ ҳолига келтирилади. Улар чайир цехларнинг пўлат кафтига чўзилиб бораверади. Цехдан-цехга илондек билтанлаб галма-гал ўтади-да, арқондек ингичкаланиб қолади. Бу — қурилишга яроқли ускуна гайёр бўлди, демак.

Корхона аҳли чакана эмас. Минглаб нафар. Уруш йиллари республиканинг ҳамма чекаларидан одам оқиб келди. Корхона пойдеворига дастпаяқасини ургандан бери уларнинг ақсарияти бир умрга шу ерда макон қуриб қолди. Оила қилиб, кўпайди, авлодлар тарбиялади.

Пўлатшунослар билан гурунглашарканмиз, турфа-туман лаҳжаларнинг гувоҳи бўлдик. Оператор Розия Хўжаева асли урганлик экан. У жуда ёш кўринади, қирқ тўртга тўлибди. Етти бола-нинг волидиси. Фарзандларининг хулқу одобидан хушвақт.

— Пенсияга чақишингизга бир йил қолди-ку? — дейман Розия опадан гап олиш ниятида.

У мингги елкасини сал қисиб, билмасам, дегандек бўлди. Сўнг, бир оз туриб қўшиб қўйди:

— Йўқ, ҳали-бери пенсияга чиқмасман... Қани, болалар улгайсин... У ёғи бир гап бўлар-да...

У сукулчи болаларининг гамида кексалikka чап бериб келаятганга ўхшайди. Розия опа ҳақида бошқа пўлатшунослардан ҳам илқ галлар эшитдик. Аёл ўз касбининг чинакам моҳираси экан.

Корхонанинг аjoyиб заҳматкашлари, меҳнатчилари бор. Уларнинг ҳар бирига қатор ҳиқоятлар тўқини мумкин. Тақдир пўлатшуносларни шу корхона атрофида тўксиз-туғал жамлаган. Улар бир-бировига қўшни тушди, курама уруғлар қуда-қудагай бўлишди, хуллас, ёр-биродарлик ришталари чапдаст боғланди. Тақдир тақозоси Самарқанднинг Каттақўрғон шаҳридан етаклаб келган Нуриддиновлар оиласига дастпаяқаси кундан-кун қизиқиб қолганди. Бу оилани Нуриддиновлар сулоласи деб аташди. Чўзиш цехида ана-укалар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саидни, Шамси, Сайфи, Кўни Нуриддиновларни кўрдик. Улар бизни уйларига, «бир пиёла чай» ичтишга таклиф этишди. Бу оқшом тўнгич ака — Саидниқига укалари йиғилишар экан.

Кечлатиб пўлатшуносо оға-инилариникига кириб бордик. Тўқин дастурхон устида сўхтаб бошланиб кетди. Саид ака гапга чечан, бақувват, барваста киши экан. Заводга 1944 йилда келган. Қурилишга қатнашган. Шу-шу оддий ишчидан доғддор қувовчи, қаҳрамон мартабасига эришган, Биродарларини Каттақўрғондан галма-гал чақириб олган ҳам Саид ақанинг ўзи. Шамси, Сайфи ва Кўнилар ўсмирлик, йигитлик куч-қаймоғини шу корхонага бағишлашларига сабабчи бўлган «ғуноқдор» акаларидан нолишмайди. Улар акалари каби оилали, ували-жували бўлишган. «Пўлатшуносо» кўчасида ёнма-ён ҳовлиларда истиқомат қилиб, биродарлик меҳр-оқибатларини бир-бировидан дариг тутмайдилар.

Шамси ҳам ҳазил-мутойибага мойил кўринади. У ҳам цех мастери, Сайфи камгал, вазмин. Мартен пенида гўлоҳлик қилади. Музхонани кенгайтириш устида изланиб юрибди. Сулоланинг кенжаси Кўни, ақаларининг таъбири билан айтганда, «ерта урса осмонга салчийдиган», қувноқ, улфат йигит. Ҳаммалари комбинат қошдаги индустрия билим юртида таҳсил олишган.


Мен сулоланинг Каттақўрғондаги хеш-ақраболари билан борди-келдисиин сўрадим.

— Каттақўрғон тугилган шаҳримиз, бормай илож қанча, томир тортади-да, — дейди Саид ака кулимсираб. — У ёғини сўрасангиз, аҳён-аҳён Ғиждувонга ҳам бориб турамиз. Асли бобокалонларимиз ғиждувонлик бўлишган.

Саид ҳам, Шамси ҳам бригада аъзоларининг иноқ, интизомли ва сергайрат эканидан сўз юритиб қолди.

— Топшириқ бажарилмаган ой йўқ. Қарийб маошига тенг келадиган мукофот олишди ишчиларимиз. «300 новла» цехимиз механизациялашгандан бери меҳнатимизга барака кирди. Визда устма-уст мажлис ўтказиш одати йўқ. Ҳар куни ишга киришиш олдидан бор-йўғи беш минутлик йўлдан ўтказамиз.

...Сафаримизнинг охириг тонги отди. Корхона бурунгидек ўз заҳматкашларини бўкириб чорламаса ҳам, пўлатшунослар гур-



Корхонага шу ердан кириб борилади.

рос-гуррос бўлиб, меҳнат қайнаётган, пўлат қайнатаётган дарғоҳга йўл оладилар.

Корхона раҳбарлари билан хайрлашиш учун идорага кетаямиз. Йўлда таассуротларимизни ўйлаймиз. У куни партком котиби Эркин Валиев корхона эстетикаси ҳақида сўз очиб, фақат комбинат ҳовлиси гулзор қилинганини айтди. Лекин корхонани айланиб, ҳали анча-мунча нарсга қилса бўларкан, деб қўйдик. Завод сатҳи икки квадрат километр. Ҳали кўнакамзорлаштирилмаган бўш жойлар кўп. Тўғри, ишчилар шаҳарчаси жуда обод. Ғуж-ғуж қарағайлар эпкинда шовуллаб турибди.

Олимларнинг фикрича, яшил ранг миёнга дам бераркан. Шундоқ экан, ишчи доим кўз нурини тўқиб ишлайдиган ускуналар ҳам яшилга бўлса бўлмасмикан? Ишчи коржомалари четдан келган одамнинг дидига эмас, ҳатто ишчиларнинг ўзларига ҳам беўхшов, ноқулай туюлаётир. Худди шу ўринда оператор Розия Хўжаеванинг эътирозини эслатиш киёво:

— Ўзимизга қўйиб берса, коржоманинг эълигиниям, қишлигиниям тикиб олардик. Бордию, устакхона ташкил қилса, яна дуруст бўлар менимча...

Мана шу ўй-хаёллар билан корхона директори Иброҳим Муҳамедовнинг ҳузурига кирдик. Директор билан хайр-хўшлашиш ўрнига бир фурсат суҳбатлашиб қолишга тўғри келди. Иброҳим ана ташвишланиб ўтирган экан.

— Бугун металлوم келмай қўйди. Бордию, мартен печлари бир лаҳза тўхтаб қолса, ишнинг пачаваси иқиди деяверинг. Сокутан печлар ярамай қолди. Тузатиш учун эса камда саккиз кун керак.

Директор Тошкентдаги металлум етказиб берувчи ташкилотларнинг совуққонлигидан куюноб гапирди.

— Ҳозир мана бундай қарорга келиб ўтиргандим: бугун ишчиларни шаҳар атрофидан металлум тўплашга сафарбар қиламиз, — деди Иброҳим ака у ёқдан-бу ёққа асабий одим ташлаб.

— Қанча тўплай оласизлар?

— Олтмиш тоннача!... — зураки жилмайди директор.

— Бу нимга бўлади?


— Нима бўларди! Ҳеч бўлмаганда завод тўхтаб қолмайди-да...

Директор кўрган-билганларимиз ҳақида сўраб, таклифларимизни қабул қилди.

Бекободлик пўлатшунослар маҳсулотнинг ҳамми жиҳатидан Иттифоқда ўрта мавқени, қисқа пўлат зувала беришда эса биринчи ўринни эгаллашар экан. Энди ҳамма корхонанинг қайта қурилишига мунтазир. Мунтазир дилларнинг эзгу армонга етишга кўп қолгани йўқ.



Ана-ука НУРИДДИНОВЛАР.



КАШҚАДАРЕ областининг қайтадан тузилганига шу йил февраль ойида беш йил тулди.

Шу йиллар ичида sanoat корхоналарининг сони кўпайди, янги қурилиш индустрияси юзга келди, колхоз ва совхозлар ташкилий томондан муштараклашиб, моддий-техникавий жиҳатдан бақувват хўжалиқларга айландилар. Капитал қурилишига 370 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланиб, еттига йиринчи sanoat корхонаси, 227000 квадрат метр турар жой, 10 шифохона, 65 мактаб, 21 кино-театр, 250 маиший хизмат кўрсатиш комбинати каби аҳолига зарур бўлган бинолар қурилиб, ишга туширилди. Область маркаси Қарши район маркаслари ва ишчи посёлкаларини ободонлаштириш бўйича кўп ишлар қилинди.

Қашқадарё нефть ва газ конларининг топилиши туфайли sanoatнинг янги тармоқлари вужудга келди.

Ўтган беш йил ичида область хўжалиқлари давлатга 1,073,259 тонна пахта, 382338 тонна галла, 74702 тонна гўшт, 104,971 тонна сўт, 2,260,201 дона қоранғул тери, 5217 тонна пилла ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалиғи ҳамда sanoat маҳсулотлари сотди.

Планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги йўлига ўтган sanoat корхоналари, шу жумладан Қарши ёғ-экстракция заводи, Шахрисабз консерва заводи, «Хужум» бадиий фабрикаси, Қарши non корхоналарининг ишдаги кўрсаткичлари жуда яхши бўлди.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам талайгина ютуқларга эришдик.

Ўтган йилнинг ўзидагина капитал қурилишига 103 миллион сўм маблағ сарфланди, шу маблағлар ҳисобига 44330 квадрат метр турар жой ва бошқа бинолар барпо этилди.

Йўл қурилишига йил сайин катта эътибор берилаяпти. Фақат кейинги икки йил ичида 480 чақирим масофада янги йўللар қурилиб, ишга туширилди. Нишон — Қамашчи — Женов, Қарши — Бешкент, Бешкент — Навқат — Муғлон, Яқнабоғ — Самақ, Киктоб — Макрид каби магистрал йўللар шулар жумласидандир. Аҳоли яшайдиган жойлар, маҳаллалар, жамоат биноларига, мактаб ва болалар муассасаларига борадиган йўللар асфальт билан қопланди. Янги хиёбонлар барпо этилди.

Аҳолини газ билан таъминлаш анча яхши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда 30 минг хонадон газ ўчоқлардан фойдаланмоқда. Уларнинг 18 мингтаси қишлоқ жойларидадир. Ўтган йили Қарши шаҳрига ҳам табиий газ қувурлари ётқирилди.

Йилдан-йил аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг тармоғи кенгайиб, хизмат кўрсатиш хиллари кўп-

гайиб бораёттир. Шу кунларда Қашқадарёда етти юзга яқин ҳар турли маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари аҳолига дастёрлини қилаяпти. Ўтган йили шаҳар, колхоз ва совхоз маркасларида 22 маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиб, ишга туширилди. Бундай биноларни қуришда хўжалиқлар ҳам катта ташаббус кўрсатдилар.

Аҳолининг ўсиб бораётган талабларини қондириш ниятида ташкил этилган маҳаллий sanoat бошқармаси яхши тараққий қилаяпти. Унинг ҳисобидаги янги корхона ва дастоҳларда гилам, беқасам, мебель ва турли миллий ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳам йил сайин яхшиланаиб бораёпти. Аҳолига етти юзга яқин врач, 3 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходими сидқидидан хизмат кўрсатмоқдалар.

Областимиздаги институт, 10 махсус ўрта, 8 касб-ҳунар ўқув юрти ва олти юзга яқин умумий таълим мактабларида 212 минг киши таҳсил кўрмоқда. Бошқа иттифоқчи республика ва областлардаги олий ўқув юртларида 8 мингга яқин йигит-қизларимиз таълим олмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси областимиз олдида турган улкан вазифаларни бажаришга иштирок этувчи — бўлажан маълумотли кадрлардир.

Пахтакорларимизнинг ўтган йилги хизмати жуда баранали бўлди. Улар қийинчиликларини мардонавор енгиб, давлат топширигини қисқа муддат ичида бажардилар. Ватан хазинасига 253 минг тонна, ёки ўзда тутилганига нисбатан 43 минг тонна кўп пахта тўкилди. Ҳар бир гектардан область бўйича ўртача 27,5 центнердан ҳосил кўтарилди.

Республикамизнинг йиринчи пахтакор районларидан ҳисобланган Шахрисабз район меҳнаткашлари пахтадан баракали хирмон кўтардилар. Ватан улардан 81 минг тоннадан кўпроқ пахта қабул қилиб олди. Бу ҳар гектар ерга 32 центнердан тўғри келади. Қосонликлар эса эл хирмониغا 37,5 минг тонна, қаршилиқлар 40 минг тоннадан кўпроқ ҳосил тўқдилар. Ўтган йилга қараганда ҳосил Қосонда 12 минг тоннага, Қаршида 11 минг тоннага кўпайди. Умуман маррага етмаган бирор хўжалик қолмади. Назар Мейлиқулов, Аҳмад Бердиев, Эшмўмин Жўраев, Ойша Шоймардонова, Бибисора Алиқулова, Муяссар Султонова, Саман Орзинқулов, Холмат Равшанов, Мамат Ортиқов, Рўзи Бобоев сингари ўнлаб-юзлаб пахта миришқорлари элнинг обрў-эътиборини қозонди.

Йигит-теримчи механизациялаштириш соҳасида яхши ютуқлар қўлга кирди. Терим машиналари тўла қувват билан ишлаганлиги, механик ҳайдовчиларнинг меҳнатсеварлиги туфайли — 81 минг тонна

Қашқадарё КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Исом ЖАЛИЛОВ,

Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси

пахта «зангори нема» этакларидан тўйилди.

«Косон» совхозидан тажрибали механик-ҳайдовчи Хонкелди Холиқов «Ўзбекистон» агрегати билан 340 тонна пахта терди. Турди Рўзиев, Ша. раф Мунаррамов, Қаноат Худойбердиев, Рухсат Йўлдошева, Зулайхо Назарова, Мухаррам Пиримова, Халил Жалилов, Амир Худойбердиев каби «пўлат от» чавандозлари ҳам зўр хурматга сазовор бўдилар.

Ғаллакорларимизнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Уларнинг унумли меҳнати билан 240 минг тоннадан кўпроқ дон етиштирилди. Шундан 126 минг тоннадан кўпроги давлатга сотилди, план салкам 250 процентга етди.

Шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтган йилнинг кўзидан бошлаб, мўл ҳосил учун пухта замин яратишга киришилди. Кузги дон экиш яхши мўддатда агротехника жиҳатидан нулай шартонда ўтказилди, 250 миң гектардан ортиқ ерга дон экилди, Чигит экиладиган май.

донларнинг анча қисми сифатли шудгор қилинди. Техникани тузатиш, далаларга маҳаллий гўнг чиқариш, суз тармоқларини тартибга солиш, чорва қишлоғига тайёргарлик бўйича ҳам бир қатор юмушлар бажарилди.

Янги йилда қиш жуда қаттиқ келди, қор кўп ҳам қалин ёғди. Бизда кўп йиллардан бери бундай совуқ бўлган эмас. Шунга қарамай, меҳнаткашларимиз табиатнинг бу кутилмаган «зарб»ларига қарши дадил кураш олиб бордилар. Барча куч областимизнинг «қоракўл тери ватани» деб донгини чиқарган қоракўл қўйларини қишдан хатарсиз сақлаб чиқишга сафарбар қилинди. Бунинг учун ўз вақтида қўшимча ем-хашак, ишчи кучлари ва транспорт воситаларининг амротилини натижа-сида чорва молларининг қишлови ёмон бўлмади. Ҳозир барча хўжаликларда қўзилатиш масъуми оммавий тус олди.

Областимиз меҳнаткашлари зиммасида турган бу йилги

вазифалар жуда катта ҳам шарафлидир.

1969 йилда давлатга 215 минг тонна пахта, 51 минг тонна галла, 16 минг тонна гўшт, 22 минг тонна сут, 1040 тонна пилла, 450 минг дон қоракўл тери, 20 миллион донна тухум, 16 минг тонна сабзавот ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалиги неъматлари етказиб беришимиз керак.

Эндилиқда Қашқадарё фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган областини бўлиб қолмай, йириқ sanoat тармоқларига, қурилиш индустриясига эга бўлган областга, ўлкага айланмоқда.

Газ-нефть конлари ва бошқа ер ости бойликларининг топилиши янги ва катта истиқболларни очиб берапти. Муборақда қурилаётган газ-олтин-гурут заводи, Қаршидаги ун комбинати, гўшт комбинати, бир йилда 100 миллион донга гишт ишлаб чиқарадиган завод, элентр буюмлари, сопол қувурлар ишлаб чиқарувчи, пахта тозалаш пиво тайёрлаш корхоналари шулар ҳисобига кириди.

Қарши чўлларида энди қатъий хужум бошланди. «Қаршистрой» 90 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Чўлда Таллимаржон, «Дўстлик» по. сёлалари, Қарши районида «Аврора» совхозини, «Юнжий», «Дашт» сув иншоотлари, об-ласт марказини Амударё соҳиллари билан боғлайдиган 150 қақирим масофадаги асфальт ётқизилган Қарши—Амударё қатнов йўли қурилди. Шунингдек Урта Осиёда йириқ темирбетон ускуналари ишлаб чиқарадиган, йилгига 1500 автомашинани ремонт қила оладиган корхона қад кўтармоқда.

Азамат қурувчилар 1972 йилда Қарши чўлига Амударё сувини оқизишга муяссар бўладилар.

Булари шубҳасиз Қашқадарёни республикада йириқ пахта ишлаб чиқарадиган манонга, боғ-роғларга айлантиради. Кўплаб янги совхозлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона-фабрикалар бунёд бўлади. Шу билан бирга ўлкаимизнинг ҳуснига хусн қўшилади. Маданий ҳаёт юксалади. Ишчилар синфининг янги сафи ўсади ва улғаяди.

Бугунги Қашқадарёнинг ишлари ва нелажақ истиқболлари билан «Гулистон» журна-лининг ҳурмати шинаванда-

ларини таништираётган эманмиз, кўп қиррали ишимиздаги камчилиги ва нуқсонларини ҳам кўрсатмасдан бўлмайди.

Журналнинг ўтган йил август ойида чиққан 8-сонида махсус муҳбир Саъдулла Сиёевнинг «Омонқўтондан Оқрабобга» сарлавҳали мақола-си бошланган. Бу мақолада областимизнинг тарихи ва бугунги кунига оид кўп яхши фактлар баён қилинган. Шу билан бирга Фузур районидagi «Ленинизм» колхозининг Торқақчиғай қишлоғидаги Кутузов номли мактаб биносининг ремонти, аҳолининг транспорт воситаларидан қийналгани, Чирочқи райони марказидаги кинотеатр биносининг қурилиши чўзилиб кетгани ва Қарши шаҳридаги «Тонг» меҳмонхонасида сул бўлмаган, келган меҳмонларни анча ранжитилгани зикр қилинган. Бу ҳақиқат галдир.

Маҳаллий Советларнинг кундалик фаолиятида бундай камчиликлар учраб туради. Уларни тузатиш йўллари бор. Чирочқи кинотеатр биноси ишга туширилди. «Тонг» меҳмонхонасидаги камчиликлар бар-тараф қилинди. «Ленинизм» колхозидagi мактаб биносининг ремонти, колхозчиларини транспорт билан таъминлаш масаласи ҳал қилинди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, биз ўз иш фаолияти-мизда хўжаликнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган им-кониятларни ҳали тўла ишга сола олганимиз йўқ. Маҳаллий Советларга сайлов олдидан бўлиб ўтган меҳнаткашларнинг кўпчилиги йиғилишларида улар томонидан бу ҳақда анча қим-матли таклифлар айтилди. М.д. ҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайлов Советларнинг иш-ларини синовдан ўтказди. Шу билан бирга халқимизнинг ле-нинча партияимиз атрофига ҳар қачонгидан кўра янада мустаҳкам жипслашганлигини, уларнинг партия ва ҳукумати-миз томонидан олдимизга қўйилган қатор сиёсий-хўжа-лик вазифаларни бажаришга тайёр эканликларини яна бир бор намойиш қилди.

Маҳаллий Советларга сай-ланган, меҳнаткашларнинг хур-матига сазовор бўлган номзо-лар партияимизнинг ана шу катта ишончини оқлаш йўли-да ҳормай-толмай хизмат қи-ладилар. Баҳорги ишларни уюшқонли билан ўтказадилар, улуг инсон, доҳиймиз Ле-ниннинг 100 йиллик тўйини арзғули армуғонлар билан кутиб оладилар.



Қарши шаҳрининг қурилиши.



Чирочқи районидаги Ожунбобоев номли совхоз комбайнчиси Эргаш ШОЙМОНОВ.

ЗАМОНДОШ ЛАРИМИЗ КУЙЧИСИ

Таниқли ёзувчи ва кинодраматург, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳмат Файзий 50 ёшга тўлди.

Раҳмат Файзий замонавийлик мавзуини ёриштириш ва замондошларимизнинг реалистич образини яратибди ўз ижодининг асосий йўналиши, мазмуни деб билган ёзувчидир. Ёзувчи ҳаммаша давр билан бирга қадам ташлайди. У завод ва фабрика, цех ва участка, колхоз ва совхоз янгиликларини, ташаббусини, турмушнинг муҳим томонларини ҳозиржавоблик билан қаламга олиб, партиявий сезgirlрик билан тасвирлаб беради. У ҳаётга ёзувчи қалби, санъаткор қалби билан қарайди — ўз асарларини учун қунт билан материаллар йиғади, қаҳрамонлар танлайди.

Адибнинг 40-йиллардаги очеркларидеяқ замонав нафаси уфуриб турарди. Унинг «Ота муҳаббати», «Улғайиш», «Ранс», «Қамолот», «Бир процентнинг қиймати» каби очеркларидея акс эттирилган воқеа ва ҳодисалар, олға сурилган гоёлар фиримизнинг ёркин далилидир. Бу асарларда наҳрамонлар, уларнинг кураши, интилиши, руҳи замонавийликнинг асосий белгилари шартлари сифатида талқин этилади.

Раҳмат Файзий эллигинчи йилларда ҳиконавислиқда фаол қалам тебратиб, бу жанр тараққиётига барнамол ҳисса қўшди. Ёзувчи ҳиконаларидея ҳам давримиз қаҳрамонларининг ёркин сиймосини чизиб берди. Шу билан бирга ҳаётимизда аҳён-аҳёндея учраб турадиган — ҳаётга енгил қаровчи, эскилими сарқитларидан қутулмаган шахслар устидан ачиқ кунди ҳам.


«Гўзал», «Нузатиш», «Қайнона», «Янги йил оқшомида», «Йўлда», «Сувчи», «Едгор» каби ҳикоялар шулар жумласидандир.

Ёзувчининг «Она», «Эл меҳри», «Чаноққа томган қон» сингари ҳикоялари халқлар дўстлиги, интернационализи, ватанпарварлик ва совет гуманизми гоёларини мадҳ этади.

Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» ҳиссаси эллигинчи йиллар адабиётимизда муҳим воқеа бўлди. Совет кишиларининг нечанеча асрлардан буён ўз хазинасини инсондан пинҳон тутиб келайтган Мирзачўлга сув чиқариб, азийи чаноққ ерларга оби-ҳаёт бағишлаш, бепойён саҳрони экинзор, бог-бўстонга айлантириш йўлидаги курашлари ҳиссада ўз ифодасини топди.

Қиссанинг ўзинга хос хусусиятларидан бири шуки, асар қаҳрамонлари замондошларимиз, ёшлардир: асарнинг бош қаҳрамони Муҳиддин ва унинг сафдошлари чўл қийинчиликларидан нўрнмайдиган, дадил қадамли комсомоллардир. Уларнинг образлари ҳаётий, жонли чиққан; ҳар бирининг реал портрети ва характери бор. Муҳиддин вазини, ўйловчи, мулоҳазали, камтар йиғит. Солижон эса ҳазилнаш, меҳнатсевар, гамхўр; Собир — хушчақчақ, санъатга ишқибоз; Ризо — чайир, чаққон, тез ёниб ўзадиган...

Замонамиз қаҳрамонларининг куйчиси Раҳмат Файзий кинодраматургияда ҳам баркамол



қалам тебратиб, «Сен етим эмассан» кино ҳиссаси, «Ер-ёр» кинокомедиялари билан бу жанр тараққиётига сезиларли ҳисса қўшди. Айниқса, ёзувчининг «Сен етим эмассан» кино ҳиссаси дўстлик, ватанпарварлик ва совет гуманизмининг йўловчи етуқ асар сифатида муаллифга натта шуҳрат келтирди.

Севибли ёзувчимиз Раҳмат Файзий элли баҳорини нўрди. Унинг ижоди гуркираб ўсишда. Ёзувчи ажойиб замонамиз, коммунизм қурайтган совет кишиларининг ҳаёти, кураши ҳақида ҳикоя қилувчи янги-янги асарлар устидея хормай-толмай ишламоқда. Адибимиз яқинда халқлар ўртасидея бузилмас дўстлик, одаимийлик, қадр-қиммат ва садоқат ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳазрати инсон» романини ёзиб тугатди.

Камтар ва севибли ёзувчимизга, ижод ўққингиз янада юксалаверсин, деймиз!

Исроил МИРЗАЕВ,

Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини аспиранти.

ЙЎҚОЛГАН ҚИЗ

(«Ҳазрати инсон» романидан)

Маҳкам ака трамвайдан тушиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Хийладан кейин чап томондаги йўлгага ўтди, иморат ёқалаб, Остални орқасидан эргаштириб, деворга суяниб юра бошлади. Сал нарироқ борганида гуж ўтирган тўдадан сочлари тўзгиган аёл зўрга ўрнидан туриб, Маҳкам акани тўхтади. Бармоғидеяги қўйма олтин узукни суғуриб узатди. Маҳкам ака аёлнинг мақсадини тушуниб, узукни қайтарди. Чўнтагини кавлай бошлади.

— Пул керакмас, нон, нон... боламга...— дея қопчиқ устидея чўзилиб ётган боласини кўрсатди аёл.

Маҳкам ака шошиб, белбоғини ечди. Боя чойхонада тушлик қилишгадeя патнисда қолган яримта кулча билан, беш-олти дона туркам, жийдани аёлга тутқазди. Аёл кўзлари ёниб, шартта қўлини узатдию сўзсиз тўхтаб қолди.

— Олинг, айби йўқ, насибаси эган. Аёл яна узугини узатди. Маҳкам ака олди. Шундагина аёл шошиб белбоғни бўшата бошлади. Битта туршакни боласининг оғзига солиб, битта жийдани ўзи оғзига ташлади, миннатдор бўлиб, белбоғни қайтараркан, Маҳкам ака аёлга қўлини узатди, аёл хайрлашмоқчи деб фаҳмлаб қўлини тутган эди. Маҳкам ака узукни бармоғига солиб, панжаларини буқди, қўнмаганига қарамай бирлас

шундай ушлаб турди. Аёлнинг тилига гап келмади, ко-сасига ботган кўзларидан чиққан ёш юзларига юмалади. Маҳкам ака қўли оҳиста қўйиб, жадал юриб кетди.

Вокзал биноси олдида боршишганда бирдан тўполон кўтарилиб қолди. Чувринди қийинган дароз бир одам бошини қорнига эгиб, букчайиб, икки қўлини ҳовучлаб оғзини ёпиб, нон кавшарди, беш-олтига аёл ва чол уни дўпослаб уришарди. Дароз калтакни писанд қилмасди, бошини кўтармай, нон чайнарди, одамлар қўлидагини тортиб олишга уринишарди, эпполмасди, кетма-кет елкасига мушт тушарди. Бирласда нон ҳам тугади, мушт ҳам тўхтади. Етиб келган миллиционер дарозини олиб кетди. Калтакла-ганлар тарқалишди: гўё ҳеч нима бўлмади.

Маҳкам ака вокзалнинг «Эвакопункт» деб ёзилган залига кирди. Бялагига қизил таққан қизга дуч келди. Воқеани тушутириб берганиди, қиз Остапга қаради, умидвор кўзларига тикилиб туриб «Кап-катта бола... етақлаб олманган эмансан-да. Топилади. Хафа бўлма» дея кўнглини кўтарди-да, уларни катта стол ёнига бошлаб борди. Қали дафтарини очиб, варақлай кетди. Хийла варақлади. Маҳкам ака кенг залнинг бир бурчидея ерга жой солиниб, ёнма-ён ётқизиб қўйилган ўн беш чоғлиқ болага тикилганча қолди. Гўдақларнинг ҳаммаси касал ё мадори кетган бўлса керак, биронгаси бошини кўтармасди. Баъзилари ухлаган, баъзилари кўзи очиб, баъзилари чирқираб йиғлар, билегага қизил таққан қизлар болаларни овутуши билан овора эди. Улардан бири аллакимни яниб, жиғибийрон бўларди:

— Уч соат бўлди-я кетганига... келсин, кўрадиганини кўради мендан...

— Рўйхатда бунақа қыз йўқ, амаки,— деди дафтарини ёпиб қиз,— эълонларини бир кўриб чиқмадингизми?

— Қанақа эълон?

— Кўчадаги... Қоронғуда кўзингиз тушмаган. Ҳозир Маъсуда, бери кел—У болалар билан овора бўлган қизлардан бирини чақирди, қиз келиб, Маҳкам акага салом берди.— фонарин олда, мана бу амакимга эълонларни кўрсатгин, Қоронғуда қийнабди юрмасинлар.

— Анувларни...

— Ҳазим қараб тураман.

Маъсуда Маҳкам ака билан Остапқа бошлаб, ташқарига чиқди. Бинонинг шундоққина муолишида тўхташди. Деворнинг соғ жойи қолмапти. Ҳамма ерига қоғоз ёпиштириб ташланган. Ҳар хил қалам, сиёҳ билан турли рангдаги қоғоз парчаларига битилган хат, хабар, эълонлар одам бўйи етадиган жойгача елимлаб ёпиштирилган, миҳ билан қоқилган, тугмача миҳ билан қадалган. Маъсуда кўл фонарини ёқиб, хатларни бир чекадан ичида ўқий бошлаган эди. Маҳкам ака қизикчи сўради:

— Қизим, нималар ёзилган буларда?

— Ҳамма нарс ёзилган: мана бунисида.— Маъсуда шарафдорлик кепак қозони ёритиб ўқиди: «Кюля! Ҳар яшанба кечқурун соат олтида шу ерда кутаман. Онанг Мария». Мана бунисида,— деди Маъсуда ҳисоб дафтар вагарини ёритиб.— «Қизим Оксана. Бувинг билан заводнинг ётоқхонасига жойлашганимиз. Уша ўзимизнинг завод. Адресини эвакуациондан сўрасанг, айтиб беришадди. Евдокия Горбатенко». «Ўғлимни қидираман,— деб ёзилганди газетанинг четидан йиртиб олинган узун қоғозга,— олти ёшда, сочлари жингалак, бурнининг чап ёнида холи бор. Кўрган-билганлар хабар қилса икки дунё нуутмасдим. Фурсатини аямай машаққат чеккан кишига олдиндан миннатдорчилигини билдираман. Елизавета Саникайте. Адресим: Гайрат маҳалла, уй № 134». «Тамарочка, мен олтинчи залнинг эшиги ёнидаман. Онанг Валентина»,— деб ёзилганди китоб вагарининг оқ жойига.

— Ҳаммаси шунақа хатлар,— деди Маъсуда,— қани юрингларчи.

Улар йўлга ёқалаб ўсан дарахтлар тагига боришди. Йўғон бир дарахтдаги қоғозлар ичида картонга ёзилган хатни ўқиди Маъсуда: «Қизим, Тошкентда бўлсанг, ҳар куни кечқурун сакизада мана шу йўлгага, дарахтлар ёнига кел. Шу ерда кутаман. Марина».

Маъсуда хатни ўқиб бўлиши билан беш-олти қадам нарироқдан бир аёл кишининг «ха» деган овози эшитилди ва кўз очиб-юмгунча аёл шу ерда пайдо бўлди. «Мен бўламан Марина. Мен бўламан!» дея қичқириб Маъсудага, кейин Маҳкам акага ёпишди.

— Биламан хола, сизни биламан,— деди уни юпатиб Маъсуда.

— Биласан-а, қизим ҳозир келади, биласан-а...— аёл жим бўлиб йўлқанинг четига бориб ўтирди.

Маъсуда Маҳкам акага кампирнинг дардини гапириб берди.

— Савдой бўлиб қолган. Ҳар кеч соат саккизда шу ерга келади, ўтириб-ўтириб кетади. Баъзида эвакуационга киради. Шу ерга келмадим деб сўрайди. Алдаб, кўнглини кўтариб чиқариб юборамиз... Бўйи етган қиз экан. Партизанлар билан бирга бўлган экан. Фашистлар қўлга тушириб, онасининг кўзи олдида отиб ташлашган...

— Э, воҳ!... Э шўрлик, э, бечора!..

— Ҳандан буён мана шунақа савдой бўлиб қолган. Шу ерга келиб овуниб кетади. Келини бор, фабрикада ишлайди. Ўзлари вокзалнинг орқасида туришадди. Кўпича келини келиб, алдаб олиб кетади.

— Даҳшат, қизим, даҳшат бу. Кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган ишлар бўлаёттибди...

Улар гап билан бўлиб, эвакуационт биноси олдида бориб қолишганини ҳам пайқашмади. Маъсуда нима дейишини билмай турарди.

— Майли, қизим, барака топинг, шунча овора бўлдингиз. Ноумид шайтон. Яна қидириб кўрамай-да.— Маҳкам ака Остапнинг қўлидан ушлаб бораркан:— қидирамиз, топамиз, ўғлим,— деди.

Улар трамвайга чиқишди. Очиқ дераза ёнига ўтирган Остап шаҳар оқшомини томоша қилиб борарди. Чарчаб ҳориган Маҳкам ака ўз ўйи билан банд. «Одамнинг кўнглини олиш қанчалик оғир, машаққат-а. Ҳали бу-ку, одам ушоғи. Шунингки кўнглини олиш шунчалик қийнаёттибди. Қанчадан-қанча одамларни овора қилдим, ўзим куни бўйи сарсонман, тавба. Одам зоти дунёга келар экану бора-бора ҳар бирининг ўзи бир дунё бўлиб қолар экан-да... Мана шу ушоқ ҳам бир дунё. Уйдагилари-чи?— ўзинча кулиб қўйди,— анави сепкил ҳам бир дунё-да. Ҳалитдан гаш кўрадиган ҳунар чиқараёттибди-я. Тавба. Абрам-чи? Бола бечора. Нариги дунёдан қайтиб келганга ўхшайди. «Ўлманг, сираям ўлманг» эмиш. Пучқувойчи? Ўзи оламнинг нима эканлигини билмасаям, ўзинча бир олам... Сарсанбой-чи? Ҳа, боласи тушмагудей, довдир, илло эси кириб қолган. Иштониники ечишга уялдим, эси кириб қолгани шу... Ҳар бирининг қош-қовоғига қараш керак. Қараш инсон боласига ҳам қарз, ҳам фарз. Шуларни билмасмикин ўша Гитлер аблаҳ. Ахир, уям одам боласи-ку, уям мана шунақа ушоқдан ўсиб катта бўлган-ку! Тавба қилдим, ҳайвон табиатроқ, одам сиёғидан маҳрум

бўлган маҳлўқми деб қўйдим. Бўлгандаям йирткичага ўхшайди. Ўзи-ўзику, яна урулганга ёмон... Хай, қўйнинг кўз ёши бўрини кўр қилади дейишадди-ку. Узоққа бормас-е...»

Ойнадан электр чироқлари хира ёритиб турган кўчани томоша қилиб бораётган Остап йўлдака бир аёл етаклаб кетаётган қизчани кўриб қолди. Укасига ўхшатиб, дик этиб ўрнидан туриб кетди:

— Леся, ана Лесяни кўрдим,— деди ҳовлиқиб.

Маҳкам ака деразадан кўчага бир қараб олди-да, ҳеч кимни кўролмади, вагон ҳайдовчи ёнига борди.

— Барака топкур, тўхтатинг,— деди айланиб.

— Мумкинмас,— деди ҳайдовчи бепарво.

— Мана бу боланинг укасини қидириб юривдик. Кўриб қолдик. Тўхтага қолинг.

Ҳайдовчи бир Маҳкам акага, бир Остапга қараб олди-да, вагонни тўхтатди. Бола сакраб ерга тушди. Йўлгага ўтиб, югуриб кетди. Кетидан Маҳкам ака чопди. Анча ергача Остапнинг нетидадан ҳаллослаб бордида, чарчади, овози борича «Леся» лаб бақириб бораётган Остапни тўхтатди.

— Бас, ўғлим,— деди нафаси оғзига тикилиб,— кўзингга ўша бўлиб кўрингандир.

— Йўқ, Ҳазим. Леся.

— Қаёққа юриб кетаётган?

— Шу ёққа. Сиз шу ерда туратуриинг. Мен нарироққа-ча бориб кўрай.

— Майли, бор-чи.

— Ле-е-е-е!!!

Остапнинг овози кимсасиз кўчада узоқларга эшитилиб, акс-садо берарди. У ўртаси гулзор сердароҳт хиёбонгача чопиб борди. Хиёбон бири-бирини кесиб ўтган иккинчи кўча ўртасида бўлгандан қаёққа боришини билмай тўхтаб қолди. Яна чақирди.

Хиёбоннинг нариги томонида ўрта ёшлардаги аёлнинг қўлидан ушлаб бораётган Леся таққа тўхтаб қолди. Овоз келган томонга қўлоқ солди.

— Остап!— деди анрайиб.

— Нималар дейсан, қизим, юр!

— Шошманг, шошманг... Ана, эшиттизми, Остап,— деди Леся севиниб.

— Ҳеч ким чақиргани йўқ. Сенга шунақа эшитилган-дир, юр, кетдик.

Аёл қизнинг қўлидан ушлаб, икки-уч қадам юрмаган ҳам эдики, бошини ёнига ўтириб, овоз келган томонга қўлоқ



солиб бораётган Леся яна акасининг овозини эшитди.

— Ана!— деди аёлнинг қўлидан чиқиб ва шу заҳотиёқ иккала қўлини карнай қилиб «Остап» дея қичқирди.

Остап унинг овозини эшитди. «Леся»лаб бақирганича хиебон йўлкасидан овоз келган томонга югурди. Маҳкам ака ҳам кетидан чопди. Аёл Лесяни етаклаб, хиебон томон келарди. Улар хиебонга кираверишдаги ҳайкал ёнида учрашди. Леся югурганича келиб, акасининг бўйнига осилиб олди. Остап уни маҳкам қучоқлаганча, қўйиб юбормасди. Икковининг йиғлаётганини ҳам, қулаётганини ҳам англаб бўлмасди. Етиб келган Маҳкам ака, ҳайрон бўлиб қолган аёлга салом берди.

— Шукур, топилди,— деди белбоғини ечиб терларини артаркан.

— Мени ташлаб кетаверасанми, қизим,— деди аёл кўз ёши қилиб.

— Хафа бўлманг.— деди уни юпатиб Маҳкам ака,— яхшиси соғинганингизда бизники бординг. Бола баҳона танишайлик, эгачи-сингил тутининглар...

— Раҳмат, амаки, бораман.

Аёл Лесядан кўзини узолмай, қўлини кўтарганича унга қараб қолди, улар чироқ ёруғидан ўтиб, қоронғулик қўйнига кириб кетишгандагина орқасига қайтди.

Улар алламаҳалда келишди. Эшик табақасининг «ғийқ» этиши Меҳринисани чўчитиб юборди, кўксига бир-икки туфлаб, бўшашиб ўрнидан турди.

— Ойим бўладилар.— деди Остап Лесяга,— салом бер.

— Салом!— деди секин, чўчбгина қизча.

— Ваалайкум салом, қани, қани.— Меҳриниса қулочини ёзиб, чўнкалаган эди, қизча унинг қучоғига отилди,— ширин қиз, шакар қиз экану бу, а, қаёқларда юрувдинг ҳаммани сарсон қилиб.

Аёлларнинг бебаҳо фазилатлари бор-да. Ғазабни қўзғатганида килрик толарининг ҳар бири ханжар бўлишига ҳам, меҳри товланганда эриб кетишига ҳам, ваҳм босиб, нариги дунёга бориб келишига ҳам, шу тонинг

ўзидаёқ айланиб-ўргулишига ҳам сўз йўқ. Меҳриниса ҳам ҳозир ҳамма нарсани унутиб, бағридан чиқиб кетган боласини яна қучоқлагандай, қизчани қўйиб юбормасди. Айвонни бошига кўтараётган болалар тинчиб қолганди. Меҳриниса бағрида болани кўриб, Галя ўқдай отилиб, ялангоёқ ҳовлига тушди, кела-солиб онасини орқасидан қучоқлаб олди.

— Ойи. Ойижон!..

— Мана сенга ўртоқ келди, қизим. Ўйинглар,— деди Меҳриниса болани бағридан қўйиб ва ўзи эри орқасидан айвонга чиқди.

Остап сингилсини Сарсанбойга таништирди.

— Мана, укам Леся,— деди хурсанд бўлиб ва Лесянинг қулোগа шивирлади.— бунинг оти Сарсанбой.

Леся қулиб Сарсанбойга қаради ва катталарга тақдир қилиб, қўлини узатди. Кўришишди. Кейин Абрам, Галялар билан танишди. Остап бир чекада қовоғини солиб турган Витяни кўрсатди.

— Бу Витя бўлади.

Леся унга қулиб, қўлини узатувди, Витя кўришмади, қизнинг олдироғига келиб дўқ қилди:

— Нимага келдинг, энди сен бормининг нонимизга шерик бўлмаган.

Леся қўрқиб акасига ёнишди. Остапнинг жаҳли чиқди.

— Нега уришасан, тегма унга!— деди Витяга ўқрайиб.

— Тагин зўравонлик қилади-я! Нимага келдиларинг? Бор, ўзининг уйинга бор!

— Нима, сан хўжайимман бу уйга?

— Хўжайимман. Бу мани уйим. Биринчи бўлиб келганман бу уйга, билдингми?— деди Витя муштумини Остапнинг бурнига тегизудай тақаб,— укасиймиш...

Меҳриниса чақириб қолмаганида болаларнинг жанжали нима билан тугарди, айтиш қийин. Улар индамай айвонга чиқиб, ётгани уйга кириб кетишди.

Эр-хотин айвонда, овқатлангани ўтиришди.

— Шукур. Бунисиниям тинчтидик...

Охунжон ҲАКИМОВ

ҚОРА ДЕНГИЗ

(«Мавжлар кифтида» туркумидан)

— Қора денгиз?

— Нечун?

Баҳс қизир роса,

Баъзилар исботни қалаб қўйишар...

Ахир, тусинг бўлгач нилий, феруза,

Сени нега Қора денгиз дейишар?

Уммон муаррихи, тутгайсан маъзур,
Бу гал тавсифингдан гумонспрайман.
Қора денгиз эмиш...

Кел, ўзинг гапир,

Денгиз, айт боисин сендан сўрайман!

Бирдан сергак тортид назимда баҳр,
Уйқудан уйғониб, келгандай хушга.
Тулқинлар қирғоққа шовди бесаёр,
Изма-из қўйишиб келди жубушга!

Денгиз чайқалади... Унинг тубидан
Қулоққа келгандай сирли бир ғовур.
Ажабо, бу не ҳол? Жимирлар бадан,
Қўшинларини жангга чорларми довул?

Бу қандай сурондир? Қилич жаранги,
Тўплар гумбурини келар қулоққа?
Бу кимнинг фарёди? Қув ўчиб ранги,
Оналар бўзларми чок этиб ёқа?

Кишан шилдираши, қилич виз-визи
Келгандай бўлар гоҳ денгиз қаъридан.
Нола қилаётган бу кимнинг қизи?
У банди бўлдимиз ажраб ёридан?

Тилга кирган кимдир? Денгизми? Ё раб!

Шовуллаб у бўғиқ хитоб қилади:

— Седзинги, не учун атарлар қора?

Боисин шундан ҳам билсанг бўлади!...

Бино бўлибманки, мавжларим узра
Тинмади жанг-жадал, қиргин ҳарбу зарб.
Тубимда қурбонлар...
Санамоқ бўлса,
Одам заковати ололмас қамраб!

Тубимга ғоввослар тушса, донг қотар,
Минг йилларнинг занги бордир қаъримда:
Остимда саржиндек сочилиб ётар
Жанговар кемалар нимта ва нимта.

Ўқ-ёйдан... То тўпга қадар отишиб
Кимлар сузишмади менда дам-бадам!
Дубулга кийганлар менга ботишди
Ва жига қадалган саллалилар ҳам...

Бирини жангчи бўлса, бири жаҳонгир...
Қурбонлар ичда бари бор эди.
Қулба ё қашида, лексин, бари бир
Онаи зори ё ёри бор эди...

Улар аза очиб, тирнаб юзини,
Қора либос кийиб тутгандир мотам.
Валки, ўшал қора либос тусини
Эслатар менга шу қўйилган от ҳам.

Бугун бошим узра ялт этса яшини,
Ўқнинг изими деб, иззиллайман мен,
Дейман, эгилмасин оналар боши,
Қора либослардан безиллайман мен!

Яна бир қарра боқ:
Нилийман, нилий,
Номинини бошқа қўй, агар адасман.
Негай, қилгуликни ўзлари қилиб,
Яна қора денгиз дея аташсал...

МУЗЕЙ ХОДИМИ БИЛАН СУҲБАТ

Юрагим қинидан чиқай деяпти...
Биродар, бунчалар сўзладинг лоқайд?
Қани суҳанинга қайноқ қалб тафти,
Шаҳидларни шундай таърифларни, айт?

Қўлларингда нақшли ёғоч кўрсаткич,
Измингда ўйнайди сендай хотиржам.
Сўзингда на гурур, на бирор ўқич,
Дейсан: «Жангда ўлган ушбу ўртоқ ҳам...»

Мен бундай изоҳга эмас эдим зор,
Фақат қондага этгум риоил.
Ойна ичигади ашёлар минг бор
Сендан афзал қилиб сўзлар ҳикоя...

Ўқ тешган қозонча, қўидоқсиз милтиқ,
Пошнасиз ейилган дағал кўн этик,
Илма тешик бўлиб кетган алвон туғ
Сўзлар сендан кўра кечмиши тетик.

Ана, ойна ичра бир граната
Диққатини тортар...
турини шамгин.
У ёв хандоғида ёрилмай қолмиш,
Шунданми, чеккичи юзларни шамгин...

Йўқ, лоқайд сўзлама, ёниб сўзла, жўш,
Ҳар дилга шаҳидлар руҳин олиб кир.
Музей ашёсига айланди дегин
Не-не қирчиллама, навқирон умр!

Ғолиб қайтганлар-чи, юришар хушҳол,
Бари кўринишда хуррам, осуда.
Аммо уларни ҳам учратмоқ маҳол
Суронли бу аср ниҳоясида...

Гоҳо йиғилларда қутлаб, бериб сўз,
Барчасини шаънига айтман таҳсин,
Ундайлар дунёдан юмганда ҳам кўз,
То абад уфурса дейман нафаси!

Аслида шундайдир, шундай бўлгуси,
Аммо сен сўзлайсан не учун лоқайд?
Кимки сархуш юрса хидлаб гул исни,
Аччиқ порох дуди борлигин ҳам айт!



Тўпон Ўан Кўпон Ўан Чан

ҚИССА

Кетяпмиз. Козлов ҳам болаларга қанд улаша бошлади. Энди ичимиздан ҳовур чиқа бошлади. Битта гугурт чақилса, лов этиб ёниб кетадигандек қизиб тобига келдик назаримда.

Сержант Шатров ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Гашни келтирадиган: «Взвод, йигил!» деган командаси ҳам эшитилмай қолди. Унга сари яхши юряпмиз. Оёқ ўрганар экан шекилли. Погребиёв орқада қолди. Бир маҳал жадаллаб этиб олди. Машинада ўн тўрт киши келяпти. Одам йиқилмаган икки взвод қолибди. «Хайрият, биз ёмон эмас эканмиз». Погребиёв ўзиям роса тинкамизни қуритарди-да, машгулот ўтказавериб.

Қаршимизда кўприк пайдо бўлди. Кўприкка этиб, ё кўприкдан ўтиб дам олсак керак, деб умид қилдим. Бу галги ўн чақирим мунча қўзилиб кетди... Оёқ борми, йўқми, энди билмай қолдим. Кетяпманми? Кетаётганга ўхшайман. Шинель қириб юборган бўйнимнинг яраси ачишмаяптику. Тўхтасак ачишади. Юрсак ачишмай қолади... Юраётган эканмиз... Белкурак оёғимга тегяпти.

Пешанамдан тинимсиз тер оқиб қўзимга тушади. Шуниси етмай турувди, дейман жаҳлим чиқиб. Йўқ, жаҳл чиқишга ҳам куч йўқ ўзи. Шунчаки айтяпман...

Ие, рота командиримиз мўйловини шопдек қилиб, биз ёққа келяпти. Тинчликми? — Командамни эшит, рота! Кўприкка бомба тушиб вайрон бўлган. Шунга қарамасдан нариги қирғоқни ишғол қилиши-

миз керак. Хужумни учинчи взвод бошлаб беради. Хужумга!

Вой, ўлмаган жонимиз. Бу кўргилик ҳам бормиди! Бут-бутун турган кўприкни портлаган деб ўтирса...

Погребиёв тўппончасини чиқарди.

— Взвод, менинг ортимдан! — деди-ю. Йўлнинг чап ёнига, пастликка отилди. Биз ҳам милтиқни қўлга олдик. Одам ўзини ўлганга солиб дам олиб олса бўладю, энди... деб хаёлимдан ўтказган эдимки, кўприк устидан рота командиримиз:

— У қирғоқдаги душман тор-мор келтирилган,— деб қолди.

Ўлиш мумкин эмас. Бунинг устига этикларни ечиш керак. Бу буйруқ анча иш орттиради. Лекин шуниси ҳам борки, этикна сув кирмаса фойда қиламиз. Ҳозир бир

Боши ўтган сонларда.



миқол оғирлигидаги нарса ҳам пуддай елкамиздан босиб ботқоққа михлаб юбориши ҳеч гап эмас.

Шоп мўйлов капитанимиз шунини ўйлаган бўлса керак.

Лойга тушдик. Тиззадан ботиб, қамиш орасидан йўл очиб, сувга тушдик. Ҳайтовур, ариқ унча чуқур эмас экан. Энг чуқур жойи белдан келди...

Қирғоққа тармашдим. Қани энди оёғимни ботқоқдан тортиб ололсам. Одатда бу томонларда ҳамма дарё қирғоқлари сазё қумлик бўларди. Аксига олиб ботқоқ эканини кўрмайсизми? Ҳаммадан орқада қолиб кетялман. Уринишнинг фойдаси йўқ. Куч соб бўлган: «Ёт» деган команда бўлса-ю, белимдан лойга кириб бўлса ҳам шу ерда ётиб, бир дақиқа ором олсам...

Кўзимни очиб қарасам, тепамда Погребнёв турибди. Қўлини чўзяпти. Тортиб олди шекилли. Урнимдан турдим. Ё турғизиб қўйдими?

Шу дамда: «Душман пулемёти тилга кирди, ёт!» командаси янгради. «Худога шукур» дедим. Ичимда айтдимми, ўнгимдами, билмайман. Ёнимда ётган Погребнёв:

— Офарин, ташаккур, Иноятов! Азамат экансан! — деб турибди.

Овқат аравамиз етиб келиб, овқат улашаётганда:

— Иноятовга икки норма берилсин, — деб қолди лейтенантимиз.

— Йўқ, ташаккур. Ўртоқ лейтенант, ўз нормамни ҳам Назаренкога ҳада қилмоқчиман, — дедим.

Ҳамма жилмайди. Бошқа вақт бўлганда ҳақолаб юборишардию, ҳозир кулгани ҳам мадор йўқ эди. Қаранг, кулгани ҳам мадор керак экан... Бўлмаса кулги унча куч талаб этмайди-я!

Назаренко ҳам кашасини емади. Биринчи марта бўлса керак, сув бўйига чўнқайиб, оқизиб юборди. Балиқларга тортиқ қилди-я, азамат!

Товоғимни ювиш баҳонасида сурилиб ёнига бордим.

— Кашани емадингми? — дедим.

— Емадим.

— Оббо сан-ей, ташлаб юбордингми? Балиқлар ҳақиқатга дуо қилсин дебсанда, — дедим сувда ёйилиб кетаётган кашага қарар эканман.

— Қаёқда, товоқда қолса юк бўлади, ҳали бу ёқда ўн чақирими бор, — деди Назаренко соддалик билан.

— Оббо, бу ёғини ҳам ўйлаб қўйдим дегин?

— Бўлмасам-чи?!

Биз у билан ҳазиллашмиз. Ўша менинг гимнастёркамни кийиб бутун қисимимиз олдида ўзини ганигганидан буён иноқлашиб кетганмиз. Ҳеч хафа бўлмайди. Мен уни кўпинча аскияга олиб қоламан. Жавоб қайтармайди, овқатга тузуғу, гапга нўноқ. Эшитиб ўтириб-ўтириб тоқати тоқ бўлади-да:

— Сенларга тенг келиб бўлармиди? — деб жуфтани уриб қолади.

...Қайтишда машинада келдик. Бирпасда етдик-қўйдик қисимимизга. Икки соатлик танаффус берилди. Кимлар ювинди, кимлар дам олгани ётди. Мен ўтирган жойимдан қимир этмадим. Оёғимни йиғиб ололмас эдим. Дўмбира бўлиб шишиб кетган эди.

Яна сафга тизилди. Шуниси лекин ортиқча бўлди...

Бизнинг вазод биринчиликни олди. Ҳаммамизга ташаккур эълон қилинди.

Шу похотдан кейин дилим анча ёришиб кетди. Йўқ, ташаккур учун эмас, ўз кучим ва иродамга ишонгандек бўлдим.

Ўткир укамга шундай деб хат ёздим: «Чиниқяпмиз, йўл юришни ўрганяпмиз. Ҳарбий хизматда зеркинига вақт йўқ. Қулларим ўтганини сезмай қоляпман».

Орадан бир ойдан кўп вақт ўтиб кетди. Яна дам олиш кўни Козлов ёнимга келиб:

— Эшиқда сени бир жонон чақиряпти, — деди.

— Қанақа жонон? — дедим ажабланиб.

— Уни сен биласан, мен қаёқдан билай? — деди Козлов ўзига ярашадиган шўхлиги билан кўзини ўйнатиб, елкасини қисиб.

Эшиқка югурдим... Катя экан...

— Бизни унутиб юбординг-ку, дўстлик ҳам шунча бўладими?

— Хизматдаман-да! — дедим ўзимни ноқулай сезиб.

— Сендан бошқалар хизматда эмасми? — эътироз қилди Катя.

— Валя ҳар кўни уйдан чиқиб кетади-ку.

— Погребнёв офицер. Унинг бўш вақти кўпроқ.

— Юр, Погребнёвнинг ёнига, — деди ёш боладек қўлларимдан тортиб.

— Йўқ, йўқ, яхшиси Шатровдан сўраб қўя қолай, — дедим ўзимни четга олиб.

— Ўзинг биласан, — деди Катя нохушлик билан.

Шатровни топиш мақол бўлди. Тикан сым ортида уч-тўрт сержант бир бўлиб папирос сўриб, гап сотишиб ўтиришган экан. «Энди нима қилдим» деб турсам, ўзи имлаб қолди:

— Сени Погребнёв чорлаб кетди, дарров уйга бор, — деди.

Эшиқка югурдим. Катяни бирга олиб кетдим. Яқинлашганимизда пластинка овози келди.

Руслар жудаям яхши кўради-да. Қўшиқ айтмайдигани топилмаса керак. Овозим бор-йўқ деб ўтирмайди. Йиманиш, тортиш деган гап ҳам йўқ қўшиқ бошлаганда.

Тақиллатдик... Кирдик...

— Овқатга қалайсан? — деб сўради Погребнёв саломлашиб ўрнига.

— Қорин тўқ, — дедим, — Катя ўзи учун ўзи айтсин!

— Катя ўз насибасини олган, — деди лейтенант, — бўлмаса танца қил. Қизлар зерикапти.

«Демак Катя ҳам шу ерда бўлган эканда».

— Буйруқми буй?

— Менинг уйимда буйруқ бўлмайди. Буйруқ сенинг истиқомат қиладиган ерингда. Ундан сўнг бу хилдаги буйруқни жон деб бажарарсан.

— Йўқ, унчалик эмас... Ўртоқ лейтенант, менга Катяни топширсангиз. Ваъдаси бор эди.

— Гапи бўлса, шу ерда ҳам айтса бўлаверади.

— Йўқ, кечиктирилмайдиган ваъда!

— О, ундоқ дегин. Валя, бу гапга қандай қарайсан?

Погребнёв Валяга тикилиб кулиб турарди. Валя:

— Анчадан бери учрашганлари йўқ, гапи бордир. Жавоб беринг, — деди менга маъноли жилмайиб.

— Фақат икки соатга ижозат. Кеч қол-

санг — арест, — деди огоҳлантириб Погребнёв.

— Сизнинг даврингизда бир гауптвахтани ҳам кўрас қўрибмиз-да, — дедим лейтенантга тегишиб.

— Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлиб кетяпти. Армияга келганда мушук боласидек бўйинни қисиб турарди, — деди Погребнёв Валяга юзланиб.

— Ўзингиз гуноҳкорсиз. Ким айтди шунчалик чиниқтирсин деб, — дедим бўш келмай.

— Хўп, бўлмаса, боринглар. Ади-бади айтишман, деб битта жонон пластинкани буздик чоғи, — деди-да, радиола томон югурди у.

Чиқиб кетдик...

Катя:

— Бир туп қайингами?

— Худди шундай.

— Бу ердан тўрт километрча бор.

— Юз бўлмайдимиз менга десал!

Ёним-ён қум кечиб тез-тез юра бошладик.

Узоқдан тепалик кўринди. Оппоқ, Худди пахта хирмонига ўхшайди. Юрагим орязиқиб кетди.

— Ҳов авани нима?

— Уми? Товуқ фермамиз! — деди жилмайганча Катя.

Бир-биримизга қараб тўйиб жилмайишдик.

Ўрмон ичидан ўтиб, кенг майдонга чиққаннимизда, ўртада танҳо оқ қайин елда тебраниб турарди. Елғиз эди бечора.

Қошига бордик. Остида оддийгина бир қабр, қабр устида оддийгина тош. Устида: «Жанчи Шурипка Николо-мальцево қишлоғи аҳолисидан. Надежда Архиповна Мальцева» деган ёзув бор эди. Бошимдан телпагимни олганча хомуш туриб қолган эканман.

— Энди таърифини айтиб беришим мумкин, — деди Катя сукутни бузиб.

— Шошма, Катя. Ўзимга келиб олай!

Негадир ҳозир бир дам жим тургим келар эди...

Ҳаяжоним ортар эди. Бу ерларда фашист ўқидан ўлганлар кўп бўлгандиру, аммо улардан шу қабр ва унинг устидаги бир туп оқ қайин қолган. Мўъжиза! Табиатнинг ишларига ҳайрон қолмай иложинг йўқ. Яна оқ қайин шохлаб ўсганини қаранг. Қабр устини шундоқ ўраб ётибди. Қишда ёмғир ювиб кетишидан, ёзда офтоб иссиғидан солдат оромини сақлашни ўз зиммасига олгандек.

Оқ қайин ёнида бир оз турдик-да, кейин хайрлашиб, аста кета бошладик.

— Катя, қишлоқда бу қабр тарихини биладиган одам борми?

— Билмайдиган одам борми деб сўрасанг, тўғри бўларди.

— Наҳотки, билмайдигани бўлмаса?

— Бор.

— Ким у?

— Сен!

— Ҳазилни қўй, Катя!

— Рости шу. Бошқа ҳамма биледи.

— Ҳатто сен ҳамми? Ахир сен у вақтда қизалоқ бўлсанг керак.

— Қизалоқ бўлсам ҳам биламан, — деди у хафа бўлиб. — Бу оқ қайинни менинг онам ўтказган!

— Қандай қилиб? — деб сўрадим Катяни йўлдан тўхташиб.



— Ахир гапиришга гал бер, ҳаммасини билиб оласан? — қолларини чимирди у сабрсизлигимдан хуноб бўлиб.

Кувониб кетдим. Ҳамма гап Катянинг ўзида экан. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деб шунга айтишса керак-да. Нега шунча маҳалдан бери ёрилмайди?..

— Катя, гапир, қулоғим сенда.

— Бу «Шурик» деган ном унинг лақаби экан. Ўзининг отига ойимнинг тиллари келишмабди. Ҳа, айтгандай, ойиси билан мақтанаш учун гапиряпти деб кўнглинга келмасин. Сўраганинг учун гапиряпман, — деди Катя қиё боқиб менга.

— Гапира қол, Катя!

— Хўп, хўп У ўзбек экан.

— А, ростданми?

— Ёлғони йўқ. Балки танирсан ҳам. Уйимизда сурати бор. Орқасига ёзиб, кимгадир жўнатмоқчи экан шекилли. Улгурмаганга ўхшайди. Ҳозир ўқиб кўрасан. Онам адресини сўрашга улгурмабдилар ўшанда...

— Демак ойинг кўрганда тирик эканми у?

— Тирик бўлган. Ойим уйимизда икки ҳафтача боққан экан. Жон бераётганда, ойимдан юртига хабар қилмаслигини сўрабди. «Ойимнинг ёлғиз ўғлиман. Куйиб, ўлиб қолади. Яхшиси номинишонсиз кетсам, кутиб яшайди» дебди.

— Азамат экан-ку, — дедим у солдатга ҳавасим келиб.

— Ўзи ҳам гавдали киши бўлганга ўхшайди. Расмидан шунча кўринади, — деди гапимни қувватлаб Катя.

— Урушдан кейин ўлибдими? — сўрадим Катядан.

— Жангдан кейин демоқчисан-да? — деди гапимни тузатиб у.

— Ҳа, ҳа — дедим.

— Жангдан кейин ўлибди... Шу қаёр ўрнида қишлоқнинг қадимдан қолган шамол тегирмони бўлган. Пайқадингми, тўрт томони очиқ. Ўзи дўнгликда, қишлоқда энг баланд ер шу.

— Ҳа, — дедим.

Қулоғим ҳикоя давомиди эди.

— Уч разведкачи шу шамол тегирмонга жойлашиб олиб, фашистни кузатишга берибди. Телефон билан ўзлариникига маълум қилиб, душман тўплари, дзотлари турган ерларни кўрсатиб беришаверибди. Ҳозир сизларнинг қисмингиз турган ерда душмanning танк бригадаси яширинган экан. Унга бизникилар тўпдан ўқ ёғдира беришибди. Душман шу шамол тегирмондан шубҳа қилиб қолибди. Улар ҳам анойи эмас. Тўпдан ўқ отиб, шамол тегирмонни ер билан қорштириб ташлашибди. Ўша кеча қаттиқ жанг бўлиб, бизникилар Волга дарёси соҳилларидан нариги ёққа, Калинин шаҳрига ёриб ўтиб кетишибди.

Тегирмонда урушдан аввал менинг дадам ишларди. Ойим тегирмоннинг пасти-баландини билардилар. Бирор бутун нарсаси қолган бўлса эримдан хотира бўлади деб борибдилар.

— Отанг ўлганми? — деб сўрадим ҳаҷжонимни яширолмай Катядан.

— Немислар коммунист деб отиб ташлашган.

— Нега чекинмаган эди?

— Икки оёғи йўқ эди. Фин урушидан инвалид бўлиб келганди. «Мен яримта одам бўлсам, менга тегишмас» деб ўйла-

ган экан. Сўроқ қилишайтганда оиласини айтмабди. Бўлмаса бизнинг ҳам теримизни шиллашар экан.

— Жуда қийин бўлган экан!

— Ёлғиз бизга эмас, ҳаммага қийин бўлган.

— Рост, ҳаммага. Гапир давомини, Катя?

— Борсалар, кимдир тутаб ётган ёғочлар остида инграб ётганмиш. Фашист деб аввалига қочибдилар. Кейин ўйлаб, қайтиб борсалар, ўзимизники экан. Кўтарганча олиб келибдилар. Юзлари, кўнраклари куйиб кетган... алаҳсираб аллақайси тилда гудурлаб чиқар экан. Ярасига қатиқ чап-лабдилар. У тўртинчи кунни кўзини очибди, гапирибди. Этигини сўрабди. Ҳужжатларини сўрабди. Гимнастёркалари ёниб кетган, ёлғиз этиги қолган экан. Этиги ҳам куйиб кетибди. Ойим дадамнинг этигини ертўладан олиб чиқиб берибдилар. «Йўқ», деб бошини сарак-сарак қилибди у. Этик ичда онасига ёзган хати ва унинг орасида расми бор экан.

— Юборинг, — дебдию, яна ҳушидан кетибди.

Яқин ўртада доктор йўқ, атрофда жанг боряпти. Ўзлари билганча қарайверибдилар. Куйгани етмагандай ўқ ҳам теккан экан. Қон туфлайверибди. Ўн кун ичида ўрнида ўтирадиган бўлибди. Яна ойимни чақириб:

— Хатни юборманг! Унда «ўлимга кетяпман. Зарур тошпириқ олдим. Шу гал ҳам омон қолсам, кейин ўлмайман», деб ёзган эдим. Мана ўлмай қолдим. Ўзим бошқа хат ёзиб бераман, дебди.

Ойим ҳам севинибди. Аммо эрталабга етмабди...

Катя йиғлаб юборди. Менинг ҳам ўпкам тўлиб келди. То уларнинг уин оstonасига етгунча чурқ этмадик. Эшикдан кираверишда:

— Ойимдан гап сўрама бу ҳақда, йиғлайди. Жони ачийди. «Матонатига қойилман. Иродасига қойилман. Жасоратига қойилман» — деб йиғлайди ҳар гал. Ҳамма ёғи куйиб, илвиллаб яра бўлиб ётган эмишу:

«Верлингача етиб боролмайдиганга ўхшайман-да. Битталаб «битте-битте»¹ деб туриб битдек эзиб ўлдирардим фашистни» дермиш.

— «Ўлдириш қочмайди. Эрта-индин госпиталга олиб борамиз, аввал даволанишинг керак» — дебдилар ойим.

«Ўтиб кетади. Бола бўлиб докторни билган эмасман», дермиш.

Хонага кирдик. Кўримсизгина, мурғаккина хотин экан Катянинг онаси. Танишдик. Катя айтганми ё Тошкентданман деганимгами, иш кутинини очиб ўша хатни олиб берди. Сарғайиб кетган, қатида расми. Сафсар қаламда ёзилган. Олдим у қўлим ҳам, юрагим ҳам бирдек титрай бошлади...

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз? Тасодиф дейишади. Шу тасодифнинг ҳам ўз қонуналари борми дейман-да... Ўша Шукур акам... экан шу. Ўлган экан... У ёқда Зебо бувим бўлса эшикни қишин-ёзин қуфламай, кўзларини тўрт қилиб йўлга термилиб ўтирибдилар. Оҳ, машъум уруш! Шунчалик қотил бўласанми?

¹ Немисча «битте» — марҳамат деган сўз.

Онанинг қандай гуноҳлари борки, унинг кўз қорачиғини бағридан ситиб олиб қаро тупроққа қорасан! Оналар тирикликда ҳам, ўлганларида ҳам фақат пок бўладилар-ку! Табиат уларга бунча бағри тош, бешафқат бўлмас!

Юрагим тарс ёрилай деди. Уйнинг деворлари тўрт томондан сиқиб келаётгандай. Шундоқ кенг дунё ҳам тор қафас эди ҳозир кўзимга. Йўқ, йўқ, у қариндошим бўлгани учунгина эмас, онасининг ёлғиз бўлгани учун. Она ўлганда қабрига бир кетмон тупроқ ташлагувчиси шу бўлгани учун эзилиб кетдим. Тепамизда қотиб турган Катянинг онасидан узр сўраб, чиқиб кетдик.

Анча жойга етиб келган эканмиз, орқадан Катянинг онаси ҳаллослаб етиб келди.

— Мана хати билан расми, олиб кетинг, мабодо онасини таниб қоларсиз!

— Онажон, бу йигитнинг ойисини билман. Лекин олиб кетмайман. Ойиси шунча йилдан бери кутади уни. Худди шундай кутаверсин. Бир инсоннинг дилини вайрон этишни истамайман. Сиз чеккан гам ҳам етарли!

Катянинг ойиси менга нитилди. Мени бағрига босиб-босиб қучоқлади. Йилгаганча уйи томонга чопиб кетди.

Эртасига уйга хат ёздим:

«Ойижон, акажон, укаларим!

Соғ-саломатман... Шукур акамни қидир-япман. Ҳамма мазорларни айланиб чиқдим. Тополмадим. Демак, уларни мазордан қидиришим нотўғри. Чунки мазорда фақат ўлганлар истиқомат қилишади. Шукур акам эса бу ерлардан жанг қилиб ўтиб кетган, холос...

Ойижон! Мен дилингни пайҳон этмайман. Ҳеч қачон ўймайман. Ўлмаслик учун эса чиниқяпман. Душман мени отиб ўлдиролмасин деб отишни ўрганяпман. Сизнинг қучоғингизга етиб олиш учун эса йўл юриб чиниқяпман.

Сизларни кўчиб, ўглинғиз Феруз».

Бу хатнинг жумлалари остидан муштипар онам нималарни уқиб олди экан, билмайман. Лекин кўзларига ёш олиб ўқиганига, қайта-қайта ўқиганига ишончим комил.

Эртасига рота манёврага жўнайдиган бўлиб қолди. Погребнёв айтган экан шекилли, Катя хайрлашгани келибди:

— Феруз, мазордан, ўша танҳо оқ қайин остидаги солдатни қидираётгандинг? — деб сўраб қолди у кўришар экан.

— Ҳа, унинг охириги хати шу ердан борган экан.

— У қариндошингми?

— Қариндошим. Тоғамнинг ўғли!

— Сен танирмидинг? Кичкина эмасмидинг?

— Танир эдим. Уруш бошланганда мен етти ёшда эдим. Шу акам бир кунни кечаси «амма» деб кириб келдилар бизникига. Елкаларида милтиқ, Ойим «кир, ўтир чой қўяман» дедилар.

Йўқ, вақти зиқ экан. Ҳеч эсимдан чиқмайди, дастурхонга икки буханка нон, иккита консервани юмалатиб юборди-да: «Амма, эрта-индин мен ҳам жангга кетялман. Хайрлашгани кирдим». — деди. Ойим қучоқладилар, ўпдилар. «Ой бориб, омон кел, кўзимиз йўлингга бўлади» дедилар йини аралаш акамга. Жуда полвон йигит эди. Ойим бўйига зўрга осилиб хайрлашган эдилар, номи Шукур эди.

Катя анча вақтгача ер чизиб туриб қолди. Кейин «Ойим суратни бошқа суратларга қўшиб қўйдилар. Олиб кетсанг онамга жабр бўларди. Чунки у сурат юракларининг парчаси...» — деди-да, кўзларимга ўйан боқиб, яна давом этди:

— Суратни олмай тўғри қилибсан. Унинг онаси эмас, сенинг онангни ҳам дили вайрон бўларкан, — деди.

Мен жавоб бермадим. У ёқда машина тириллаб қолди. Ҳамма болалар чиқиб жойлашиб олган эди.

— Агар мендан ўтган бўлса — кечир, Феруз! — деди пичирлаб Катя. Хайрлашдик.

Машина юриб кетди. Катя ортимдан қўл силкиб қолди. Анча вақтгача унинг жилмайиб, қўл силкитиб қолиши кўз ўнгимдан кетмади.

«Сосновка» деган қишлоқда ниҳоят орти хонадон яшар экан. Уларга разъезд яқинидаги жойга уйлар қуриб бериб кўчирдик.

«Сосновка»нинг атрофидаги колхоз ерларини ҳам мудофаа министрлиги пишиб ётган тарвуз-қовуни билан сотиб олди. Йўллар қурдик, майдонлар очдик. Ҳар ер-ҳар ерга машиналар қўйилди. Траншея, окоп-лар, блиндажлар қурилди. Роса икки ой ҳозирлик кўрдик.

Мен Погребнёв билан «жанг майдони»да айтишиб қолдим. Қаранг, у мени санчагга юбориб, манёврдан қолдирмоқчи экан. «Сенга оғир бўлади, нозикроқсан», дейди у. Мен кўнмадим.

— Уруш бўлганда ҳам жанжал қилиб жўнармидинг? — деди.

— Сиз-чи? — дедим қарши савол ташлаб.

— Жўнардим. Менинг йўлим бошқа. Мен доимий ҳарбий хизматдаман.

— Урушда яроқли эркак борки, ҳаммаси ҳарбий хизматда бўлади, — дедим.

— Гапинг тўғри, мен сени айдим, билдингми, — деди менга гуноҳкордек боқиб.

— Нега аяйсиз, бирор марта юзингизни ерга қаратдингми? — дедим жаҳлимни босишга ҳаракат қилиб.

— Йўқ. Уша походада олиб чиққанымдан ўзим пушаймон бўлдим. Узилиб қолишинг мумкин эди.

— Бошқалар-чи? — дедим эътироз қилиб унга.

— Ўзинг учун гапир, сен солдатсан!

— Солдат бўлсам, ҳамма солдатлар қатори кўринг, — дедим қатъий қилиб.

— Хўп бўлади!

«Хўп» деб қутулмаса ҳам қўймасдим. Козлов одатдагидек аския бошлади:

— Ким худонинг олдида гуноҳкор бўлса бугун кунни битди. Унинг касрига биз ҳам қолиб кетмасак эди ишқилиб.

Ҳамма унга қаради. Мен ҳам «шу вақт аскиянинг маврутими?» деб тикилиб қўйдим. Ҳеч ким кулмади. Козловнинг ўзи аския қилиб ўзи ташвишга тушиб қолди.

Эшикка чиқиш мумкин эмас, далада думалаб ётган тарвуз қовунлардан ертўлага ташиб олганмиз. Кун иссиқ. Дам ўтмай чанқайсан. Еганимиз тарвуз.

— Эшит, санитар бригадалар, ўз чегарангиз тозалашга кириш!

Тайёрланишга команда бердим. Ҳатто шўх йигит Козлов ҳам ўлим қўлидан зўрга қутулиб қолган одамдек анқайиб турарди.

Кўёш чарақлаб ётган куппа-қундузи, соат ўн иккилар эди. Ертўламизга соя тушди. Чак-чак этиб ёмғир қўйиб юборди.

— Жўйингиздан қимирламаг, — деб биринчи бўлиб ташқарига ўзим чиқдим.

— Чиқинглар! — қичқирдим.

Атрофни тозалаб бўлдик. Унчага терга гарқ бўлдик. Плашларимизнинг рангини таниб бўлмади. Ёмғир ўзи билан кўтарилган чангни қайтариб олиб тушиб, плашларимизга ёпиштираверибди.

Бир маҳал узоқдан «ЗИМ»лар колоннаси кўринди. Бу вақтда чанглор ортида симрайиб зўрга кўринаётган қуёш яна нур сочмоқда эди.

— Хайрият! — дедим. Жуда ёлғиз эмас эканмиз.

Биринчи келган машинага югуриб бориб честь бердим. Йўл кўрсатдим.

Козлов келиб елкамга қолди. Бизни машинага чиқаришди. Аллаҳаерга бориб душга тушдик. Бошқа кийим-кечак кийиб, бошқа томондан чиқиб келаётсак, Погребнёв илжайганча биз томон келяпти.

— Раҳмат, сизларга. Ишончини оқладинглар!

Кўзим яшнаб атрофга қарадим. Ҳамма ёқ ям-яшил, ер ҳам, қайинлар ҳам, арчалар ҳам яшнаб ётибди. Қўйингки, бутун олам яшнапти. Бутун олам одамлар қўлида яшнапти!

Боягина бўлиб ўтган портлаш тушда босинқирашдек аумда хаёлдан йўқолди... Шундан кейин бизни қисмларга бўлиб юборишди. Мен Едрова деган қишлоққа, шоферлар ротасига тушиб қолдим. Темир-бетон машина йўлини тугаллашда қатнашдим.



Катяга хат ёздим. Ойисидан икки оғиз жавоб келди: «Ўзингизни тугатди. Ленинградга ўқишга кетди», деб. Эҳтимол муфассалроқ ёзган бўларди. Мен хатда ўзимни танитмаган эдим.

Хизматимнинг учинчи йили охирлаб қолган эди. Қунлар шундай судралардики, асти қўяверасиз, айниқса охириги йил жуда имиллаб ўтар экан... уйга хат ёздим: тез кунда юз кўришамиз, деб...

(Тамом).



П. БЕНЬКОВ. ДУГОНАЛАР.



СУВ КЕЛДИ—СУВДАЙ СУЛУВ САОДАТ КЕЛДИ

Заршунос халқимиз сув ҳақида ажойиб ҳинматлар, қўшиқлар тўнган. Шоир «Кўза синдирган азиу сув келтирган хорми» деб нола чекса, деҳқон «Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим, болам» дея фарёд қилди.


Бугун ҳаёт тамом ўзгача. Бўстон Ватани, шодон халқи учун сув келтирилганлар бугун энг бахтиёр, энг ардоқли иншилардир. Уларнинг олтин қўллари туфайли боглар нўнармоқда, турфа ча-

манзорлар буй таратмоқда, эл-юрт дастурхони ширин-шарбатга тўлмоқда.

Бу В. И. Ленин Туркистонда суғориш тармоқлари барпо қилиш ҳақидаги Декретга имзо чеккан ўша муборак кундан бошланган.

Сиз ушбу суратларда ўзбек халқи 45 кунда қуриб битказган Катта Фарғона канали манзараларини кўриб турибсиз.

Г. ГРАФКИН фотолари.





ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЛАРДА

Марналар мамлакатимиздаги маданий-маиший турмуши мизнинг ҳамма соҳаларида бўлаётган тезкор юнналишлар ҳақида ҳикоя қилади. Совет даврида чиқарилган минглаб марналар йиллар мазмунини ўзида ифодалайди. Бу жиҳатдан марналарни кичик қомус, деб атаса бўлади.

Республикаимизда даставвал чиқарилган марна 1927 йилга тўғри келади. Бу — халқлар дўстлиги мавзусида бўлиб, СССР байроғи остида рус, украин, ўзбек, белорус, грузин ва ёқут

халқ вакиллари тасвирланган. 1933 йилларда ҳам Ўзбекистонга аталган рангли марналар пайдо бўлди. Улардан биринчи транторни бошқарётган ўзбек йигити, унинг ортида эшак қўшилган аравада оппоқ соқолли чол турарди. Умумий манзарада эса завод ва фабрикаларнинг кўриниши ифодаланган. Сўнгги йилларда Алишер Навоий, Ҳамза, Анвал Икромов, Йўлдош Охунбобоев хотирасига бағишланган марналар ҳам яратилди. Ўзбекистон марналарининг бир ҳисса-

сини қадимий ёдгорликлар беэаган.

Ўзбекистоннинг Герби ҳам Байроғини аниқ эттирувчи марналар 1937, 1947, 1957, 1967 йилларга дахлдор. Ҳаётимизнинг кичик қомуси — почта марналарини булғор сиёсий давлат арбоби Георгий Димитров ташрифнома, деб атаган эди.

В. ТОЛИБОВ,

СССР филателистлар жа-
миятининг аъзоси.



Бертольд БРЕХТ,
немис шоири.

ЛЕНИН ҲАҚИДА КАНТАТА

Ленин!

Бу нем оловли ҳарфлар ила
Ёзилмиш ишчи синфининг
Каттакон ва пок қалбига!
У — бизга меҳнатда муаллим,
У — бизга курашда муаллим.
У бутун умрида курашди
Халқ билан бирга,
У доим курашар халқ билан бирга,
Тонки одамзод лшаркан ерда.
Лениннинг даҳоси,
Ҳақиқати-ла
Ёнажак,
Уражак
Каттакон ва пок юраги ишчи синфининг,
Яъни —
Уражак Еринг юраги!

Жек ЛИНДСЕЙ,
инглиз шоири.

ЛЕНИН ЛОНДОНДА

Қоронги ер узра ҳаволар намхуш,
Поездлар тинганди ер-осида ҳам.
Биолар кўриниб диққат ва -похуш,
Вақт оғир, зўр-базўр ташларди қадам.

Тун бўйи туманда шовқин, оломон
Бўроидай гувуллар эди муттасил.
Ҳукумат гўёки мустаҳкам, омон
Ва лекин тингларди зилзила сасин.

Келажак ёди-ла яшарди Ленин,
Кўрарди келажак тантанасини,
Юртида қўлголон қилажак элчи,
Дўстликнинг қудрати, салтанатини.

У орзу қилинган йиллар ҳам келди,
Доҳий теграсида бутун бир жаҳон.
Ер узра тонг отиб, шаббода елди,
Лондонда тумансиз бўлгуси осмон.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржималари.

Эллик манзил

Ўзбек классик шоирлари яратган ғазалларининг ёзилган йилни кўрсатмаганлар Фақат йирик эпик ва насрий асарлардагина уларнинг ёзилган йиллари кўрсатилганлигини кўриш мумкин. Алишер Навоий ижодий меросини текширганда худди шу ҳолга дуч келамиз, яъни шоир йирик асарларини қайси йил, қайси ойда ёзилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бироқ шоирнинг «Хазойинул маоний»сида бу ҳол учрамайди. Навоий ўзбек тилида ёзган лирик меросини шартли равишда тўрт қисмга бўлади. Девоилардаги айрим ғазалларда бевосита мутафаккир таржимаи ҳолини эслатувчи, шоир ҳаётининг маълум даврлари билан боғлиқ бўлган ўринлар ҳам кўзга ташланади.

Навоий «Хазойинул маоний»ни 1491 йилдан бошлаб тузишга киришган бўлса-да, унинг дастлабки девонларидаёқ шоир 50 ёшга кирганлигини кўрсатувчи ғазаллар учрайди. Қуйидаги мисоллар фикримизни тасдиқлайди:

Эшинг эллик бўлди, юз қўйил тупроғига,
Ким шабоб айеми айшу беадаблиг чоғи бас.

(«Гаройбус ситар»).

Эшим эллик бўлди, юз ҳасрат есамким суди йўқ,
Ўзни майдан хуш тутай чун ўтти умрим хушроғи.
Меник эллик йил чекиб гам, топмадим хушвақтлиқ,
Топқаменму умрининг эмдики ўтмиш хушроғи.

(«Наводируш шабоб»)

Навоийнинг 50 ёшларга бориб қолганлигини тасдиқловчи бу фикрлар, албатта, «Хазойинул маоний»нинг майдонга келиш йиллари билан бевосита боғлиқдир. Шоир эллик ёш ҳақидаги ўйларини давом эттириб, сўнги девон — «Фавондул кибар»да янада чуқурлаштиради ва яқунлайди.

Навоийнинг «Фавондул кибар» девонидаги «то йигит эрдим, қариларга кўп эрди хизматим» матлаи билан бошланган воқеабанд ғазал шоир ҳаётининг муҳим томонларини ўзида мужассамлаштирган асардир. Шоир йигитлик чоғида кексаларга хизмат қилади, кексайғач, унинг «суҳбати» ҳатто ёшларга ҳам оғир туюлганлигидан зорланади, аммо шундай бўлишига қарамай кичиклар ўртасида ўзини вазмин, оғир тутади. Навоий атрофини кўршаб олган аҳли аҳбоблар билан кўпинча бирга бўлса-да, улардан узоқлашишни, вақтинча чекинишни афзал кўради. Чунки у содир бўлган ҳар бир воқеа ёки ҳодиса устида мулоҳаза қилиш, атрофлича фикр юритиш зарурлигини англайди:

Гар таамул айласам воқеъ, муҳиңдурлар алар,
Не учунким ҳеч қолмайду аларга нисбатим.

Мазкур ғазалнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг дастлабки байтларида шоир ҳаётининг эллик ёшга қадарли бўлган даври ҳақида фикр юритади. Ниҳоят, Навоийнинг кексайган пайти, яъни соч-соқолга оқ оралагани, «эски ток» каби қадди букчайгани ҳикоя қилинади.

Эй кўнгул, тут гўшае эмди ибодат қилғали,
Қолмоқ истар бўлсанг эллик йил бўлгон хурматим.
Чунки эллик манзил ўтди умрдин, сокин бўлай,
Не учунким эмди суръат қилурга қувватим.

Бу байтларнинг мазмунидан маълумки, ғазал Навоий 50 ёшга тўлганда, яъни 1491 йилда ёзилган. Чунки шоир ярим асрлик манзилни босиб ўтгани, қуввати кегиб, осоийшта ҳаёт кечиринишга аҳд қилганлиги алоҳида қайд этилади.

Навоий инсоннинг бахт-саодати учун курашди, ҳар қандай муаммони ақл-идрок кучи билан ҳал этишга бел боғлади. Лекин шоирнинг тилак ва орзулари у яшаган даврда амалга ошиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам у қуйидагича хулосага келади.


Неттим эллик йилда жуз исёнки, эмди веткамен,
Ёна эллик йилғача туттумки бўлса муҳлатим.

Алишер Навоий лирик меросининг айрим намуналарида қайд этилган тарихий маълумотларни эслатувчи бу каби далиллар шоир фаолиятининг мажмуасини хулосалашга озми-кўпми хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Саттор ҲАЙДАРОВ,

Тошкент Давлат университетининг муаллими.

РАДОН ГАЗИ ВА ЗИЛЗИЛА



Инженер Борис МАВАШЕВ ва Валентин УЛОМОВ.

Бу тақриба 1966 йил июлда ўтказилди. Инженер-физик Борис Мавашев минерал сувининг таркиби билан бирга ундаги радон газининг миқдорини ҳам ҳар кунни кузатарди. Махсус аппаратлар ёрдамида олинган кейинги намуна натижаси инж. нерни айниқса ҳайратда қолдирди. Қанча теншириб кўрмасин радон газининг миқдори илгаригиларга қараганда жуда пайсыйиб кетган эди.

Б. Мавашевнинг эслашича, 1966 йил 22 апрелда олиб тенширилган минерал сув таркибида радон газининг ҳозиргига қараганда икки ярим барабар ортиқ эди. Ушанда Борис бунга унчалик аҳамият бермаган, чунки курортология нуқтаи назаридан қараганда бу ўзгаришнинг аҳамияти йўқ эди.

Б. Мавашев апрель ва июль ойларидаги намуна натижаларини солиштириб кўриб: «Бу 26 апрелдаги зилзила билан боғлиқ эмасми?» деб ўйлашни нолди. У шу нуниёқ Тошент Марказий сейсмик станциясининг директор ўринбосари Валентин Уломовнинг кузурига бориб, ўз кузатишларини сўзлаб берди. Уломов ва унинг ҳамнаслари бу ҳодиса билан қизиқиб қолишди.

1956 йилдан бошлаб Тошент минерал суви таркибини ўрганиш ҳақидаги қўлёзмалар бир бошдан қараб чиқилди.

Натижада 1957 йилдан бошлаб Тошент минерал суви таркибида радон газининг миқдори бирмунча қўпая бошлагани аниқланди: 1965 йил ўрталарига келиб, тахминан икки барабар ортган; 1965 йилнинг октябрдан 1966 йилнинг апрелигача радон газининг миқдорида бўлган. 1966 йил 26

НАВРЎЗ
БАЙРАМИ

БАХМАЛ БАҒРИДА

«Биз ёқда бошланди лола мавсуми,
Наврўзи оламнинг заб табассуми.
Келсанг гул сайлига тезроқ етиб кел,
Йўлни яқин қилиб, қирдан ўтиб кел.
Лола термоқликнинг гашти бор, гашти!
Гул билан қопланмиш Болғали дашти.
Гул, сени кутади Бахмал бўйлари,
Атрофи сайлгоҳ тошқин сойлари».

Бу мактуб сирдош, қадрдон ёронларга маъқул тушди. Улар «Эр сийлаган ерига азиз. Борганимиз бўлсин. Айни кўк-лам тоғ томошасига не етсин. Равочларга тўйиб, бир янгила-ниб келайлик. Ери борлар ёри билан, ёри йўқлар тори билан чоғ бўлсин», деган қарорга келишди.

Ниҳоят:

Бир мен эмас, мен каби баҳорни қутловчилар,
Шеър кўйида бедорлар — сахарни қутловчилар,
Гўзалликда лолага ғараз қилгувчи қизлар,
Ғар лолага ўхшатсанг араз қилгувчи қизлар —

билан жамул-жам бўлишиб, ҳар қўзю кўйига дили боғлиқ йигит хонадонининг мартабали меҳмонимиз. Марғузор тоғи беткайида ҳам чўпонликда, ҳам овчиликда ном чиқазган мез-сонимиз — Ўразали Усмонов наклик кабоб билан банд. Дос-тоннавозлар айтганидай: Ўразалининг ой деса ойдаи, кун деса кундай қайлиги Бибиқамбар бизга ўз пазандалигини намоиш

қилиш кўйида — нуқул сутга ийланган хамирни на қозон, на тандирга эмас, тошга ёпмоқчи. Ана энди сиз арча чўйига тоб-лаб тошда ёпилган шу патирдан тановул қилмасиз — Биби-қамбарга қойил қолмасиз. Тиниб-тинчимасан шерикларимиз-дан бири бу келинчакнинг ўхшовини ҳа демай шеърга солди:

Аямасдан бор кўркини
Ато қилти бир бошга.

Қумри исмли қизимиз ҳам бўш келмай деди:

Қуллуқ қилмай йўқ иложи
Табиятдай наққошга.

Даврадагилардан яна бири келинчакка бўлган ихлосини шундай ифодалади:

Бунақасин кўрмаганмиз
Ҳали келиб шу ёшга.

Тоғлик қиз-келинчаклар юзига упа-элик суртишни, ўзига ор-тиқча пардоз беришни эп кўришмайди.

Уларнинг одатини ҳадегандаёқ илганган ҳамсафарларимиз-дан бири:

Бу фаришта муҳтож эмас
Сирга-ю тиллоқошга...

деб Бибиқамбар хусусида бошланган айтишувни яқунлади. Қу-лишдик. Кимдир кулги аралаш ҳалиги «ўлан»лашаётганларга луқма ташлади: «Сухлик хўрлик келтирар. Бундай судувни кўрганларинг йўқмиди? Ким айтади сенларни шаҳар кўрган деб? Бу гапларни Ўразали ана эшитса барчамизга қатиқ яла-тиб қўяди». Гуррос кулги кўтарилди.

— Каллик кабоб ҳам қиёмига етиб, барчамиз дастурхон ат-рофида жамул-жаммиз.

Оқтовнинг қимизидан тўйғунингча ич!
Ўзинг бошлаб, ўзинг қўйғунингча ич!

дегани шу бўлади.

Иззат талаб қилиб ўтириш йўқ. Қимиз тўла қирмизи пиё-ла қўлдан-қўлга ўтади. Кўнгилда ғубор, сийнада дард йўқ. Байт айтишув авжида. Чеҳралар гулгун. Танқис таомлар гу-ногун. Шароби таҳаюл ўрнида — айрон. Ширинлик ўрнида — pistaйи хандон билан тоғ бодоми. Новқанинг доврўги кетган қора майизи тиззадан.

Қизитмоқ-чун даврани Сайди билан Санобар,
Бирн тўшиб ўйинга, бири чалди «Тановар».
Товус янглиғ товланиб, қикди Дилшод ўртага,
Вирпас турди «Жонон»ни билмайман деб

жўрттага...

апрелдаги зилзиладан кейин минерал сув тарихида радон камайиб кетган. 1966 йил охирига келиб, у яна 1956 йил даражасига етган. 1967 йил февралдан бошлаб радон миқдори аста-секин кўтарилиб, март ойи ўрталарига келганда барқарорлашди ва 24 мартда яна ҳаттиқ ер қимирлади, газ миқдори яна бирдан камайиб кетди.

Шундай қилиб зилзила бўлиш-бўлмаслигини олдиндан билишнинг янги йўли очилди, деб тахмин қилиш мумкин, унинг сирини Тошкент минерал сувида.

Тошкент минерал суви жуда фойдали, шифобахш. Эндиликда у сейсмология фанига ҳам хизмат қила оладиганга ўхшайди. Бу ҳақда Валентин Уломов шундай дейди:

— Ер қобиғини қоплиб шаклидаги говак резина деб фарз қилайлик. Говак минераллашган сув билан тўлдирилган. Ичдан келаётган ююри босим ҳамда иссиқлик натижасида кичик ёриқ орқали сув секин ер юзига чиқа бошлайди. Уз йўлида у сув ташувчи горизонтларга учрайди ва кенг чуқурликда маълум миқдорда минероэлементларни тўплаб, унга йиғила боради. «Говак резина»га ўхшаган ер қобиғи эса ичдан тира қоради. Шу билан ер қобиғининг қаёридан ермирилиш бошланади. Минерал сувнинг тўпланиши, сув ташувчи горизонтларда минероэлементлар миқдори кўпая боради. Шунинг учун чуқур ер қимирлаш марказига ҳам кўпайиб ўтиришмай сув йўлига бурғиланган осон. Шу йўл билан сувни тортиб олиб, унинг кимёвий хусусиятини ўрганиш кифоя.

Тошкентда эса сувни ер остидан тортиб чиқаришнинг ҳожати йўқ. Тошкент мине-

рал суви ер остидан ўзи отилиб чиқади. Шундай қилиб «говак резина»га зиннат сиканга радон асосий манба — радон газини экан, деган хулосага келсан бўлади.

Бу нимёвий элементнинг яхши хусусиятлари бор. Улардан бири шуки, у ҳеч қандай кимёвий реакцияга киришмайди, яъни ўзгарувчан эмас, уч ярим нундан ортиқ тура олади, жуда фаол. Бунга сейсмология бўйича Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ сессия қатнашчилари ҳам гувоҳ бўлишди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳошидаги Сейсмология институти гидрогеохимия лабораториясининг бошлиғи Ҳабибулла Қосимов Тошкент политехника институти геология факультетининг лиц тўла аудиториясида «Артезиан нуқдуқларида радон миқдорини ўзгартиришда зилзиланинг содир бўлиши» ҳақида гапириб турганда бирдан ер қимирлаб, бинолар титраб кетди. Бу Тошкент зилзиласининг 803-тебранши эди. Нотик тўхтагач, дарров унга савол беришди: — Бугунги зилзилани олдиндан билармидингиз?

У «ҳа» деб жавоб берди.

Лаборатория ходимлари сессия қатнашчиларига Тошкент минерал сувида радон миқдорининг ўзгариши жаadwalини намойиш қилдилар.

Олимларни ҳаммадан кўра «радон газини зилзиланинг сабабчиси» деган масала қизиқтирди. Гидрогеохимия лабораториясининг ходимлари шаҳарда қанчалик кўп зилзила рўй берса, радон миқдори кўрсатилган жаadwalда шунчалик аниқ кўриш мумкинлигини ҳам маълум қилдилар.

Сейсмология институти махсус аппарат ёрдамида минерал сувидаги газнинг сонини автоматик равишда ўлчашга алақадор ўтган. Бу мунтазам қўзатишлар газ миқдоридеги заррача ўзгаришини кўздан қочирмай ер ости «нафаси»ни сезиб туради. Профессор Г. П. Горшков сейсмология сессиясида сўзга чиқиб:

— Зилзилани олдиндан балки билиш мумкин. Бу ҳақда гапиришга ҳали эрта, лекин текширишни давом эттириш керак, — деди.

Аввало, бу тадқиқот янгилик бўлгани учун уни ююри баҳолаш керак. Дастлабки натижалар жуда қизиқ. Тошкент сейсмология институтининг гидрогеохимия лабораториясига бу тадқиқотни давом эттириш учун имкониятлар яратиб берилди. Мамлакатимизнинг бошқа сейсмоактив районларидан олинган материаллардан ҳам фойдаланиш лозим.

Радонни текширишга бағишланган Бутуниттифоқ тенгашада Озарбайжон олимларининг зилзила олдиндан ернинг табиий радиация миқдори кўтарилади, деган диққатга сазовор фикрлари ҳам ўртага ташланди.

Фақат радонгина яқинлашиб келаётган зилзиладан даран бера оладими?

Ҳозирча бунга аниқ жавоб беришимиз қийин. Кузагишлар, жуда кўп текширишлар кейинча бу саволга аниқ жавоб бериши мумкин.

А. ЕРШОВ,
инженер.

Бибиқамбарларнинг қутлуг уйда бўлаётган бу баъзи жамшидимиш лола сайлимизнинг ҳали бошламаси эди.

Минг ноз, минг қарашма ила тонг ҳам отди.

Маргузор тоғининг ҳар тош, ҳар тамалини беш қўлдай билган Ҳузали Усмонов бизни лола қонига бошлади. Ана тоғ, ана манзара. Тоғ ҳавоси эмасми, соат сайини тўрт марта турланади. Тоғ чўққиларининг бир зумда пага-пага оқ булдулар қоплайди-да, кетидан абри баҳор қўйиб беради. Кетидан кун чиқиб борлиқни мунаввар отади. Ҳадемай момақалдироқ гулдираб, сайхонларда қўзиқоринга баракат инади. Кўз илғамас чўққиларда олдор кезиб, жигаларда суқсур ўйини бошланади. Қандайдир қирғовул овози қолоққа чалиниб, ҳаққул хониши унга улашиб кетади. Йилқичларнинг қийқирғи дарани қоплаб, қўзи маърашлари уваларга файз бағишлайди. Биз ўзимизни нафосат оламида сезамиз. Кўнгилларда зигирдай кир йўқ. Гул танлаб, лола териб билан бандмиз. Ўт-ўланлар турини, шифобахш майса-ғиёҳлар номини Луқмони Ҳакимчаллик билгувчи Бибиқамбар билан Ҳузали бизни Толбулоқ томон бошлайди. Орамиздаги шоир таъбли йигитлар, моҳитобон қизлар ҳар гул, ҳар долани байт билан узиб, байт билан ченкасига тақиш ишқиди:

— Қизил лола, қут лола.
Мисоли ёқут лола.
Гул қадрини билмаслар —
Қошида беқут лола.

— Оху лола, оқ лола,
Андухдан йироқ лола.
Нозиклиги сабабли
Дилга ёвуқроқ лола.

— Тағил лола — ол лола,
Ўзи бир Зухал лола.
Лекин холдор қизларнинг
Қошида бир хол лола.

— Туяпайоқ, бормисан?
Зарғалдоққа зормисан?
Ерга тўшаб баргингни
Кунинг ўтказармисан?...

Сайримизнинг ибтидоси чўпон йигитликда бошланиб, ичтиқоси Толбулоқ бўйида тўгагулдай жўни бор. Қозонда — қайнатма шўрва. Ўртада — қўзиқорин қовурмаси. Даврада — ўйин-

кулги. Қўшиқ ўланга, ўлан дўмбира оҳангига уланади. Қалбларда — битмас-туганмас гаасурот. Бобо-калонларимиздан бизга мерос қолган Наврўз байрамнинг таъриф-тавсифи тилдан-тилга кўчади. Сўз навбати Ҳузали қўйишга тегади:

— Тоғларимизда нима кўп, сир кўп, қиммат кўп. Баъзи одамларга ҳайронман: ёнига пул тушди дегунча ё Қрим, ё Талас томонга учиншди. Бу тоғларимизнинг у ерлардан неси кам? Ўзимизда қурортлик жойлар қанми? Кўп ўлкаларини армонсиз кўрган кишиларнинг «Бахмал воҳаси — ўша афсонавий Боғи шамолга бергусиз», — деганларини ўз қулоғим билан неча бор эшитманман. Кошки эди, Сангзор сайхонларида билин совхозлари тузилиб, Бахмал бўйларида қурортлар ташкил этилса.

Меъзон маъқул айтади. Кошки эди!...

Бахмалликларнинг меҳнати эгиз — касби-корлари чорвачилик билан галлачилик. Сур терчиснинг сараси билан қорабайир аргумоқлари, араби отларнинг довури Доғистонга етган. Самарқанднинг ширмойи ноилари баҳори ҳам кабайи бугдойлари ундан тайёрланади. Бахмалликларнинг давлатлари ҳам эгиз — қазноқлари тўла галла, қўноғлари тўла қўй. Бағрилари бутун, ризқ-рузалари фаровон. Музофотларида фақат қурорт бўлса бас. Бу ҳам муаммо эмас. Ҳадемай бу сулим гўшада дам олиш уйлари, санаториялар, қурортлар очилиб, Оқтов қимизи билан Алдашмон қуртбосининг қайта тилга тушиши тайин.

Ўтган донишмандлардан бири: «Ез фасли, ёр васли, шёр баҳси, дўстлар суҳбати, боданинг кайфияти» дебди. Бахмаллик дўсту ёронларимизнинг дийдорига тўйиб, меҳмоннаволикда ҳимматларига қойил қолиб қайтди. Наврўз ҳавоси, ҳай наводидан таъби табиятимиз равшан, чиройимиз хуш. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада кўркем воҳаларимиз, Шоҳимардон, Арслонбоб, Оқтов, Форш, Қўрама-Чатқол ёнбағирларидайд бешхизта бергусиз танқис, ганҳо сайилгоҳ жойларимизда бўлган кишининг қуввайи ҳофизасининг ошиши, умрининг узайиши, дардан тамомилла халос бўлиши барчага белгилли.

Шу важдан устод шоир шундай дейишга тамоман ҳақли эди:

Мана сенга олам-олам гул,
Этагинга сиққанча ол.
Бунда толе ҳар нарсдан мўл
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Салима РОЗИҚУЛОВА,
Талъат СОЛНОВ,
Тўра СУЛАЙМОН.

Бахмал.



Улузбек

Т. ҚОРИ-НИЕЗИ,
академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Хар қандай тарихий шахснинг жаҳон майдонида пайдо бўлиши ҳеч вақт тасодифий бўлмай, балки унинг ижоди маълум мерос ва маълум замин асосида вужудга келади. Шунинг каби, Улузбек ижодининг замани ҳам, табиий, тасодифий эмас.

Ўрта Осиё энг қадим замонлардан бери одамзод яшаб келадиган жойлардан, кишилик маданиятининг энг азалий ўчоқларидан бириндир. Бу ердаги кўпдан-кўп моддий маданият ёдгорликлари шундан далолат беради.

Ўрта Осиё халқлари энг қадим замонлардан бери Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Сибирь, Шарқий Европа, Кавказ, Ўрта деңгиз қирғоқларида яшовчи халқлар билан бирга бутун дунёда ҳам фан ва маданиятнинг ривожланишига самарали таъсир этди.

Феодаллар зулмига, реакциян руҳонийларнинг қаршилигига қарамасдан, Ўрта Осиё халқларининг кўпгина энг яхши фарзандлари самарали ижодий иш олиб бордилар, жаҳон фани ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшдилар. Масалан, IX асрда яшаган фарғоналик машҳур математик ва астроном Аҳмад бини Муҳаммад асарида (ёки ҳозирги замон таъбири билан айтганда, монографиясида) ўша даврда астрономия фани соҳасида тўпаланган маълумотларни системали равишда баён қилиб, ўз ўғмишдошларининг, шу жумладан, машҳур юнон астрономи Птолемейнинг усулларини тақомиллаштиришга уринган ва бу олимнинг бир қанча фикрларини таъкид қилган. Бу асар лотин ва бошқа Европа тилларига таржима қилинган бўлиб, XV аср ўрталарида ҳам Европада кенг тарқалган эди.

Ўша даврнинг яна бир гоят йирик олими Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийдир. Бу олим ўзининг «Ҳисоб алжабр вал муқобала» номли тарихий асари билан машҳур бўлса-да, ленин унинг астрономия соҳасидаги роли ҳам муҳим ва каттадир. Масалан, Хоразмий Вағдод обсерваториясида олиб борган кузатишлари асосида ва хиндлар тугзан астрономия жадвалларини таъкидлий анализ қилиб «Астрономиядан янги жадваллар» тугзан эди. Астрономия тарихида муҳим роль ўйнаган бу жадваллар кўп асрлар давомида жуда кенг тарқалган эди. Бундан бошқа, Хоразмий «Астролябия ҳақида рисола», «Қуёш соати ҳақида рисола» ва шунинг каби астрономик асарлар ёзган. Унинг «Китоб сурат ал-ард» деган асари бутунлай қайтадан ишланган Птолемей географияси бўлиб, унда Шарқ мамлакатлари ва халқлари ҳақида кўпгина қимматли маълумотлар келтирилган. Хоразмийнинг бу асари ўз даврида араб олимлари ва Шарқдаги бошқа олимларнинг география соҳасида олиб борган илмий-тадқиқот ишларига, шунингдек, Гарбий Европанинг ўрта асрлардаги география фанига таъсири жуда катта бўлган эди.

Ўрта Осиёдан чиққан машҳур астрономлардан марвлик Аҳмад бин Абдулло Марвазий. Ҳабаб Ҳосиб ва унинг ўғли Абу Жаъфар, Аббос бин Саид Жаъфарий каби олимларнинг астрономия фани тарихида ўйнаган роллари гоят муҳим ва каттадир. Шунингдек машҳур Абу Райҳон Беруний; механик, физик, математик ва астроном Муҳаммад ибн Аҳмад Хоразмий; географлар: Абу Абдулло Яйхуний, Шараф аз-Замон Тоҳир Марвазий; математик ва астрономлар: Абу Маҳмуд Хўнандий, Абу Саҳл Кўхий, Абубакр Кархий, Абу Абдулло Вақтоний, Абу Яҳё Марвазий, Абдулфатҳ Саид бин Хадифи Самарқандий, Аҳмад Насавий, Умар Ҳайём ва бошқалар.

Бу олимлар орасида Абу Райҳон Беруний (973—1048) биринчи ўринда туради. Бу олимнинг илмий асарлари гоят кўп бўлиб, биз бу ерда унинг фақат астрономияга оид баъзи рисолаларини таъкидлаб ўтамиз. Масалан, «Астрономия калиди», «Қуёш ҳаракатининг тадқиқи», «Ой ҳақида рисола», «Жадвали Масъудий» ёки бошқа таъбир билан «Масъуд қонуни», «Пла-

нисфера ҳақида рисола» ва бошқалар. Булар орасида «Жадвали Масъудий» айрим диққатга сазовор бўлиб, у замонасининг ўзига хос астрономик энциклопедияси ҳисобланади. Беруний Ер шари ҳажмининг ўлчашининг гоят муҳим усулини амалда татбиқ қилган эди. Шу мақсад билан у Ҳиндистонда деңгиз сатҳидан 652 чўзим (бир чўзим тақрибан ярим метр) баланд тоққа чиқиб, ўша ердан уфқнинг пайишинини ўлчади, сўнгра шу бурчак ва тоғнинг баландлиги ёрдами билан Ернинг радиусини ва унинг айланасини ҳисоблаб чиқди. Беруний ҳисобининг натижаси ҳозирги замонниқига яқиндир.

Маълумки, ўз даврида астрологиянинг роли анча катта эди. Шунга қарамасдан, Берунийнинг унга нисбатан салбий муносабатда бўлиши характерлидир. «Кўнларнинг бирда.— дейди Беруний.— мен бир чиши билан суҳбатда бўлдим. Бу киши бўладиган воқеаларни юлдузларга қараб айтиш санъати бўйича ўзини энг машҳур ва билимдон деб ҳисобларди. У юлдузларнинг вазиятига қараб кишининг толе-оқибатини аниқламоқчи бўлиб, ўзининг нодонлигидан юлдузларнинг вазияти ва ўзaro муносабати кишига ва содир бўладиган ҳодисага таъсир қилади, деб чинакам ишонар ва шунинг учун ҳам бунинг натижасини излаш билан машғул эди».

Берунийнинг илмий жасорати айниқса Қуёш системаси тузилшининг бош масалаларини текширишда жуда яққол ошкор бўлди, яъни у бу тўғридаги геосентрик ва гелиосентрик системалар тупшунчаси тенг ҳуқуққа эга, деган далил хулосага келди. Бу эса ўша замон учун фанда қўйилган гоят жасоратли, инқилобий қадам эди.

Ўрта Осиёдан чиққан олимлар орасида айниқса Улузбекнинг роли ва унинг жаҳон фани хазинасига қўшган ҳиссаси гоят муҳим ва каттадир. Улузбек бошдан-оёқ шарият қонунарига берилган отаси Шоҳруҳдан кўп жиҳатдан фарқ қиларди. Ҳиротда Шоҳруҳ ўз атрофига руҳонийларини йиғиб олиб, эркин фикр эгаларини таъкиб қилгани ҳолда, Самарқандда Улузбек ўз атрофига олимлар ва шоирларни тўплаб, фан, адабиёт ва санъатнинг тараққий қилишига кенг йўл очиб беришга қўлмай, балки илм-фаннинг, айниқса аниқ фанларнинг равангига йўллада бевосита ўзи меҳнат қиларди. Улузбекнинг бобоси Темур каби ҳарбий юришлар қизқирмас эди ва мамлакат хавфда қолган ҳоллардагина у тегишли чора кўрарди.

Фан, адабиёт ва санъатнинг машҳур намояндalarидан бўлган, «Зубдат-ут-таворих» номли катта асар муаллифи Лутфилло Ҳофизи Аbru, машҳур Мавлоно Нафис, лирик шоирлардан Сирожиддини Басатийи Самарқандий, Хайлийи Бухорий, Бадахший, Дурбек, Саккокий, Лутфий ва бошқа кўпгина фан ва маданият арбоблари Улузбек даврида яшаган ва ижод қилган.

Темур вақтидаги бинокорлик ишлари Улузбек даврида ҳам давом этган. Лекин унинг йўналиши бошқача бўлиб, Улузбек кўпроқ маданий ва илмий муассасалар қўриш билан шугулланган. Масалан, у Бухорода, Гиждувонда, Самарқандда мадрасалар солиб, илму фаннинг ривожланишига катта аҳамият берган. Бу мадрасалар орасида Улузбекнинг айниқса, Самарқанд мадрасаси алоҳида диққатга сазовордир. У, пештоқдаги ёзувига қараганда, 1417 йилда курилла болинган, 1420 йилда битанган. У ўз вақтида икки ошанга бўлиб, бурчакларидан тўртта дарсхонанинг устида тўртта гумбази ва тўртта минораси бўлган. Мадрасанинг пештоқи юлдузлар билан тўла осмонни тасвир қилади. Шубҳасиз бу ҳол, мадрасада ўқитиладиган фанлар орасида астрономияга айрим аҳамият ва фахрий ўрин берилганлигидан далолат беради.

Бошқа фанларга қараганда, айниқса, ўз замонасида ҳақиқий астрономия фани муҳим атенстик роль ўйнаган, бу фан билан шугулланган олимларнинг дунёқараши ҳам диний таълимотларга хилоф бўлиб, бошқаларникидан ажралиб турган.

Дарҳақиқат «Ер ҳўкизининг шоҳида туради», дейилган бир вақтда: «Иўқ, у муаллақ ҳолда ҳарақат қилади ва ўз ўқининг атрофида айланади» деб айтишнинг ўзи фан соҳасида инқилобий жасорат ва ўтакетган динсизлик эди. Бу масаланинг нақадар катта принципиал аҳамиятга эга эканлигини билиш учун, у замондаги омма маданий савиясининг пастлигини ва руҳонийларнинг диний хурофотини кўз олдига келтирилса kif-фойдир.

Улўбекнинг бевосита астрономия билан жиддий равишда шуғулланиши, унинг дунёга қарашида, дунёнинг тузилиши масаласида, дарҳақиқат, инқилобий ўзгариш ясади. Шунинг учун реакцион руҳонийлар Улўбекни: «Сен Муҳаммаднинг динини барбод қилдинг, кофир бўлдинг», деб айблаганлари тасодифий эмасдир.

Улўбек раҳбарлигидаги обсерваториянинг ютуқлари, Улўбек ва унинг илмий ходимларининг тадқиқот ишлари ёки, қисқаси, Улўбек астрономик мактабининг эришган муваффақиятлари жаҳон фани хазинасида муҳим ўрин тутди. Бу мактабнинг кўп йиллик самарали меҳнат натижаси бўлган илмий тадқиқот ишлари «Янги астрономик жадваллар» ёки «Зиччи Улўбек» номи билан машҳурдир.

Улўбекнинг юлдузлар жадвали ўз ичига 1018 юлдузчи олади. Унинг энг муҳим қиммати шундаки, жадвал кўп йиллар мобайнида асосан Самарқанд обсерваториясида бевосита бажарилган кузатишлар натижасида тузилган. Ҳолбуки Улўбекдан илгариги жадвалларнинг асоси Птолемей жадвалидан олинган. Машҳур юнон олими Гиппархдан кейин ўн олти аср мобайнида вужудга келган янги юлдузлар жадвали фақат Улўбекникидир.

Шунингдек сайёраларнинг йиллик ҳарақатини ва астрономияда катта роль ўйнайдиган ўзгармас миқдорларни аниқлашда ҳам Улўбек мактаби илгор, пешқадам ўрин тутган.

Улўбекнинг феолият ҳама вақт реакцион руҳонийларнинг таъқибиди бўлиб, уларнинг олимга қарши юритган иғволари кундан-кун кучайиб боради. Ниҳоят, Улўбекнинг ўғли Абдуллатиф реакцион руҳонийларнинг ва умуман Улўбек душманларининг иғволари таъсири остида отасини ўлдирмоқчи бўлади. Буни амалга ошириш учун реакцион руҳонийлар томонидан хоинона режа тузилади. Улўбекдан махфий суратда унинг устида суд бўлиб, олимни ўлдирish учун фатво берилди. Хуллас 1449 йил 27 октябрда, Улўбек 56 ёшда хоинона ўлдирилади.

Ушбу сатрлар эгасининг раҳбарлиги остида ташкил этилган экспедиция 1941 йилнинг 18 июнида Улўбекнинг Темур мақбарасидаги қабрини очган эди. Натижада, шаҳид бўлган олимнинг шариятга мувофиқ ўз кийимлари билан қўмилганлиги ва бўйин суякларининг ўткир қилич билан кесилганлиги маълум бўлди.

Ўрта Осиёда Улўбекнинг таъқиб қилиниши ва хоинона ўлдирлиши тасодифий эмасдир. Башарият тарихида ҳама вақт реакцион ва прогрессив кучлар орасида кураш давом этиб келади. Масалан, Беруний, Абу-Али ибн Сино, Алишер Навоий, Носир Хисрав каби Ўрта Осиёнинг машҳур олим ва мутафаккирлари, шунингдек, Европанинг Жордано Бруно, Галилей, Коперник каби йирик олимлари ҳаминша реакцион руҳонийлар томонидан таъқиб қилиниб, сарсонликда умр кечирганлар. Шунинг учун Улўбекнинг хоинона ўлдирлиши реакцион ва прогрессив кучлар орасидаги курашнинг ўша вақтда кескин тус олганини кўрсатади.

Улўбек ўлдирилгандан кейин, феодаллар ўртасидаги феолият ўзаро урушлар жуда ҳам кучайиб кетди. Реакция устуи чиқди. Абдуллатиф руҳонийлар ва феодал аристократларининг ишончли ҳомийси эди. Халқ бошига янада оғир кулфатли кулар тушди, чунки Абдуллатиф мустабид режим ўрнатди, ўз муҳолифларини шафқатсизлик билан бостирди. Халқнинг турли табақалари орасида қарама-қаршилик зўрайди ва синфий кураш кучайди... 1450 йил 8 майдаги ҳарбий фитна натижасида Абдуллатифнинг ўзи ҳам ўлдирилди. Унинг кесилган қаласи Самарқанддаги Регистон майдонида Улўбек мадрасасининг пештоқига осиб кўйилди.

Хуллас, Самарқанддаги маданий ҳаёт аста-секин сўна борди, реакцион ислом ақидалари тантана қилди. Бирмунча фан ва маданият арбоблари Ҳиротга — Султон Ҳўсайнинг саройига кетишди...

Ҳирот аста-секин Ўрта Осиёнинг маданий марказига айлана борди. XV асрнинг иккинчи ярмида бу ерда адабиёт ва санъат, бинокорлик, мусиқа, ҳўснихат, миниатюра санъати ривожланди. Кўпгина шоирлар — Жўмий, Навоий, Хатифий, Ҳўлолий, Биноий, машҳур rassom Бехўд, талантили мусиқачилар Қўлмуҳаммад Шайхий, Шоҳқўлийи ва бошқалар ўша даврда яшаган ва ижод қилган. XVI асрнинг бошларида бутун Ўрта Осиёда ҳўқимият Шайбоний қўлига ўтди ва мамлакатда сиёсий аҳвол кескинлашди. Узоқ йилларга қўзилиб кетган феодал урушлар мамлакатнинг ҳўжалигини хароба ҳўлга келтирди.

Аҳволнинг оғирлигидан Улўбек обсерваторияси моддий жиҳатдан ёрдамсиз қолди. Бунинг устига, реакцион руҳонийлар уни харобага айланттиришга уриниб, обсерваториянинг мраммар тошларини ва гиштларини бузиб олишга ва уларни бошқа биноларга ишлатишга рўхсат берди. Натижада, XVI асрнинг бошларида обсерватория вайрона ҳўлга келди. Улўбекнинг астрономик мактаби тарқалиб кетди. Бу ҳўл тасодифий бўлмай, балки феодализм даврининг қўнуний оқибатидир.



Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида маҳаллий Советларга сайловлар меҳнатқашларнинг зўр сиёсий активлиги ортган бир вазиятда ўтди. Бу маросим умумхалқ тантанасига айланди. Ушбу суратларда Тошкент шаҳар сайловчилари акс эттирилган.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.

Бу йил сув қандай бўлади

Бу йил қиш совуқ ва серёгин келди. Ҳамма-нинг оғзида «тоғда қор мунча ёғибди, дарёларда катта тошқинлар бўлармиш» ва бошқа миш-мишлар... Хўш, ҳақиқатда ақвол қандай? Бунга билиш учун Ўзбекистон ССР Гидрометеорология хизмати бошқармаси берган маълумотга мурожаат этамиз.

Кўпгина метеорологик станцияларнинг маълумотига кўра, тоғларда ўтган йилнинг октябрь-декабрь ва бу йил январь ойларида ёғингарчилик кўп бўлган. Айниқса декабрь-январда ёғин-сочин ҳар йилгидан 2—6 баравар кўп бўлди.

Федченко музлиги ва Олой водийсида тўпланган сув мўтадилдан 30 процент юқори, Говасой, Пошшоота ва Қорадарё ҳавзасида — икки ҳисса, Исфайрамда эса одатдагичадир.

Ўзбекистоннинг дарё ҳавзаларида йиғилган ёғин-сочин миқдорига асосланиб шунга айтиш мумкинки, бу йил апрель-сентябрь ойлари ичида Фарғона водийсининг жанубини сув билан таъминлайдиган дарёларда ва Зарафшонда сувнинг миқдори ўртача, бошқа дарёларда эса, анча кўп сув жамланган.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларида сувнинг жуда кўп бўлиши кутилади. Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Фарғона водийсининг баъзи дарёларида ҳам сув кескин кўпаяди.

Баланд тоғлардан бошланадиган, яъни абадий қор қопламлари ва музликларидан тўйинадиган Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Норин, Сўх, Исфайрам, Шохимардон ва бошқаларда сув миқдори мўтадил, гоҳо сал ортқ бўлади. Паст тоғлардан сув оладиган, яъни асосан ёмғир ва мавсумий қор сувларидан тўйинадиган Говасой, Оҳангарон, Чирчиқ, Қашқадарё, Ғуздордарё, Сингардак каби дарёларда эса сув кескин кўтариллади (1,5—2 ҳисса).

Шундай экан, сел, тошқинга қарши эҳтиёт чораларини кўриш керак. Айниқса, сув омборлари ва ГЭСларнинг ишини яхши, оқилона режалаштириш лозим. Дарё ва канал қирғоқларини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга.

Абухалил РАЗЗОҚОВ,
инженер-гидролог.

«Марднома» китобига

Менинг урушга киришим ҳам уруш бошида қатнашган кўплар қатори қўқисдан бўлди.

1941 йил 16 июнда Тошкентдаги Владимир Ильич Ленин номли пиёдалар ҳарбий мактабининг битириб, лейтенант унвонини олганимдан кейин Вильнюс шаҳрига хизматга юборилди.

Аммо 22 июнь эрта билан «уруш» деган овоз тарқалди. У вақтларда вагонларда радио йўқ, поездимиз кичик бир станцияда турар эди. Соат 12 да Москванга тингладик. Немис фашистларининг хиёнаткорона ҳужумини эшитиб ҳаммамизда ғазаб қайнади, ўз ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлаган биз офицерлар ўша заҳоти ёвга қарши ташланишга тайёр эдик. Поездимиз Минскка ҳам етолмади, унга бир неча соатлик йўл қолганда кечга яқин узоқда бомба ташлаётган самолётларни кўрдик. Поездимиз тўхтаб қолди. Биз, ҳамма офицерлар ялтираган янги ҳарбий кийимларда вагондан тушдик. Бир маҳал бомбасини ташлаб бўлган самолётлар осмонда доира ясаб, пастлаб келиб, бизни пулемётлардан ўққа тутди. Узимизни вагонлар остига олдик. Бу бизнинг биринчи тобланишимиз.

Поездимиз энди ўз йўлини давом эттирилмас эди. Москвадан Минскка борадиган катта тош йўлга чиқдик. Кўпчилик фронт штаби жойлашган Орша шаҳрига кетди.

Биз тўрт киши улардан ажралиб йўловчи машина билан фронтнинг олдинги чизигига йўл олдик. Қош қорайганда ўрмон ичидаги қисмларга бориб қўшилдик. У ерда менга бир взводни кўрсатиб:

— Мана шунда ётган 45 киши сизнинг взводингиз бўлади, — дейишди.

Мен урушнинг бошланиш даврида, аскарларимиз учун бениҳоя оғир бўлган бир пайдада ўттиз бир кун фронтда бўлдим. Бу оғир давр К. Симоновнинг «Тириклар ва ўликлар» романи асосида яратилган фильмнинг биринчи сериясида ҳаққоний ва бемуболага кўрсатилган. Мен ўша тасвирга бирор қўшимча қўшишга ожизман. Кейинчалик ўша вақтда бирга жангга кирган сафдошларимдан бирортасини учратганим, дарагини ҳам эшитганим йўқ. Улар орасида ўндан ортқ тошкентликлар ҳам бор эди.

Жангга кирганимнинг ўттиз биринчи кунни кўкрагимдан ва елкамдан яраландим.



ЎЗУ

ёқгорлик

Минск йўлидан Москвага ёриб ўтишни мўлжаллаган фашистлар биргина шу шоссеге йўлга уч минг танк ва шунга яраша бошқа қисмлар ташлаган эдилар. Мен ўттиз бир кун ичида ўттиз бир йилда ҳам кўриб бўлмайдиган воқеалар иштирокчиси бўлдим. Якка-якка кишилар эмас, халқ қаҳрамонлигининг гувоҳи бўлдим.

Тўфон каби босиб келаётган ажалнинг йўлини тўсishга бел боғлаган аскарларимиз билан бутун халқ баҳамжиҳат эди. Чекинаётганимизда қишлоқлардаги аҳоли тезроқ қайтишлар, деб йиғлаб кузатишар, ғамлаб қўйган озик-овқатларини, ситир-бузоқларини бизга тутқазишар, сизлар енглар, фашистларга қолмасин дейишар, туниги жангларимизда эса, оддий халқ, чоллар, хотинлар ўрмон ва ботқоқлардан ўтишга йўл кўрсатувчилик қилишарди.

Қўшинларимиз жуда кўп талафот кўришга, парокандаликка қарамай, яна бўлималар, қисмлар тузиб, ёв устига ташланаверар эди. Азиз жонини тикиб, Ватан озодлиги учун қурбон бўлаётганларнинг отини эслаб қолиш эмас, сонини, санагини олиш ҳам мушкул эди. К. Симоновнинг шу даврда «Пиёдалар сафида жанг қилганларнинг ҳаммасига қаҳрамонлик унвони берса бўлади», деган гапи оммавий қаҳрамонликнинг тўғри аниқ эйтиради.

Бир ҳаво жанги ҳам кўз олдимда: шу жангда бир неча дақиқа ичида довурак учувчиларимиз ўзларидан икки-уч баробар кўп немис самолётларига қарши дангал ташланиб, жонларини аямай жанг қилган ва қурбон бўлган эдилар.

Пиёда жангчилар ҳам худди шундай — ўлимга тик борар, Ватан учун жонларини аямай қурбон бўлишар эди. Аммо ҳар бири ўз ҳаётини осонликча қурбон қилмай, мумкин қадар кўпроқ фашистни қиришга ҳаракат қиларди. Фашистлар мўлжалсиз ва ҳисобсиз ўқни ёдираверишар, бизникилар эса, ҳар бир ўқни мўлжалга уришга ҳаракат қилишарди.

Менинг взводим том маъноси билан байналмилал взвод бўлиб, учда рус, украин, белорус, грузин, армени, қозоқ, тожик ва ўзбеклар бор эди. Чўлонов деган бир самарқандлик йигит айниқса аjoyиб қаҳрамонлик билан жанг қилар, жанглардан ҳаммадан кейин чиқар: ярадорларни боғлашда ҳам, жанг майдонидан олиб чиқишни ташкил қилишда ҳам менинг энг яқин ёрдамчиларимдан эди. Биз, умуман, ярадорларни қолдириб кетмасликка ҳаракат қилардик. Чўлоновнинг ярадор бўлган чоғимда йўқотдим. Бу жанг жуда оғир жанглардан бири бўлган эди.

Менинг яраланишим 24 июль эрталаб соат 6 ларда юз берди. Биз ҳамма фронтларда умуман чекинаётган бўлсак ҳам, аммо ҳар доим немис қисмларига қўқисдан ҳужум қилиб катта талафот етказиб турар эдик. Кейинчалик госпиталда ётганимда ҳисоблаб кўрсам, биз бир ой ичида олдинга-орқага бўлиб жами бир ярим минг километрдан ортқ йўл босибмиз.

23 июль кечаси қисминиз Кривец шаҳрини эгаллаган немисларга қарши ҳужум қилиши кераклиги ҳақида буйруқ олдик. Батальонимизга кечаси шаҳарга яқин бориш, кўнқисдан ҳужум қилиш, душмanning диққатини ўзинга жалб қилиш базисфаси тоширилган эди. Биз фашистларни чалғитиб туришимиз, шу пайт бошқа бўлимавлар шаҳарнинг икки томонидан ҳужум қилишлари керак эди.

Эрта соат 4 да ҳужумга сигнал бўлди. Тонг ёришаётган эди. Урмондан чиқиб бошоқ торган жавдар бугдой орасидан ўрмалаб бориб фашистларнинг тумшуги тағида атака чизғига тизила бошладик.

Шаҳар бўсағасидаги тепаликда мустаҳкам мудофаа нишоотлари йўқ. Аммо чуқур ва бошқа пана жойларга ўрнашиб олган немис танклари бетонлардан қурилган ўт очув нишоотлари базисфасини бажарар, пулемёт ва тўплардан ўт очиб турар эди. Дарахларга чиқиб олган мерганлар ва автоматчилар ҳам узлуксиз ўқ ёдирар эдилар.

Уч марта атакага турдик. Аммо ҳар гал батальонимиз кучли ўт остида ерга ётишга мажбур бўлди. Ўнг томонимда ётган ҳарбий комиссар:

— Ким бор командирлардан?— деб қолди.

— Мен,— дедим.

— Кўтар атакага!

Бир оз кўтарилиб, орқага қараб:

— Ватан учун, олга!— деганимни биламан, кўкрагим ва ўнг елкамга қақшатқич зарб урилди. Йиқилдим. Қайтиб тура олмадим.

Шу сал орқага қараган пайтмда кўкрагимдан теккан портовчи ўқ ўнг елка ости суягини ўпириб юборган экан.

Ўнг қўлим қамчидек осилиб қолди.

II.

Дала госпиталига олиб боришди. Кўп қон кетганлигидан операция столида гоҳ худ, гоҳ беҳуд бўлиб ётибман.

Қўлогимга «ампутировать, ампутировать»... деган сўз чалиниб қолди. Қўлимни кесилмоқчи эканлигини тушуниб қолдимда «Йўқ!» деб туриб олдим. Ким ўнг қўлимга тегса, чап қўлим билан уриб қайдар эдим... Ўзимдан кетиб қолибман, бир маҳал қўлогимга «жоним, жоним...» деган овоз кирди, аста кўзини очдим. Еши 60 ларга бориб қолган биринчи ранг ҳарбий врач тепалида турибди. У Ўзбекистонда кўп йиллар хизмат қилган экан.

— Қўлингиз кесмаймиз,— деди у қатъий қилиб. Суяги бутун бўлмаса ҳам, томир ва пайларни бутун, суяги битиб кетади... Жуда ёш...

Ўзи операция қилиб, суяк ва ўқ парчаларини териб тозаланиб-да темир тахтакач қўйиб, боғлади.

Шундай қилиб шу сатрларни ёзаётган ўнг қўлим омон қолди.

Бир неча кундан кейин самолёт билан Москвага жўнатишди. Биз Москвага келган биринчи ярадорлардан эканмиз, Ватан ҳимоячилари келишяпти, деб бизни тантана билан кутиб олишди.

Москва область касалхонасида ўн кунча ётдим. Ҳамама текширишлар тугади шекилли, қўлимни қолдиришга қарор қилишди ва гипсдаб Арзамас шаҳридаги ҳарбий госпиталга юборишди. Унда уч ой даволаниб, Тошкентга қайтдим.

Халқ меҳрибонлигини, армия билан халқнинг бир жону бир тан эканлигини мен фронтда ҳам, яраланиб ичкарига жўнаганимда ҳам ҳамма жойда аяқол кўрдим.

Улуғ Ватан уруши том маъноси билан халқ уруши бўлди. Ғалабамиз сирини ҳам мана шунда. Халқ ғалаба учун, Ватан мустақиллиги учун, улуғ Ленин гоъларини учун ҳеч нарсаини аямади. Энг яхши ўғил-қизларининг қони билан Ватанимиз тулганни фашистлар қора доғидан ювди.

Бу курашда бошқа халқлар қатори ўзбек халқининг асл фарзандлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшди.

Мен урушдан кейинги йилларда Ватанимиз ичкарисида ҳам, хорижда ҳам кўп шаҳарларда бўлдим. Қай шаҳарга бормай ҳаминша улардаги солдатлар дафн қилинган ўртоқлар қабристонини зиёрат қилиб ўтаман.

Москва атрофидаги бир неча қабристонини, Ленинграддаги, Киев, Севастополь, Богочаровий ва бошқа шаҳарларимиздаги ва шунингдек Варшава ҳамда Прага шаҳарларидаги ўртоқлар мазорини зиёрат қилганим бор.

У қабристонларда бошқа халқларнинг фарзандлари билан бирга жуда кўп ўзбек ўғлонлари ҳам абадий уйғуда.

Прага қабристонидан ун бир кишининг исм-фамилиясидан уларнинг ўрта Осийлик эканликлари кўриниб турибди. Булар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони сержант Юсупов ҳам бор.

Прагани озод қилишда ҳалок бўлган совет жангчиларига жуда сабабатли катта ёдгорлик тоши қўйилган.

Заним билан Тошкент ҳарбий мактабида ўқиган, икки йил бирга ётиб, бирга турган, бир бурда нонни бўлиб еган, юришларда флягамиздаги бир қултум сувни баҳам кўрган сафдошларимни эсламай ўтолмайман. Улар ғалабамизни яқинлаштирдилару ўзлари кўролмадилар.

Навқирон ҳаётларини Ватан озодлиги, бугунги бахтимиз учун қурбон қилдилар.

Ақлли, тадбиркор ва чуқур мулоҳазали Маҳкам Юнусов, ажойиб спортчи, қувноқ аскиячи, самийий дўст Камолжон Акмалов каби дўстлар номи дамимон дилимда, уларнинг ёрқин сиймоси кўз ўнгимдан нари кетмайди.

Камолжондан охириг олинган мактубим туркман халқининг фарзанди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбон Дурди сурати босилган откритка эди. Откритка орқасига ёзилган қисқа мактубни Камол шундай сўзлар билан тугатган:

«Шоислом, бу откриткани олганингиздан сўнг, дарров хат қилиб юборинг ва бу откриткани сақлаб қўйинг, агар насиб қилса кўришиб қолсак, откриткани сақлаганингиз учун базм қиламиз... Эсдан чиқарманг. Хўл хайр, кўришунгиз. Камол 22 октябрь 1942 йил». Афсуски у билан қайтиб кўришиб насиб бўлмади. Камолга ўхшаган кишиларни унутиб бўладими?! Унинг қабри Ленинградда, ўртоқлар мазоридан.

Мана 25 йилдан ошди, аммо мен учун муқаддас нарсани кўз қорачигидек сақлаб келаман. Булар—комсомол билетим, яраланганимда кўкрак чўнтагимда бўлган, кўсим қонига беланган, мен билан бирга қон кечган сафдошларим—вазодим рўйхати ва бадий юксак бўлмасида, юрак ҳаяжони билан тўла шешрий мактубларим ёзилган ён дафтарчам ва Камолнинг откриткаси.

Болаларимизга соф осмон, беғубор ҳаёт бағишлаш учун ўзларининг мусоффо қалблари, навқирон ҳаётларини қурбон қилган авлод хотираси ҳаминша яшайверсин!

Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ.

Шеърят шинавандаларига

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Олимжон ХОЛДОР

СУВЧИ

Қўлда кетмон, сув тарарди гўзага дехқон,
Ейдан келиб мухбир олди унинг расмини.
Қаддин ростлаб кетмонга суяниб, ҳайрон,
Бободехқон сўраб қолди исми, касбини.
— Газетадан, расмингизни чиқармоқ ният...
— Эски дўши, эски яктақ билан-а, болам?
Йўқ, бўлмайди, бу аҳволда уят-ку, уят,
Наҳот менинг керак бўлмас розилигим ҳам.
Ахир буни дўсту душман кўриши мумкин,
Ўғилганим, ўзингиз бир ўйламабсиз-да.
Таъна тошин отваллар дехқонга ҳар ким,

Мақсадингиз аммал менга сўйламабсиз-да.
Вадавлатимиз, камимиз йўқ, худога шукур!
Мухбир йингит хижолатда ўйларга толди.
— Мен кийиниб келай,— дея ота тушмагур
Қўлин ювиб уйи томон тез жўнаб қолди...

ТУМАН

Қуюқ туман тушиди йўлимга,
Атрофида чироқлар нурсиз.
Фонус ушлаб олиб қўлимга,
Қор устида қолдирамиз из.
Сароб янглиғ чекилди туман,
Тол силкиниб таради сочин.
Катта йўлга чиққанимда ман
Тонг қаршилаб очди қулочин.
Туман тарқаб ёришди олам,
Нур улашай деган тилакда.
Нурдан улуш тегди менга ҳам,
Янги кун туғилди юракда.

* * *

Минг йил умр кўрган кўхна минора,
Нақшлари бир жаҳон, кўз қамашди.
Унга боқарканман, қалбан тобора—
Ҳассос усталарга меҳрим ошади.
Минорани қурган улуғ одамлар
Ғишлар қатнага ҳам эзматни номин.
Бўёқларда эса кўз ёшлар, рамлар,
Ўқиниқ қийинмас улар каломин.
...Нуроқ тушган экан уч дона ғишти,
Қай бир чала уста эшлаб қўйинти.
Ажаб, пештоқига уялмай асти,
Буни қайта қурган, фалоччи, денти...

Умнат ТҶИЧИЕВ.

ТАБИАТ НАҚЛЛАРИ

— Булутларга бошини қўйиб ўй сурган тоғ,
Қўпдан бери берай дейман сенга сўроқ,
Лўнда, аниқ жавоб бергин кивириб
тилга.

Сендаги оқ, қағир, қора, малла тошлар
Бир-бирининг елкасига қўлин ташлар,
Улар мунча қўйиб турар дилин
дилга?

— Қучоқлашиб, метин бўлиб
жибшлашмасак,
Қовушмасдан турсак агар нисли кесак,
Аллақачон бўлур эдик тилка-тилка!

Жамол КАМОЛОВ.

ТАБИАТ БАЗМИ

Нақ тепамда чақмоқ чақар тинимсиз,
Тубсиз само ўт ичиди гуриллар.
Шамоллар ҳам жой талашар, кўнимсиз,
Юрагимда шамол каби туйғулар...

Ҳовлиқма сел саваб ўтар бир муддат
Даранглатиб айвондаги челакни.
Дув-дув ювар қатра-қатра бриллиант
Гилос кийган зумрад ҳарир кўйлакни.

Чўғ шуъалар учнади муҳташам,
Шўҳ бир лаҳза... боғлар, томлар оқ-кумуш.
Толзордаги эски инда дамба-дам
Тиричилаб гу-ғулайди она қуш.

Яшил ёнган кўзларида сирли туй,
Чақиллардан кўк чодри чилпора.
Дам ҳавода парпирайди оқ ёлқин,
Дам самони зулмат босар тижқора.

Ниғоҳимда чақилларнинг жилваси,
Қўлогимда гўлдурақлар каломи.
Булувларнинг бошим узра галваси —
Табиатнинг истиқболга саломи.

Кекса кўприк чўчиб тушар чақмоқдан,
Япроқчалар шивирлашар уйқусиз.
Табиатнинг шўҳ базмига йироқдан
Ҳавасланиб термулади бир юдуз...

Дунё экан, мағрур бошим
Маъюсликка гирифтор,
Маъюсликка йўқ бардошим,
Мағрурликка йўқ қарор.
Кўнглим айтар: қилма қайғу,
Аҳли шеър шуурсан.
Мағрурсанки, маъюсдирсан,
Маъюссанки, мағрурсан...

УФҚЛАР

Кўксингизда нур мавжи
Гоҳ қулар, гоҳи ухлар.
О кўзларим юнани,
Мовий жилло уфқлар.
Сиз қуёш севган соҳил,
Тўлиноининг ётоғи.
Вағрингизга туташдир
Вағрининг чаман боғи.
Онамнинг кўзларида
Кўрдим сизни илк бора.
Шундан меҳрингиз дилда,
Шундан дилим ошқора.
Мовий ойнангизга
Чиздим ёр суратини.

Сиздан сўрадим ҳар гал
Хаёлим улфатини.
Не кўрдим мавжингизда,
Мунча ёниб ахтардим?
Нечун термулиб сизга,
Тошди юракда дардим?
Гоҳо бир сирли оқшом
Умид сўрадим сиздан.
Тушди кўнгила илҳом,
Ҳисларим оқди кўздан...
Бир гал... ойдин саҳрода
От сурдим ола-тасир.
Парпираб рўпарамда,
Мени эдингиз асир.
Не сир кечди, ажабо,
Сеҳрингизми, уфқлар?
Кўз ташлаб кўнглим аро
Кўрдим сизни, уфқлар,
Сиз билан бўлди равшан
Орзу-омолим мевинг.
Гар босса сизни туман,
Не кечар ҳолим менинг?
Мовий қирғонингиздан
Шеъримга оқар шуъла,
Ватаним уфқлари,
Улпанам кўзларим-ла...

«Гулистон» календари

УСТОД ХОТИРАСИ



Николай Корженевский йигитлик ва кексалик даврларини география фанининг ривожланишига бағишлади. У ёш авлоднинг ватанини севиш, маърифатли мутахассис бўлиб етишиш, йил ўн икки ой мангу музликлар билан бурқалган тоғ сирларини ўрганишга ундади.

Н. Л. Корженевский 1879 йили 6 (18) февралда Витебск губернасининг Завережье қишлоғида хизматчи оиласида туғилди.

Н. Л. Корженевский мактабини битириб, Киев ҳарбий мактабига кирди. Уни тугатгач, ўзининг илтимосига кўра Ўш шаҳрига юборилди. Шундан бошлаб ёш тадқиқотчи биринчи марта ижодий ишга қадам қўяди. Унинг диққат марказида Ўрта Осиёнинг Шарқдаги улкан тоғлар Тянь-Шань ва Помирнинг табиати, иқлими, музликлари, дарё ва кўллари генетик жиҳатдан ўрнини каби гоёат муҳим илмий муаммолар турар эди. Чунки бу тоғлик ўлка ўша замонда тўла текширилмаган ва географик хусусиятлари тўғрисида етарли маълумотлар ва мукаммал хариталар йўқ эди. Жасур олим ўз ёшлик шижоатини шу масалани ечишга бағишлади.

У Амударёни сув билан таъмин этадиган ирмоқлардан энг каттаси бўлган Қизилсувга, Муксув ҳавзасига беш марта экспедиция уюштирди. Бир қанча катта музликлар (Мушкотлов, Фортамбек каби), баланд тоғ чўқилари (Карпинский, Евгения Корженевская каби), қатор довлонлари аниқлади. Помирнинг сернам районларидан бири бўлган Муксув ҳавзасидаги тадқиқот ишларига бағишланган табиий географияга оид маълумотларни ўзининг «Муксув ва унинг музликлари» номли монографиясида баён этди.

1905 йили Н. Л. Корженевский табиий манзараси ниҳоятда гўзал бўлган Олой водийсига борди. Олой тоғларининг шимолий ёнбағрида ётган музликлар билан қизиқди.

Чунки бу музликлардан бошланадиган дарёлар Фарғона водийсининг жанубидаги пахтазорлар, боғу бўстонларини сугоради. Корженевский «Исфайрамси ва унинг музликлари» номли китобида шу тадқиқот ишларига ажуан ясади.

1926 йили Н. Л. Корженевский мамла-

катимизда энг катта Федченко музлигини ўрганди. Унинг теварангдаги ҳали харитага тушмаган Карпинский, «Академия Наук» каби буюк тизма тоғларни ҳам текшириб, харитага туширди. Олой тизмаси ва Олой водийсига қилинган кўп йиллик илмий саёхат натижалари олимнинг 1930 йилда чоп этилган «Олой водийси» монографиясида таърифланди.

1918 йилдан бошлаб Н. Л. Корженевский Қизил Армия сафида Туркистон фронтинда хизмат қилди. 1920 йилда Ўрта Осиё давлат университети табиий геогра-

фия кафедрасига профессор қилиб сайланди. 1928 йилгача университетда дарё берди, ҳам армия сафида масъул вазифада бўлди.

Университетда Н. Л. Корженевский катта илмий ишлар олиб борди. У бир қанча йилриқ тадқиқот ишларига, илмий саёхатларга раҳбарлик қилди.

1927 йилдан то 1937 йилгача у Тошкент гидрометеорология институтини тақлифига биноан, Ўрта Осиёнинг олтин фонди — дарелар режимини ўрганиш учун Пском, Талас, Норин, Дардақ каби дарё водийларига борди.

У 1934 йили СССР Фанлар академияси ташкил этган Тожиқ-Помир илмий саёхатида иштирок этди. Бу саёхатнинг натижаси ўлароқ «Қоракўл кўли» монографияси яратилди.

Ўрта Осиёдаги тоғ музликларини кўп йиллар мобайнида текшириб чиқишдек мураккаб ва қийин вазифани ундайла олган Н. Л. Корженевский 1930 йили Ўзининг «Музликлар каталоги» номли қимматли асарини ёзди. Унда Ўрта Осиё музликларининг майдони, жойлашган ерлари, сони ва илмий жадвали берилган. Н. Л. Корженевский бу дароҳда табиий география кафедрасини тузди ва умрининг охиригача раҳбарлик қилди.

Илм-фан, таълим-тарбия соҳасида қилган самарали ишларини эътиборга олиб, ҳукуматимиз Н. Л. Корженевскийни икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва бир неча медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари билан мукофотлади. 1939 йили Н. Л. Корженевскийга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. 1947 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди.

У Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг географиясига доир 150 та илмий асарининг муаллифи.

У 1958 йилда вафот этди. Николай Корженевский чин инсон, аjoyиб мураббий эди.

Н. ДОЛИМОВ,

Тошкент Давлат университетининг доценти.

ҲАЗАЛ

Кеча анжум давра тутмиш
Тулган ой атрофида.
Суҳбат этмишлар муҳаббатда
Мурувват бобида.
Сен мурувватсиз эмишсан,
Эй муҳаббатлиғ пари,
Келмадиң ораста оқшомнинг
Сўлим маҳтобида.
Интизорлик учди гулларнинг
Муаттар оҳидан,
Интизорлик тошди булбулнинг
Ёниқ рубобида.
Гоҳ кўриндинг сув юзинда,
Гоҳ кўриндинг шуълада,
Гоҳ кўриндинг сояларнинг
Сийнаи қимҳобида.
Қуйди ёмғир, ювди дардимни
Тамом деб ўйласам,
Ҳасратим авс этди селларнинг
Кумуш ҳалқобида.
Эй Жамол, олам соғинчингдан
Хабар топди қуёш,
Қолди буткул мулки олам
Шуълалар гирдобиди.


Техника ва фан янгиликлари

КАНАЛДА ПОРТЛАШ

Мирзачўлликлар сув тўла каналда қаторасига гум-гум портлашларни эшитиб ажабланишди. Аммо нейин билишса, улар канал қирғоқларини шиббалашаётган экан. Ҳа, шундай сув портлаш натижасида канал қирғоқлари ва тагига зўр куч билан урилади, канал атрофини шиббалаб мустаҳкамлайди. Бу билан захкеш тупроқда сувнинг шимилиб кетиши бир неча бор камаяди.

ВИТАМИН ҲАВО

Машхур совет биологикакадемик Н. Г. Холодовский боғлар, ўрмонлар ҳавосини текшириб, шу нарсани аниқлади: ҳар бир кубометр боғ, ўрмон ҳавосида нишини зарарли микроблардан ҳимоя қилиш нобилиятига эга бўлган, ўсимлик, дарахтлар чиқарадиган фитонцидлардан ташқари бир неча миллиграмм витамин ҳам бўлар экан. Демак, дарахтзор, қўнламзорларда юришиниғ ўзи ҳам ниши саломатлигини яхшилар экан.



Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза мукофоти лауреати Чингиз АҲМАРОВ.

С. БЕЗНОСОВ фотосы.

БАХТНИ КУЙЛАГАН ОНАХОН

Фаргона водийси аёллари орасидан етишди чикдан зиёлилардан бири — Маҳбубахон ай Раҳим қизи хотин-қизлар овозлиги учун курашга муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакиллари.

Маҳбубахон Раҳим қизи Марғилон шаҳрининг Чангалчи маҳалласида туғилган. Пилла харид пунктида ишлаб юрган онаси — Орзихон сил касалига йўлиқиб, бевақт вафот этади. Маҳбубахон билан укаси Абдуфаттоҳ ямоқчи буvasи қарамонда қоладилар. Қиз эски мактабда зўр эҳтирос билан ўқий бошлайди. Айни ўқиш йилларида очарчилик бошланади. Ғўдаклар қийналмасин деб, 1918 йилда уларни Бухородаги ўғай акалариникига олиб бориб қўядилар. Улар шу оила билан Когон, Самарқанд, Тошкент шаҳарларини айланиб, яна Бухорога қайтадилар.

1919 йили Тошкентга кўчиб келишди. Шунда Маҳбубахон «Ватан» мактабиде биллим олади.

1922 йилнинг жазирама кунларидан бирида Марғилондан Маҳбубахоннинг буvisи оғир касал этганлиги ҳақида хабар келди. Шу хабар уни йўлга чорлайди. Марғилонда буvisи ип йигириб, калава сотиб рўзгор тебратаетганини кўриб: «Ишласам, ҳеч бўлмаса қизларга савод ўргатсам» деган фикрга келади. Бу фикрини буvisига айтганида, маъқул тушмайди. Бу гап қўшнилар кулоғига етади. «Шаҳримизга бир ўқимишли қиз келибди, асли марғилонлик». Биров уни келин қиламан деса, биров маҳаллада қизлар мактаби очилса-ю Маҳбубахон шу ерда муаллима бўлса дейди. Шундай яхши ниятли қўшнилардан бири — Ҳурниё Усмонов бир элик хат ёзиб киритади. қизнинг маълумоти, ихтисосини сурштиради. Маҳбубахон беш-олти синф ҳажмида маълумоти борлигини айтиб, жавоб ёзади.

1922 йилнинг қузида Ёгчи қори ҳовли-


сида ўғил болалар мактабиде қиз болалар учун бир синф очилади. Кўп ўтмай эркин меҳнат йўлига қадам қўйган ўзбек қизининг дарс баён этаётган овози жаранглайди. Ўқишни истаган қизлар кўпайгач, алоҳида қизлар мактаби очилиб, унга Маҳбубахон мудира бўлади. Аммо, буvisи уни узатиш ниятида. Қиз эса кўрмай, билмай турмуш қиялмайман деб оёқ тираб олади. Ниҳоят 1923 йилнинг бошларида Маҳбубахон замонасининг илгор зиёлиларидан Абдулазиз Шамсутдинов билан турмуш куради. Келинчак энди кечки савод синфларини ҳам ўқитади. Шундай қилиб, у дугоналар қалбига йўл топади. Шаҳар аёллар клуби мудираси лавозимига кўтарилади.

Айни «ҳужум» йиллари Ўрта Осие аёлларининг янги ҳаёт учун курашларидан илҳомланган Маҳбубахон ўн тўққиз-йигирма яшарида шеър машқ қила бошлайди. «Янги йўл» журналида «Қўйинг энди қувнасин», «Ер юзи» журналида «Ўртоғимга» сарлавҳали илк шеърлари босилади.

...1927 йилнинг куз фасли эди. Ўзбекистоннинг Москвадаги ишчилар факультети талабалари орасида қорачадан келган, ўрта бўйли, нозиккина аёл пайдо бўлди. Бу — Маҳбубахон эди.

1929 йилга келиб Ўзбекистонда олиқ мактаблар кўпайди. Москвадаги ишчилар факультети ҳам Самарқандга кўчирилди. Маҳбубахон ҳам Самарқандга келди. Ўзининг шеърлари билан газетхонлар оммасига танилиб келаётган бу аёлни редакция ишларига жалб этишди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида иш бошлаган бу ҳаваскор шоирани кейинчалик аёлларнинг «Янги йўл» журнаliga ўтказишди. Энди у болалар учун ҳикоялар ёзади, Сўнгра қиз-жувонлар мактабига мудиралиқ қилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Маҳбубахон яна мактабга қайтди. Бу орада чала



Маҳбуба РАҲИМ қизи.

қолган ўқишни давом эттирди, институтни тамомлади. Сўнги ўн йилда унинг кўпгина шеърлари матбуотда эълон қилинди. Меҳнат фронтида қарийб қирқ йил хизмат қилган, фаол жамоати Маҳбубахон Раҳим қизи ҳануз қўлда қалам билан бахтли ҳаётимизни мадҳ этиб, шеърлар битмоқда.

Саодат ШАМСИЕВА.

Маҳбуба РАҲИМ қизи.

Келинчакка

Кел, қўзим, жоним, сен энди ёриг ёнидасан,
Гул юзинг хўб тобланибди, ишқ тугёнидасан,
Толениг гунча очибдир, бахтлар уммонидасан,
Ахдларинг, орзуларинг-ла ёр бўстонидасан,
Яшна, бу ойдин чаманининг давру давронидасан.

Онла гулзориде сен ўзга бир дунё ярат,
Меҳру шафқатдан тизилган дур билан кўксинг ясат,
Ҳурмату сидку мурувват номига куйлар тарат,
Барча гуду гунчаларинг диққатин шунга қарат,
Чунки бу ойдин чаманининг давру давронидасан.

Сен бугун бўлдинг келинчак, эртага бўлдинг она,
Бу саодатли чаманда гулласин бахтинг роса,
Тушмасин бошинга ҳаргиз ғам ва қайғудан сол,
Қўлласин доим ҳаётда қалб етакчиси — ғоя,
Чунки бу ойдин чаманининг давру давронидасан.

Гулшаним боғида битган бир гули раъноси бўл,
Эл кучин ҳам қудратин, ҳам меҳнатин маъноси бўл,
Илм осмонига чирмашган қанот аълоси бўл,
Бахт оғушида, Маҳбуб, эл ишин шайдоси бўл,
Чунки бу ойдин чаманининг давру давронидасан.

Наврўз

Наврўзда табиат ажаб диливаз,
Кияди боғлар гул, чечак либоси.
Чертаман шунда ҳис торни этиб соз,
Қушлар ҳам куйлайди севиғ навоси.

Эслаймак, эслаймак умрим баҳорин,
Қайтмасин аjoyиб ҳис ила туйғу?
Қайтмасин ёшланим, ишқин камоли,
Қайтмасин ёр васли, чекканим қайғу?

Наботот ёз бўйи меҳнат-ла машғул,
Кузда у бурчини адо этаркан,
Қиш бўйи тин олиб ётаркан ҳорғин,
Наврўзда қайтадан гуллаб кетаркан.

Умримнинг баҳори ўтибдир билсам
Ва лекин дилимда муқаддае орзу:
Баҳордек сўзимга дур чечак нлсам,
Дер эдим, авлодга армуғондир бу...

Шикоят этма

Азизим, ҳажр ўтидан сен шикоят этмагин асло,
Юрак бағрингни чок айлаб, ўзингни йитмагин асло.

Бу турмуш бир баҳордир, доимо гулгун чаман
лишнар,
Саодат боғидан гул тер, чу гофил ётмагин асло.

Муҳаббат йўлчи юлдуздир, сени олга етаклайди,
Ёруғ бахтинг жўшар доим, бу йўлдан қайтмагин
асло.

Бу севиғ гулшанида офтобнинг қурига чўмдинг,
Вафо дунёсига нур сочмоғинг унутмагин асло.

Ҳаётбахш ишқ булоғидан қониб сув ичмаган билмас,
Ҳивас гирдобиде қайғу аламга ботмагин асло.

Вафо осмониде, Маҳбуба, юлдуздек жило этгил,
Вафосизга бериб қалбинг, вафони кутмагин асло.

Машина текис асфальтда визиллаб нетмонда, Манзил ҳали узоқ. Ҳалигина пионер лагерига машинада кетишларини эшитиб чапак чалган болаларни йўл зериктирди шекилли, дамба-дам «қачон етасиз» деб сўрашади.

Натта сой кўпригини сув олиб кетган эман, Шофёр ўтишга йўл излай бошлади. Соҳилга яқинлаган сари бўш шағал, тошлар машинанинг юришига халақит берарди.

— Аяча, сойни кеңиб ўта қолайлик, кўприк қидириб юрсанг кеңга қоламиз. Бу ерлар саёз, — деди Аброржон.

Малоҳат дугонаси билан бепарвогина гаплашаркан, «майли» деб рози бўлди.

Машина нишабор жойдан тошларга сирғалиб сойга тушди.

Малоҳатхон гапдан тўхтаб алангадди; атроф сув. Жон ҳолатда шофёрнинг елкасига туртди. — Аброржон, вой ўлмасам, нима қиласиз?! Шофёр далда берди:

— Аяча, қўрқманглар, тағи тош, саёз.

Машина тошларни гажур-гажурлашиб, силкина-силкина сой ўртасига етганида, Ботир сувга қарайман деб эшикни очиб юборди. Кабинага сув кирди бошланди.

— Эшикни бериктирилди, нима қилиб қўйдинглар! — деди Аброржон жаҳлланиб.

Кабина сувга тўла бошлади. Ҳамма кўриб кетди. Машина гилдираклари жойида айланар, борган сари нумга чўкарди. Аброржон машинадан тушиб, итариб кўрди. Силжитолмади. Глушителга сув тўлди шекилли, мотор ўчиб қолди. Шофёр ҳарчанд уринди ҳамки, мотор «ғиң» этмади.

Сой анча чуқур. Шофёрдан бошқа ҳеч ким сузишни билмасди. Уч бола, икки аёли соҳилга чиқариб олиш ўйи Аброржонни гангитиб қўйди шекилли, дам машинанинг олдига, дам орасига сузиб ўтарди.

Дод-фарёд, қий-чув бошланди. Бироқ ҳеч ким ердамга келмасди, колхоз далалари олисда эди.

Сув машинани охишта суриб кетар, у силкинган сари ойналардан сув тошиб кирарди. Уриндидаги болалар машина томини ушлаб йиғлашади.

Малоҳат пуфақден шишиб елкасига сурилиб қолган кўйлагини торта-торта қизчасини очиб эшикдан машина томига чиқазмоқчи бўлди. Шу пайт машина силкиниб, Лола сувга қулади. Малоҳат чўкиб бораётган қизча, сини кўриб, узини сувга отди. Замирахон Малоҳатни елкасидан ушлаб қолди. Шофёр шўнгиб бориб, Лолани тутди сой бўйига олиб чиқди. Қайтиб келиб, Малоҳатни олиб ўтиб, майсага ётқизди.

Аброржон Ботирни елкасига миндириб, Собирни кўлтиқлаб соҳилга олиб чиқганида она бе-хуш ётарди. Лола унинг кўзларини очмоқчи бўлар, тинмай йиғларди. Шофёр изига қайтиб, Замирахонни ҳам кутқариб чиқди.

Аброржон чопганича қишлоққа кетди. Замирахон Малоҳатни хушига келтирмаган деб, қилмаган иши қолмади. Собир билан Ботир совуқ қотганидан дир-дил титраб, онасининг оёқларини уқалоз, Лола эса гоҳ кўзларини йириб очмоқчи, гоҳ совиб қолган кўзларини нафаси билан иситмоқчи бўларди. Замирахон кўриқанини

сездирмаслини учун Малоҳатнинг бошини силаб ўтирарди.

— Ҳозир хушига келиб қолади, — деди у болаларни овутиб. Машина бутунлай чўкиб кетди шекилли, кўринмай қолди. Ой нурида сой жимирлаб, бир текис қониш қилади.

Алламаҳалда қоронғулидан чироқ кўринди. Аброржон топиб келган юн машинанинг нузови.

Замирахон билан болаларни, беҳуш Малоҳатни эса кабинетга чиқардилар.

Қишлоқ касалхонасида Малоҳатни икки ҳамшира забамблга солиб, ичкарига олиб киришди. Замирахон болалар билан қабулхонада қолди. Ҳамшира болаларга қуруқ инйини берди, хўлини қурутгани олиб кетди.

Анчадан кейин бош врач келди, везонани сўради. Замирахон айтиб берди. Шунда у:

— Бемор ўзига келди, — деди мулоим товушда — сиз болаларни лагерага олиб бординг. Машина берамиз. Лагерь узоқ эмас. Ушш ерда колхоз меҳмонхонаси ҳам бор, сиз ўша ерда тунаб қоли.

шимми? Бизни роса қўрқитдингизда. Энди тузукмисиз? — деди зўр-базур илжайиб.

Жавоб бўлмади.

— Малоҳатхон, яхшимисиз? — саволсини танроқлади.

Малоҳат қандай ётган бўлса, шундай ётаверди. У гўё эшитмасди.

Қодир Замирани имлаб чақирди. Унинг йиғидан қизариб кетган кўзларида ёш кўринди.

— Замирахон, Малоҳат энди гапирмасмиш. Каттиқ ҳалжондан асаби тормозланиб қолган дейишланти донторлар.

Замирахон Қодирга ишонмагандай Малоҳатнинг кўзларини силаб бошлади.

Малоҳат дугонаси томон ялт ўғирилди, безовта кўзларини Замирахонга тиниб, алланима де-моқчи бўлди, гапиролмагач, ўриндан турнишга уринди. Қодир уни охишта эстиққа ётқизди:

— Болалар ҳозир келишди, безовта бўлманг, ҳаммаси соғалмоқчи, — деганди, Малоҳат бир оз тинчланди. Салдан кейин Ботир, Собир, Лола кириб келишди. — Аляко, тузалиб қолдингиз.

онасига мурожаат қилганларида ундан имо-ишора эмас, сўз, овоз эшитишни куттишар, «барбир аямиз гапирари» деб ишоншарди. Баъзан Лола кўчдан ашула айтиб ёки бирон ўртоғи билан гаплашиб келаятган бўлса, уйига яқинлашгач, дарров овозини паясайтирарди.

Нима ҳам бўлди-ю Лола аясига эрқаланди кучоқлаб туриб:

— Аляко, нега гапирмайси, нега нулмайси, нега ҳар доим хафасиз? — деб йиғлаб юборди.

Малоҳат қизининг узун сочларини силаб, кўзларига чўқур изтиробда тинилиб тургач, юз-кўзларидан устма-уст ўпдиқни тирюлмасдан ётқонхонасига кириб кетди. Шу-шу Лола аясига бунақа хафа қиладиган савол бермай, диган бўлди.

Қодир уйига чўнган қайғу, сукунат кундан-кунга оиладагиларни эзаётганини сезиб юрарди. Ботир институтдаги имтиҳонларини топириб бўлгач, болалар билан бирон ёққа саёхат қилиб келишни уйлади.

Шоҳимардонга борадиган, Қўқонгача самолётда, у ёғига машинада кетадиган бўлишди.

Яхши вант, Пишиқчилик, Шоҳимардонда ҳаво салқин. Урин, олмалар гарр пишган. Саёхатчилар кўп.

Чодирни шундоқ тоғнинг бағрида нуқсувнинг бўйига ўрна-тишди. Катта-катта харсанг тошларни ювиб оқаётган зилло сув ором бахш этади. Баландлиқдан шариллаб оқаётган оқсувнинг овози ичкисини ваҳимага солади. Кечалари салқин, кундузлари хуш ҳаво.

Лола ҳамма ёқни шу кунёқ кўрмоқчи, тиниқ ариқда чўмилмоқчи, Хўли Хуббонда ўз аясини томоша қилиб ўтирмоқчи. Дадасининг «қўй, эртага чиқамиз» деганига ҳам қулоқ солмай, аясини судраб Ҳола маъбарасига чиқариладиган баланд пилла-повлардан чоқиллаб кетди. Сўнг сурмаси оқиб ётган тоғ тепасини томоша қилгиси келди. Малоҳат қизининг кўлидан етанилаб, Жаннат ариқча борди. Лола аял-тапил кийимларини ечиб ариқ бўйидаги яллизларни ёриб сувга тушди. Ҳамма ёқни яллиз хиди тугиб кетди. Муздек совуқ сув баданларига тегиши билан йиқиниб, санраб-санраб сувдан чинди. У обғини тошга кўймоқчи бўлган эди, сурилиб кетди, нўз очиб юмғуча ўтган фурсатда Лола тош билан бирга паства қулади. Унинг шўхликларини, қувониб қийқиришларини ҳавасланиб кузатиб турган Малоҳат жон ҳолатида жарниқка интилди: — Лола!


Унинг овози тоғларни ларзага солди. Она шох-шаббага илиниб турган қизига ёпишди.

Шу замон бутун олам шундай равшан, ҳаёт шундай ширин бўлиб кетдики, она-бола зўрга илиниб турганларидан ҳам хурсандлик эдилар. Улар тупроққа юрилик, бири-бирини суяб харсангга чиқиб олгач, узоқ йиллардан берди энди қуришавтган дўстларден кучоқлашиб туришарди.

Малоҳат:

— Лола, қизим, жоним, азизим, онанг ўргилсин сендан! — деб неча марта қайтарар, қизининг юз-кўзидан, кўзларидан ўпар, бағрига босганича ёшли кўзларини ундан узолмасди.


Лола нутқилмаган бу бахтни қилга сиздирилмай, саросима бир қийфада онасини икки кифтидан чангаллаб турарди.



ОЛМОС



ВОҚЕА



шингиз мумкин, Дугонангиздач хавотир олманг. Қолганини эртага гаплашамиз... Ҳа, айтгандай, беморнинг уй телефони борми? Айтсангиз, эрига хабар қилсан.

Замирахоҳ телефон номерини берди. Кетатуриб: — Донтор, Малоҳатхонни чўриб чиқсам майлими? — деб сўради.

— Ҳозирча кераги йўқ, Беморга тинчлик керак. Эртага кўрасиз. Хайр, — деди-да, шошилдиб чиқиб кетди.

Замирахон эргасига касалхонага келганида Малоҳатнинг эри Қодир оқ халат кийиб каравоти ёнида ўтирарди. Унинг қизарган, гамгин кўзлари қандайдир ёмон ҳодиса рўй берганига ишора қилиб турарди.

Малоҳат кўзларини қақчайтириб ётарди. Юзлари сўлғин, сочлари парилоқ, узоқ ётган касалдек эди.

Замирахон дугонаси бошига бориб:

— Уртоқжон, аҳволингиз ях.

ми? — деб бирин-кетин ҳол сўрай кетишди.

Малоҳат фарзандларини кучоғига олиб, бир-бир тикилди, лекин ҳеч нима демеди.

Врачлар Малоҳатга кўп дори-дармонлар қилишди, бўлмади. Шу зайдла йиллар кетидан йиллар ўтиб бораверди. Ботир мактабни тутганди. Собир санкизинчиғи, Лола эса бешинчи синфга ўтди.

Қодир болаларига қараб хурсанд бўлса, раффисига қараб ич-ичидан нуйинарди. Лекин хафалигини ҳеч нимга билдирмасди, гўё ҳаётдан маннун киши сингари аввалгидек ҳамма эътиборини Малоҳатга қаратарди. Ишдан келгач, Малоҳатнинг соғлигини сўради, янгиликларни, кўча-кўйда кўрганларини сўзлаб берарди. Малоҳат имо-ишора билан эрига у-бу гапларни туншунтирган бўларди.

Аммо болалар уйларига чўтган қайғули осойишталиқдан аввалги кулгу, аввалги файз йўқлигидан сиқилишарди, ҳар гал

Ҳамидаҳон ишдан қайтишда боғчадан қизчасини олди. У ниҳоятда шошаётганидан боласининг қадам олиши асабини бузарди. Ҳамидаҳон қизчасининг бир қўлидан ушлаб, судрагандай олиб кетар, қизча бўлса йўлда ўтуланларга, чумчуқларнинг живир-живирига маҳлиб бўлиб атрофга жовдирарди. Она бунинг сезмасди.

— Ойи, лолацизгалдоқ! — қизча онасининг қўлидан чиқиб, ариқ лабига югурди.

— Нигора! — Ҳамидаҳон жаҳл билан бориб унинг қўлидан ушлаб олди. Яшил кўкатлар ичиде ловиллаб турган кичкингина лолацизгалдоқ омон олди. Нигоранинг кўзига жиқ ёш тўлди. У онасига дам-бадам қараб, муштининг орқаси билан кўзларини артар, хўрсиниб-хўрсиниб қўярди.

Ҳамидаҳон ишдан қайтаётиб бозорчага ҳам кирган, суммаси тўла нараса. Бир томондан сумманинг оғирлиги билан бигиз пошна туфлида юриш азоби, иккинчи томондан қизчининг имиллаши, уни ҳолдан тойдирган эди. Эртага дам олиш кунини. Иши бошданда ошиб ёттибди. Уй йиғиштириши, кир юзиши керак. Яна идорасининг ишлари! Бир аспирантнинг қўл ёзмасини ўқиши, бунинг устига ходимлардан бирининг уйига ҳам бориши керак. Эрхотин ўртасида гап ўтибдими, хотини ариза берибди. Ишхонадагилар ҳам келиб-келиб Ҳамидаҳонни комиссия қилиб қўйишди.

Она-бала стақлашиб ҳовлига киришганда тахталардан алланарса ясаётган ўғли югурди келиб, сумкани онасининг қўлидан олди. Водопровод жўмрағи олдида артилган картошкаларни юваётган оппоқ сочли кампир бошини кўтарди.

— Келдингизми? Қизариб кетибсиз.

— Чарчадим.

Ҳамидаҳон уйга кириб кийимини алмаштириб чиқди. Қизини ечинтириб унга ҳам бошна кийим қийдириди. Нигора онасининг зардали юзига қараб-қараб қўйиб, секин-секин акасининг ёнига борди.

— Қоч! Тахта тегиб кетади.

Нигора мовдираб нари кетди. Нима қилсин, кўғирчоқ уйнасинми, кун бўйи боғчада уйнадику. У ерде ўртоқлари жуда кўп. Боғча аяси бирәм яхшики, нима сўраса қулиб жавоб беради. Соқларини тараб лентасини киройли қилиб тақиб қўяди. Эртанлар айтиб беради, уйин ўргатади, бирга ашула айтишадди. Ойиси бўлса доим бошқа ишларни қилади. Боғчадаги битта ўртоқининг ойиси эртанга жуда уста эмиш. Нигоранинг ойиси эртан билмаса керак. Кечкурун Нигора ухлашга ётганда бирәм эртан эшитгиси келадими, ойисига қараб-қараб қўйди-ю, сўрай деса, ойиси столга мунча тушиб ё бирон нараса ўқибган бўлади, ё ёзиб ўтиради. Нигора унинг бўлашини пойлаб-пойлаб ухлаб қолади. Нигоранинг ҳовли ўртасида туриб юлганини кўриб бувиси ўзича гудранди:

— Тавба, муштдек туриб ўй ўйлашга боло борми?! Қайси болаларига етказолмапйти бу тирранча! Ҳой Нигора, кўғирчоғингни уйнасанг-чи! У нима туриш?

Бувиси рост айтди. Кўғирчоқ уйнай қолсин. Анави сарик сочли кўғирчоғи бирәм яхшики, қулиб туради. Кигринларини пир-пиратиб ҳам қўяди.

Нигора кўғирчоғини олмоқчи бўлиб уйга кирди.

— Оёгингни арт! — пол юваётган Ҳамидаҳон бошини кўтарди. Юзи қип-қизариб бўртиб кетган, тер ялтирарди. — Яна, яна, яхшироқ арт! Нигора ҳўлт латлага оёгини сурнак-сурнай сенин ичарига ўтиб кетди. Бир оздан кейин дадаси Ҳанимжон ишдан қайтди. У ҳам чарчаган кўрнарди. Кийимини алмаштириб юванди-да оппоқ сочича юз-кўзларини артаётиб қозон бошида куймалашаётган ойисидан сўради:

— Овқатинглар тайёрми?

Сал ўтмай Ҳанимжон стол атрофига тўпланганиди. Гувиллаётган кир машинаси тўхтади. Ҳанимда ҳам қўлларини ювиб келиб қаторга қўйишди. Ҳанимжон шошиб-шошиб овқатланди-да, чой ҳўплай туриб хотинига қаради.

— Эртага лолага чиқамизми?

Нигора ялт этиб ойисига қаради. Кўзига ҳали йўлда узолмай қолган лолацизгалдоқ кўриниб кетди.

— Вақт қаёнда дейсиз. Қўл ёзма ўқишим керак... Нимлар чиқишмоқчи?

— Қодиров тақлиф қилган эди. Борадиган бўлсан кўғирчоқ қилиб қўйиш керак.

Лола Сайри



ҲИКОЯ

— Узингиз борақилган.

— Бир ўзим нима қиламан?

Нигора бир ойисига, бир дадасига қарар, шундай анойиб уйинга бормаётганларидан ичиде хайрон бўларди. Лола роса кўп бўлса керак. Қайси кунини боғчаларидаги бир бола кучогини тўлдириб келди. Боғча аяси гулдонга солиб қўйди. Бирәм қип қизили...

Овқатдан кейин Ҳамидаҳон чала қолган кирларини ювишга туриб кетди. Анаси дарс тайёрлашга ўтирди. Бувиси бўлса идич-товонларини йиғиштирарди. Нигора бир оз кўғирчоқ уйнади. Кейин уни «ухлатиб» қўйди-да, яна нима қилишини билмай онасининг орқасига бориб нитобига термиллиб турди.

— Қоч! Мунча пишиллайсан орқамда ҳадеб. Тогора кўтариб кирларни ёйгани чиқиб кетаётган Ҳамидаҳон қизининг бўшашиб орқага тисариллашга кўзи тушди.

— Халақит берма ананга, — деди. Ленин унинг овозида маҳл, буйруқ эмас. юмшонлик, меҳрибонлик бор эди. Нигора ақсининг кетидан ҳовлига чиқди. Дадаси стулда газета ўқиб ўтирарди. Газетадаги гуллаётган ўрин шохини эғиб турган қизининг сурати Нигоранинг диққатини тортиди. У дадасининг ёнига бориб сенин газетанга бўлайди.

— Нарн тур! Кўғирчоғингни уйнасанг-чи! Кир ёётган Ҳамидаҳоннинг кўзи қизининг башарасига тушди-ю, юраги алланечук бўлиб

кетди. Нигоранинг кўзигаги зериниш, тортиниш, ҳатто ётсирашга ўхшаш ифодалар Ҳамидаҳоннинг юрагидеги меҳнат, вақт зинлиги тағдида қолиб кетган оналик муҳаббатини суғуриб юзига олиб чиқандай бўлди. Шу пайтга қадар боласининг кўзига яхшироқ қарамаган эканими?.. Эрталаб ширин уйкусидан уйотиб боғчага олиб кетади. Кечкурун диққатлаб яна олиб келади. Кейин ўзи юмуш билан овора бўладию, қизининг ухлаганини пайқаб қолади. Уринини ҳам бувиси тўғрилай беради. Нигоранинг саволларига жавоб бериш, у билан эзма-лонанинг гаплашишга дадасининг тоқати, сабри йўи, онасининг бўлса вақтни етмайди. Фақат бувисигина у билан гаплашадди. Эртан айтиб беради. Бир кунди ана шундай эртан айтиб бераётган пайтда Ҳамидаҳоннинг кўлголига: «Подшонинг қизи ҳомилардо бўпти» деган жумла чалиниб қолади. Юраги шиг этиб кетди. Эртасига кампирга сенингина, унақа гапларни ҳали бунга айтманг, деган эди, кампирнинг энасиси қотди. Билганини айтганда, газета-дадасини қаердан оламан, деди. Ҳамидаҳон нима ҳам дея олади. Кампир ҳам боладен бўлиб юлган. Бир вақтлар Ҳамидаҳон романлардан княгиняларнинг ҳаётини ўқиб юлган эди. Фақат туғишни билар экан булар. Биров эмиша, бошқа биров тарбия қилса. Бу қандай она бўлдики, туққан боласини эмизиб маза қилма, са. Мунчоқ кўзини кўзинига тикиб, оппоқ кичина қўлчаларини қўзиб ёқангни тортиқлайди, бўйининги чимчилайди. Энди тиши чиқиб келатганда-чи. Жонинг органини билмай оғиздан сўт оқизиб қулади. Буларнинг ҳаммаси оналик бахти, роҳати эмасми. Ҳамидаҳон бундоқ ўйлаб қараса, ўзининг ҳам ўша килгиняларга етиб қолишига озгина қолди. Ахир қизчаси кун бўйи боғчада, уни бошқа бир аёл овқатлантиради, ухлатади, ювинтиради, эртан айтиб беради, уйинчоқ уйнатади. Ҳамидаҳоннинг юрагиде рашича ўхшаш ҳаляти бир нараса қўзғайди. У энг катта роҳатдан, энг катта масъулятидан, оналик бахти, оналик лаззатидан йироқлашиб кетганини сезган эди.

Ҳамидаҳон кирини ювиб бўлгунча боши калдан бўшамади.

Ҳанимжон бир даста газета-журналларни бошига йиғиб олиб дивандага газета ўқиб ётарди. Нигора кўғирчоқ ясаб билан овора. Унинг енида бувиси тасбеб уғириб муараб ўтирибди. Уғли ҳам аллақандай нитобга мунча тушган. Ҳамидаҳон стол ёнига келиб бугун ўқимочки бўлган қўл ёзмасини титқилади. Лекин, унинг назари ҳам, ўйи ҳам қизда эди. Нигора кўғирчоғини қўйиб эснади. Атрофга жовдирганча индамай ўтириб қолади. Ҳамидаҳон қўл ёзмани нари суриб қизининг ёнига борди.

— Кўғирчоғингни ухлатдингми? — деди унинг сочларидан силаб. Нигора аввал ҳеч нараса тушунмаётгандек онасига қаради. Кейин калласини қимирлатиб жилмайди.

— Узинингн ҳам уйиниб келдимми?

— Ҳим...

— Бирга ухлайликми?

— Мен билан-а? — Нигоранинг кўзлари порлаб кетди. — Ая, эртан айтишни билмасизми?

— Биладан.

— Айтиб берасизми?

— Айтиб бераман. Жуда кўп айтиб бераман.

— Ростдан-а?

— Ростдан.

— Ая, лола сайрида лола кўп бўладими?

Ҳамидаҳоннинг кўзига яроқ этиб йўлда, кўкатлар орасидаги лолацизгалдоқ кўринди.

— Кўп бўлади, қизим. Жуда кўп бўлади, — у эрига ўғирилди. — Ҳаним ака, Қодировга кўғирчоқ қилиб қўйинг, лолага чиқамиз.

— Кеч бўлмадим, — деди Ҳанимжон пўнғиллаб.

— Ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Шу пайтда ухлашаримди. — Кейин қизининг юз-кўзларидан ўлиб эрилатди, — қизимни лола сайридан олтиб чиқаман. Роса лола терамиз. Юракю, эрта туриш учун эрта ухлаш керак-да.

Нигора уйку дарганин эшитиб, эртан айтиб бермасиндан деб ўйлади шенилли, яна сўради:

— Эртан айтиб берасизми?

— Албатта.

— Лолалар ҳақида эртан биласизми?

— Биладан. Лолалар ҳақида, гуллар ҳақида, қушлар ҳақида.

Ҳанимжон Қодировга кўғирчоқ қилаётганда ичкари хонадан Ҳамидаҳоннинг нималарнидир гапиряётгани, Нигоранинг эса қиқирлаб кулаётгани эшитилиб турарди.

Ибн Сино Утлари

Бекободлик врачлар ва табиатшуослардан бир гуруҳи «Ибн Сино китобида учрайдиган баъзи ўсимликларнинг ҳозирги вақтда бор-йўқлигини, қаерларда ўсишини билгимиз келади» деб ёзишбди. Шу муносабат билан медицина фанлари кандидати Сайфиддин **ФАХРИДИНОВ**нинг мақоласини ёритамиз.

Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ўша давргача яратилган тиббий китоблардан энг аълоси эди. У тахминан 1020 йилларда ёзилган. Беш жилдан иборат бу буюк асар кўпгина тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шаршшонослик институти олим туғилган кунининг 1000 йиллик тўйига «Тиб қонунлари»ни ўзбек ва рус тилларида нашр этди. Асарда жумладан доривор ўсимликлардан қандай, қай ҳолатда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилди. Ибн Сино текширган, тавсия этган айрим доривор модда ёки ўсимликлар ҳозир ҳам амалда қўлланадиган келинган бунга мисолдир. Шулардан баъзиларини кўриб ўтамиз.

ЗАЪФАРОН (*crocus sativus* — шафран) кўп йиллик, пиёзли ўсимлик. 8—25 сантиметргача ўсади. Сентябрь-октябр ойларида гуллайди. Гуллар бўлгач, чизик-чизик барг чиқа-



ради. Гули йирик. 1—2 дона бўлиб, хушбўй хил аниқ туради. Меваси узунчоқ, учбурчак кўтгача ўхшайди. СССРнинг Озарбайжон ССР (Боку районида), Доғистонда, Қримда маданий ҳолда ўстирилади. Пиёзчасини экиб кўпайтирилади.

Ибн Сино заъфарондан сийдик рангини солиштиришда (ўхшатишда) фойдаланган, шунингдек юракча таъсир қилувчи дориларга қўшиб ишлатилса, ўша дори керакли азозга тезроқ етиб боришини айтган. Заъфаронда оғриқ қолдириш, ишнини йўқотиш хусусияти бор. Уни ичганда кишининг ранги тозаланади.

Халқ табобатида заъфарон оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ҳамда юрак, йўтал, кўкиўтал, асаб касалликларини даволашда, овқатни ҳазм қилдиришда ишлатилган. Бунинг учун гулнинг оналик қисмидан икки чой қошиқ олиб ярим стакан сувга солиб, бир соат давомида дамланади, сўнгра уни сузиб, бир-икки ош қошиқдан кунига уч-тўрт марта ичилади. Заъфарон ҳозирги вақтда тиббиётда кам қўлланилади, асосан, озиқ-овқат санаотида ишлатилади.

БАЛАЗУР (*semecarpus anacardium*) Ибн Синонинг кўрсатишича, Хиндистон меваси бўлиб, мазали мағиз бор. У сўғал ва бошқа тери яраларини кетказишда, асаб толаларининг бўшашини, умумий фалаж ёки юз асаби фалажини тузатишда фойдаланилади.

Балазур асли заҳарли мева. Машҳур араб тарихчиси Балазурни ундан заҳарланган, эсини йўқотиб, тутқаноқдан ўлган. Шундан кейин бу ўсимлик унинг номи билан аталиб қолган.

НАВИЗ ШАРОВИ (бўза) Ибн Синонинг таърифича, кўпинча асал ва шу сингариларга қўшиб ишлатилади. Масалан, болаларнинг киндик ярасини тузатишда, сувга аралаштириб кустурувчи модда сифатида, анор илдизни пўстлогидан қилинган толқонга қўшиб гижжа ҳайдашда қўлланиш мумкин.

НОРЖИЛ ЕНГОҒИнинг мойи (араблар «ҳинд ёнгоғи» деб аташган) тизза ва бел оғриганда суртилса фойда қилади. Шунингдек ичакдаги гижжаларни ҳайдайди.

ЗИФТ қатрони, Ибн Сино таъбирича, икки хил бўлиб, қора ранглиси денгиздан, қуруқликда эса ўсимликлардан,



кўпинча игнабаргли дарахтлардан олинади. У тирноқдаги оқ доғни йўқотади. Оёқ-қўл ёрилганда суртилса тузатади, соч тўкилишини тўхтатади, сочнинг ўсишини тезлатади; қаттиқ шишларни юмшатади; учуқнинг кўпайишига йўл қўймайди, асалга қўшиб суртилса темирраткини йўқотади, яралардаги йиринг-фасодни чиқариб, тез тузатади. Зифт тутунни кнпрликларни ўстиради, кўзни ўткирлаштиради. Томоқ оғриқни босади. Ичак, бачадонда қаттиқ шиш пайдо бўлганда зифтдан сурғи сифатида фойдаланиш мумкин. У турли заҳарларнинг кучини қирқади, илон чаққанда суртилса фойда қилади.

ХОТИНАК СУПУРГИ — келин супурғи (*Diarthron vesiculosum* мен С. А. мес). Арабча номи кантарунун-кабир. Бир йиллик ўсимлик бўлиб, 25—30 сантиметр ўсади. Барглари кетма-кет жойлашган, чизикли, гуллари майда сийрак. Гулқўрғони оддий, косасимон, тўртпarrакли. Меваси қуруқ. Май-июнь ойларида гуллайди; август-сентябрь ойларида ҳосил беради. Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғ ён бағирлигида ўсади.

Ибн Сино балғамни чиқарувчи ҳаб (пиллола)ни хотинак супурғи қайнатмаси билан ичшини тавсия қилади.

Халқ табобатида безгак ва ошқозон касалликларини даволашда қўлланилади. Унинг қуюқ қайнатмаси иштаҳани отади, овқатни яхши ҳазм қилдиради.

МОЗАРУН (*Daphne mezereum*) — ярим метрдан бир ярим метргача ўсади. СССРда унинг ўн саккиз хили бор. У кўп йиллик ўсимлик бўлиб пояси тўғри, кул ранг, пўстлогини буршиган. Тўқ-яшил, узунчоқ барглари шох учларида сийрак жойлашади, гуллари тўқ-пушти, хушбўй, барг чиқарган жойдан гул ҳам чиқаради. Гулқўрғони оддий, найчасимон, тўртпarrакли эгилган бўлади. Меваси сувли, қизил тухумсимон маймунжонга ўхшайди.

Ибн Сино унинг терини ўювчи сафро ва сийдик ҳайдовчи хусусиятлари борлигини айтган. Тери касалликларини ва яраларни, қонталаш (момата-лоқни) даволашда асал билан қўшиб малҳам сифатида ишлатган. Заҳарли ҳашаротлар чаққанда шароб билан ичилса ёрдам беришини ёзган.

Халқ табобатида бу ўсимлик меваси ёки пўстлогининг шарбатини спиртга аралаштириб, суртки дори сифатида сурункали бодга қарши ишлатилган, фалажини даволаган. Шунингдек пўстлогини толқонлаб илон, чаён чаққан ёки қутурган ит тишлаган жойга малҳам қилинади.

Мозарун ҳашаротларни ўл-

дириш хусусиятига эга. У заҳарли. Шунинг учун эҳтиёт бўлиб қўллаш керак.

ТЕМИРТИКАН (*Tribulus terrestris*) пояси кенг ёйилиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари 6—8 жуфт, узунчоқ пўпанак тукли, гуллари майда бўлиб, барг бағрига жойлашган. Гулбарги оғриқни ёки сариқ, меваси бешбурчакли, бешта тиканли қисмга ажралган, май ойлдан то кўзга гуллайди. Ўрта Осиёнинг ҳамма жойларида — тупроқли, шўрхок, қумли ерларда, паст текисликлар ва сугорилидиган ерларда учрайди.

Меваси эфир ва мой ҳамда А витаминга бой, Таркибида ишқор топилган. Заҳарли. Қўй ва эчкиларни заҳарлаб, қишлоқ ҳўжалигида бирмунча зарар келтиради. Таносил аззолари йиринглаганда, сара қилиш қийинлашганда темиртикан мевасини қуритиб, толқонлаб чекналади; кучли биқин оғригида дамлаб ичилади. Илдизини судта қайнатади, безгак дармонсизланган кишиларга қувват дори сифатида ичирилган.

ИХРОЖ, ЖОНОН. Ўзбекча — сариқ чой, тоқичка — зарбош, қозоқча — айиқ оқдориси деган ўсимлик арабча фарфион номи билан юртилади.

Ихroj кўп йиллик ўт. Иттифоқимизда юз эллик тури мавжуд. Кўпчилиги заҳарли.

Ибн Сино бу ўсимликнинг кўпчилигини сурғи дори сифатида, баъзиларини эса бод, куймич асаби шамоллаганда ҳамда бўғинлар оғриганда ишлатган.

Ихrojнинг айрим хиллари бод, гижжага қарши, сўғал, қадқоқ ва турли доғларни йўқотишда қадимдан қўлланилган. Шарқий Сибирда ўсадиган тури эса жень-шень сингари кишига дармон киритади.

АБУЖАҲЛ ТАРБУЗИ — икки хил (*Byonia alba* *ZB dioica* Jacq.) бўлиб, кўп йиллик ўсимликдир. Бунинг қозоқча номи сиртдан, туркманчаси андиз, арабчаси эса ханзадир. Илдизи кенг, шолғомсимон, гўштдор. Панжасимон парракли гади-будир барглари кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, сарғимтирроқ, беш бўлакли гулбарглари бир-бирига қўшилган, бир жинсли. Июнь-июль ойларида гуллайди. Баъзи хиллари заҳарли. СССРнинг Европа қисмида, Қрим ва Кавказда, шунингдек Ўрта Осиёда учрайди. Полз ва уй атрофларида ёввойи ҳолда ўсади ёки манзарали ўсимлик сифатида кўпайтирилади.

Илдизи табобатда фойдаланилади. Жавҳар ёки шарбати оғриқни босади, қон оқшини тўхтатади, йўтални юмшатади. Қадим замонларда одамлар бод



карни силкитиб йиштириб олади ва истеъмол қилади. Табиблар уни болалар ич огриққа учраганда сурги сифатида ишлатишган. Ибн Сино янтоқ шакарини чечак билан оғриган болаларга сурги дори сифатида бермаслик кераклигини уқтиради.

Янтоқ баргидан терлатадиган, ич сурадиган, сийдик ҳайдайдиган шарбат тайёрланади; илдиздан тайёрланган қуюқ бўтқа эса бувасилни, ячдан кўп қон кетишни даволайди.

Ибн Сино таранжабин йўтални тўхтатини, кўкракни юмшатиши, чанқоқни босишини таъкидлайди.

АНГУЗА. Ўзбекча — сассиқ қаврай, форсча — ҳиндибалбўй, арабча — хилтит, қирғизча — сассиқ-қурай, қozoқча — асандр, русча — ферула воночая. Бир-бир ярим метр бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Илдизи шолғомсимон бўлиб, йўғонлиги ўн беш сантиметрга етади. Пояси тик, йўғон, ичи қавак ўсиб,

юқорироқдан шохлаб кетади. Илдиэ олди барглари бандли, уч марта ажралган, барг бўлаклари чўзинчоқ. Поя барглари майдароқ, ташқи томонни туқли. Хиди сассиқ. Март-апрель ойларида гуллайди. 8—9 йилда бир марта мева бериб қуриydi. Ўсимлиكنинг ер усти қисми фақат олти ҳафта яшайди. Ўрта Оснб сахролари — Қорақум, Қизилқумда ўсади.

Ибн Сино китобида бу ўсимлик анжудан илдиэи — махрус, қатрони эса хилтит деб аталган. Хилтит қонни суюлтиради.

Сассиқ қаврайни талқонлаб, нондек пишириб истеъмол қилинса сўғални йўқотайди, соч тўкилишини тўхтаатади, қайта соч чиқаради. Чипқон ва ёмон шишларни даволайди. Сув билан ичлиса йўтал, томоқ касалликларини тузатади. Бу ўсимлик сийдикни ҳайдаш, бўғинлардаги огриқни йўқотиш, ошқозонни мустаҳкамлаш, иштаҳани яхшилаш хусусиятига эга. Сариқ касали ва безганга даво.

Хилтитни илон, чаён, қоракурт чаққанида, ит тишлаганида ичилади ёки тишлаган жойга суртилади.

БАХМАН. Бу ўт, Ибн Сино таърифича, юрак ва ишига даво. Баъзи олимларнинг айтишларича, равоч бахманнинг илдиэи бўлиб, Хитойда ўсармиш ва у ердан бошқа ерларга олиб келтирилармиш.

СОВСАН (Jris Alberti pgl) Гулсафсар. Бўйи 80—60 сантиметрга етадиган кўп йиллик зийнатли ўсимликдир. Майиюнь ойларида гуллайди. Ер юзининг кўп жойларида, бизда

ва Иттифоқимизнинг кўп ерларида гулсафсарнинг уч хилли мавжуд.



Ибн Сино айтишича, совсан мойи шишларни юмшатади, йўқотайди, йирингни тўхтаатади, огриқни қолдиради. Илдиэполи сенкилни, қонталашган жойни, юздаги буришларни йўқотайди. Баргини шаробга аралаштириб, чипқонга ёки шиллиқ парде остидаги шишларга боғланса фойда беради. Шунингдек, иссиқ сувга аралаштирилгани куйган жойга қўйилса анча тозалайди ва қуритади. Яра ёки жароҳатларни даволаш учун гулсафсар шарбати тайёрланади.

САИФИДИН

ФАХРИДИНОВ,

медицина фанлари кандидати:

ва сариқ касалини даволашда ишлатишган.

Ибн Сино бу ўсимлик илдиэдан олинган мойин ҳориганда баданга суртишни тавсия этган.

ЯНТОҚ-ШАКАР ёки **ЯНТОҚ** (Alhagi persarum Bcisset Bge) Бўйи бир метр йўғон илдиэли ўсимликдир. Поя ва шохлари яланғоч. Поясида тўғри, бақувват тиканлари бор. Чўзинчоқ барглари сийрак жойлашган. Гуллари қизил ёки пушти рангли. Ингичка, лўвия пўсти ичида 4—5 майда дони бор. Ўрта Осбннинг жанубий қисмларида, Ўзбекистонда — Чироқчи ва Косон районларида кўп ўсади.

Езда барг ва шохларидан қўнғир сариқ, ёшиқоқ, шприн суюқлик ажратади. Буни адабийтда «манна», халқда — «янтоқ-шакар», табиблар тилида «таранжабин» дейилади. Одатда, маҳаллий аҳоли янтоқ-ша-



Журналхонлар билан суҳбат

ОТАМИЗНИ ИЗЛАЙМИЗ

Ҳурматли бош муҳаррир! Менинг ушбу хатимни журналнингизда эълон қилишингизни нудая-нудая ўтиниб сўрайман. Ҳаммага маълумки, ҳар бир инсон учун, айниқса биз каби ёшлар учун ота-онадан қадрлироқ кимса бўлмайдди. Ох, минг афсуски, мен ва укам отамиздан, қариндошларимиздан тирик айрилганмиз, бунга лаънати уруш сабаб бўлган.

Воқеани бир бошдан айтиб берай:

Мен — Каримжон Олимов 1940 йилда, укам Ёқубжон Олимов 1942 йилда туғилганмиз. Аммо қаерда дунёга келганлигимизни билмаймиз. Негаки, отамиз урушнинг бошидаёқ жангга кетганлигини сал-пал эслаймиз. Онамизнинг исми Насрихон эди. Бувимиз аллақаерда ишлариди-да, ҳар кун иностриюлда суюқ овқат олиб келарди. 1947 йилда онамиз, бувимиз вафот этишганини биламиз. Орадан бир ой ўтараўтмас бизни бир оқсоқол чол Тошкентдаги 3-болалар қабулхонасига топширган. Уша оқсоқолнинг уйда Саврихон деган қизи, Рустам, Ортин, Муслим деган ўғиллари бор эди. Бизникига катта кўчани келиб ўтиб, ўнг гомондаги ҳовуз ёнидан кирилганда, икки бурилишдан кейин ўттиз метрча узунликдаги тунелга ўқшаш йўлдан бориладик. Хадича опа деган қўшимиз бор эди.

1947 йилда мени Чуст районидидаги Гова болалар уйига юборишган, укам Ёқубжон эса Тошкентдаги 4-болалар уйида қолган. Гова болалар уйининг аввалги директори Мария Михайловна, сўнг Совет Иттифоқи Ҳахрамони Фаёзовни эслаймиз. 1949 йили бўлса керак, Мария Михайловна болаларни сафга тортиб, «Каримжон Олимов ким?» деб сўради. «Мен» дедим. У мени яхши кийинтириб, гаштун тақдириб, Чуст марказига олиб келиб суратга туширтирди. «Сизни қидиришяпти экан» деди. Аммо кимлигини билолмадим, эхтимол, отамдир.

Сўнг мени 1951 йилда Тошкентдаги 11-хунар билим юртига (ўқимачилик комбинати рўпарасида) юборишди. Укам Ёқубжон Урсатевсидида хунар билим юртига кирди. У ҳозир Тошмен Тўқимачилик комбинатида ишлапти.

Эхтимол, ушбу хатни отамиз (агар у урушдан омон-эсон қайтган бўлса), қариндош-уруғларимиз ўқиб, бизни таниб олишар. Агар уларнинг топсан, бошимиз осмонга етар эди, сиздан, ҳурматли бош муҳаррир, бир умр миннатдор бўлар эдик.


Турар жойим: Қирғизистон ССР, Ўш область, Аравон районидидаги пахта тозалаш заводи.


Каримжон ОЛИМОВ.

ҲАР НАРСАГА — БИР НАРСА

Бундоғ қараганда «бош огриқ» бўлиб кўринган бу тоқчаларни исоб олишингиз учун бир нечта узун-қисқа тахта, қаттиқ фанер билан олти миллиметрли сим керак бўлади, холос. Бу тоқчалар нам жой олганидан ташқари ўқувчи, ишчи, инженерни — унинг зарур анжонларини саранжом-сарихта қилиб туради.

Тоқчаларни қандай қўришни батафсил тушуинтириб ўтирмаймиз. Фақат тик тахталарни миҳлаш учун 80 миллиметрдан оралида, гешмасдан 20 миллиметрдан чўқурликда ўйилади. Диаметри — 6 миллиметр.





Умрлар бўладини, тиринкликда ўлиндир.
Умрлар бўладини, ўлин одам тириндир.

М. ШАЙХОДА

Бу киши умрининг боқийлигида Улуғ Октябрь инқилобининг ша-рофати зўр бўлди. Инқилоб уни парваршлаб волга етказди, халқ хизматкорига айлантирди.

Карим Абдуллаев Россия ишчилар синфининг чор истибодига қарши биринчи қўзғолони бошланган йили дунёга келди. Бу исён, бу инқилоб шарласи Урта Осиёга, шунингдек, Карим туғил-ган Қарноқ (ҳозирги Отабой) қишлоғига ҳам етиб келди. Чимкент ви-лоятидаги Туркистон районида қарашли бу қишлоқ ўзбек халқининг энг қадимий қишлоқларидан бўлиб, унда ички зийдат кескин эди. Қишлоқ аҳли Улуғ Октябрь инқилобини турли найфиятда кутиб олди. Бойлар, руҳонийлар озодликни бунгаши интилдди, камбағал деҳқонлар, чоракорлар эса зolim ва зулмга қарши бош кўтарди.

Инқилобнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқда Арзимат Абдурах-монов, Абдукарим Абдулқосимов, Эргаш Мусинлар раҳбарлигида I-босич совет мактаби тузилди. Бу мактабда Парни Азизов, Обид Ибро-роҳимов, Карим Абдуллаев, Сафар Арзиматов, Сулаймон Аммиров, Абу-банир Азизов, Холиқул Ҳузиматов, Абдулла Бойматов каби истеъдодли ёшлар таълим олаётган эди. Карим Абдуллаев жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. 1919 йилда кескин курашлар билан қишлоқда комсо-мол ташкилоти тузилди. Карим Абдуллаев ана шу ташкилотнинг тузу-чиларидан бири бўлди.

1922 йилда Карим Абдуллаев мактабни тамомлагач, ўз дўстлари бил-лан Тошкентдаги Маориф институтига кириб ўқий бошлади. Бу ерда ҳам жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Карим Абдуллаев 1926 йилда Инпросни тамомлаб, Бухоро қишлоқ хўжалик техникуми директорлигига йўлланма олди. Тезда партия уни Бухоро округ маориф мудирини лавозимига (1927 йил) тайинлади. Карим Абдуллаев округ маориф ишини бошқариш билан Бухоро инпросида интимионет фанидан дарс берди. Инпросда ўша йиллари атоқли олими-зи Узбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳим Мўминов, СССР халқ артистлари Олим Хўнаев, Раззоқ Ҳамроев ўқир-эди. Округ маориф мудирини бўлиб ишлар экан, Карим Абдуллаев хал-қимизни тезда илм-маърифатли, маданиятли қилиш учун кўп куч сарф-лади, меҳнат қилди. Шу билан бирга жамоат ва давлат ишларидан бир дақиқа ҳам четда турмади. Англия, Франция, Америка, Италия ва бошқа кап-талистин мамлакатлардан нелган ишчи вакиллари митинг-ларида фаол қатнашгани, оташин нутқлар сўзлагани сўзимизнинг дал-лиларидир.

Карим Абдуллаев 1929—30 йилларда Қўнон округ маориф мудирли-гига тайинланди ва Марғилон шаҳар партия комитетининг котиби бў-либ ишлади. Бу даврда у нуқулларни синф сифатида тугатиш ва кол-хоз тузиш ишларида жонбозлик кўрсатди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Лениннинг маданий инқи-лоб ҳақидаги буюк режасини амалга оширишга натта эътибор берди. Узбекистонда ҳам иқтисодий ва маданий қолоқликни тугатишга кириш-ди. Узбекистон партия ташкилоти ва ҳукумати олдига бутун халқни саводхон қилиш ва тез суръатлар билан ўсиб бораётган халқ хўжа-

лиги ва маданиятимиз учун зарур бўлган мутахассис кадрларни тар-биялаб етказиш каби улугвор вазифа турар эди. Бу вазифани бажариш учун мамлакатимизда маданий-маориф ишлари тез йўлга қўйилди, ре-спубликамизда минглаб мактаблар, техникумлар, сибсий ўқув ташки-лотлари, ўнлаб олий ўқув юртлири ташкил этила бошлади.

1927 йил январда Самарқандда ташкил этилган Олий педагогика институти фикримизнинг далилидир. Бу институт 1930 йилда Узбекистон Педагогика академиясига айлантирилди.

Партия ва ҳукумат Карим Абдуллаевнинг халқ маорифини ривож-лантириш соҳасидаги тажрибаларини ва ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб, уни 1931 йил охирларида ана шу Узбекистон Педагогика академиясига директор этилиб юборди.

Карим Абдуллаев қисқа муддат ичда академияни замонавий жи-ҳозлар билан таъминлади, ўқитувчилар сафини кенгайттирди. Акаде-мияда ўнлаб профессор, 42 доцент ишлаб бошлади.

Республикамиз халқ хўжалиги жаҳонда мисли кўрилмаган дараж-да тараққий эта бошлади. Бу эса, малакали мутахассисларга бўлган талабни янада кучайтириб юборди. Зийран Карим Абдуллаев академия-да йирик олий ўқув юрти асосини яратиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати олдига Самарқандда университет очиш масаласини қўйди. Партия ва ҳукумат академияда тўла имконият мав-жудлигини ҳисобга олиб, Узбекистон Педагогика академиясини Узбе-кистон Давлат университетига айлантириш ҳақида қарор қабул қилди. Карим Абдуллаев бутун қобилиятини университетни тобора кенгайт-тириш, уни замонавий бинолар, ўқув ускуналари билан таъминлаш, ўқитувчилар аҳлини саралашга қаратди. У Узбекистон Давлат универ-ситетини республикамизнинг етакчи олий ўқув юртлиридан бирига ай-лантириш учун кўп куч сарфлади.

Масалан, Самарқанд университети ташкил топган йили (1927) унинг қучоғида 56 талаба ўқиган ва уларга 10 илмий ходим таълим берган бўлса, 1933 йилда талабалар сони 922 кишига етди ва уларга 173 илмий ходим, шу жумладан 30 профессор ва 40 доцент таълим берди. Ҳозир университетнинг 11 факултетида 14 мингга яқин талаба ўқи-моқда. Уларга 600 дан ортиқ илмий ходим, шу жумладан 200 га яқин профессор ва доцент, фан докторлари, нандидатлари таълим бермоқда.

Карим Абдуллаев 1935 йилнинг охиригача Самарқанд Давлат уни-верситетининг ректори бўлиб ишлади. Партия ва ҳукумат унинг олий таълимни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини юқори баҳолади. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети 1937 йилда Самарқанд университетининг 10 йиллик юбилеи муносабати билан қабул қилган қарориде Карим Абдуллаевнинг университетни ташкил қилиш, ривож-лантириш ва мустақамлаш соҳасидаги қизгин фаолиятини қайд этди.

Узбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Ибро-хим Мўминов Карим ақани шундай эслайди:

«Карим ака олинаноб, камтар инсон, ишчан, билимдон, гамхўр раҳбар эди. У кишининг УЗГУ (ҳозирги Самарқанд Давлат университети-ни) ташкил этишидаги хизматлари кўпчиликига маълум. Уларни уни-верситетга биринчи ректор бўлди.

Ҳозирги кўпчилик таниқли олимлар, масалан, Убай Орипов, Султон Умаров, Тожикистонда ишлаётган айрим профессорлар Карим ақани-нинг қўлида тақсил нўрган. Уша вақтлар УЗГУда 30 профессор бор эди. Бу катта гап... Ҳа... Карим ака илмий ходимлар тайёрлашга кўп эътибор қилар эди.

Карим ака сибсий савияси баланд, масштаби натта киши эди. У ҳар бир ишга келажак кўзи билан қарарди.

Жуда қизиқ одатлари бор эди. Шу... университетдаги деярли ҳамма талабани танирди-да!... У вақтда извош бўпарди. Кўчада кетаётсангиз, сиз домламисиз, талабамисиз, барибир извошга танилф этар, бирга обнетарди».

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқни илмий, маърифатли ва маданиятли қилиш учун курашиш билан бирга унинг соғлигини муҳофаза этиш ишларида ҳам тинмай гамхўрлик қилди, бутун мам-лакатда, жумладан Узбекистонда нўлаб шифохоналар, дам олиш уйлари, курортлар, ўрта ва олий медицина ўқув юртлири ташкил қилиш-нинг ташаббускори бўлди. Бизнинг республикамизда ҳам халқ соғли-гини муҳофаза қилмоқ учун ўрта ва олий маълумотга эга бўлган мутахассис ходимлар етишмас эди. Уларни халқ орасидан саралаш, ўқитиш, тарбиялаш лозим эди.

1935 йилда Карим Абдуллаев Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Халқ комиссари қилиб тайинланди. Карим ака бу жабҳада ҳам 1937 йилнинг охиригача фидонорона меҳнат қилди, бутун кучини халқ хизматида сарфлади.

Карим Абдуллаев 1935 йилнинг охиридан 1937 йил охиригача Уз-бекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси бўлди.

Узбекистонимиз, бутун мамлакатимиз порлоқ истиқболи учун, бу-гунги ёрқин ҳаёт учун жон фидо қилиб ишлаган халқнинг асл фар-зандларидан бири — Карим Абдуллаевнинг муборан ёди юракларда мангу юлғусидир.

Мусо МўМИНОВ,

Самарқанд Давлат университетининг профессори.

Комилжон ҚУЛЖОНОВ,
университетнинг ўқитувчиси.

ХОРАЗМ БУЛБУЛЛАРИДАН БИРИ

Созанда дуторни аста қўлига олди-да, унинг қулоқларини бураб созлади. Ана, бармоқлари қўшгор билан ўйнамоқда. «Мискин»нинг мунгли навоси узоқ ўтмишдан ҳикойа бошлади. Ҳикоя ниҳоясига етди-да, «Алиқамбар»га улашиб ташвиш ва қувончдан сўзлай кетди...

Ҳожихон ака энди куйга ўзи жўр бўла бошлади. Фузулий газали хонанда тилида янада гўзал, янада нафис бўлиб кетди:

...Шифойи васл қадрин ҳанр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Муסיқа билан овоз бир-бирига уйғунлашиб, тобора ўжорилаб, авил билан парвоз қила бошлади. Булбул полишига гўнча ўз бағрини чов этиб жамол кўрсатгани каби, бу мусиқа ва овозга сен ҳам қалбини эшигини очиб берасан, шунда у юраннынг энг теран жойларига етиб бориб нозик ва фусункор ҳислар уйғотади.

... Гузи ёилуларинг ҳолин на билсун мардуми гофил,
Ковониб сайрени шаб то сахар бедор ўландан сўр.

Шунда унинг сехри билан маст бўласан киши — куй ва газал оҳангининг ришталари сени ўзига боғлаб ташлайди, бутун вужудингга сингиб кетади, куй мақомига берилиб, аста кўза сузиб беихтиёр тебраниб ўтирасан.

... Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳвали шаби қиржон боним-ла ёр ўландан сўр.

Ҳожихон ака Хўна Ҳофиз, Фузулий, Муноси ва Комил Хоразмий, Нодира, Машрабларнинг шەрият чаманидан энг яхшиларини тандаб, ўз чаманзорига ўтказди, уларга муносиқ оҳанг берди.

Хоразм мақомлари асрлар оша тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб келаятган халқ муносиқ санъатининг бебаҳо ганж-гавҳаридир. Аммо сўнги даврларда бу бой ва ранг-баранг санъат аста-секин унутулаёти...

Улуг Ватан урушидан кейинги давр эди. Қуларнинг бирода холасте театрининг собоқ директори Юнус Юсупов Ҳожихон акани ўз хузирига қақириб:

— Хоразм мақомларини ким билади?— деб сўраб қолди.

Ҳожихон ака бошини қўйи солиб, бирпас ўйлаб турди-да, асига ни мадир келди шекилли, Юсуповга тик қараб:

— Чамамда, уни бир киши билади, бу Матпано отадир. Ана шу киши халқимизнинг бу жавоҳирини авайлаб сақлаб келаятган бўлса ажаб эмас,— деди.

Ҳожихон ака Матпано ота Худойбергвановнинг машхур муסיқачи Муҳаммад Ёқуб Хоррат Девоноедан ўрганганини эшитган эди.

Чолни топиб келдилар. Ҳожихон ака Матпано отанинг пешидан маҳкам тутиди, унинг мақом хазинасига кириб, бу бой ганждан бахра ола бошлади. Куну тун чол билан тер тўкиб қилинган меҳнат машқлари зоки кетмади. Тиришқоқ хонанда узоғи билан бир йил ичиди мамоининг икки юздан кўпроқ газали, муסיқасини ўрганиб олди. Шундай қилиб Ҳожихон аканинг санъат чаманзорига яна бир чаман — шашмақом келиб қўшилди.

Кека санъаткор мана икки йилдирки, Урганч шаҳар маданият уйида Янгирматача ёиларни тўплаб, уларни шу мақом чаманзорига етаглаб кириб, баҳраманд қилмоқда.

Устоз санъаткор раҳбарлиги ва бевосита ёрдамда Қўлтимурод Хониев, Рўзимат Отажонов, республикада хизмат кўрсатган артист Қўвондиқ Исқандаровлар халқнинг сеvimли хонандалари бўлиб етишдилар. Бунайлар билан Ҳожихон ака фахрланади, қувонади.

Ҳозир ёшларга санъатимизнинг ҳамма даргоҳлари очик,— дейди Ҳожихон ака.

Аммо Ҳожихон аканинг ёиллиги бурунги ёилларимиз ҳаётдан бутунлай бошқача ўтган.

Инцилобдан аввал ўз оиласини зўрга тебратиб ўйрган хонқали Болта ямоқчининг оиласида эл хурматига сазовор бўладиган улкан санъаткорнинг дунёга келишини ким ўйлапти дейсиз. Ҳожи эсини танидию дуторга ихлос қўйди. Тоғаси Рўзимат унга бу ҳунарда устоз бўлди. Хушовоз ўспирининг довриги тезда онгиздан-онгизга, элдан-элга ўта бошлади. Тўю томошалар Ҳожихониез ўтмайдиган бўлди.

Инцилоб қуёши балқиди. Ҳожихонни Хивага — Нуруллабодга халқ сайилига таклиф қилдилар. Бу сайил инцилоб галабаси муносабати билан уюштирилганди. Бу ерда у Хоразм булбули Мадраҳим Ёқубов Шерозий билан учрашди. Шерозий Ҳожихондан ўзига хо санъат курталари кўз очаятганини пайқаб, уни Хоразм Халқ республика комсомол Марказий Комитетининг котиби Рўзимат Юсуповга рўбарў қилар экан:

— Бу йилгидан яхши санъаткор чиқади, уни тарбиялаш керак,— деди.

Марказий Комитетдагилар уни ёшлар Союзи сафига қабул қилиб, қўлига комсомол билети бердилар.

1934 йилда Урганчда округ театри тузилиши биланоқ Ҳожихон ака ҳам бу ерга келиб ишлаб бошлади. Унинг шу вақтдан бошлаб то 1960 йилгача бутун ҳаёти ва ижодий фойлияти Хоразм область давлат музикали драма ва комедия театри билан боғланди.

1950 йилда хоразмлик бир группа санъаткорлар ўз хунарини республикамиз пойтахти Тошкентда намойиш қилдилар. Шунда бу санъаткорлардан ўндан ортиқ кишига Республикада хизмат кўрсатган артист деган фахрий унвон берилди Шерозий, Вола бахши, Ваҳобжон Фазлов, Комилжон Отаиевон, Ражаббийи Войжоновалар билан бир қаторда Ҳожихон Болтаев ҳам бу шарафли номга сазовор бўлди.

Ҳожихон Болтаев ҳозир 66 ёшга кирди. У ана шу ҳаётининг ўрнини асрини халқимизнинг бой қўшиқлари ва мусиқа маданиятининг ўрнини, уни тўплашга, бой мазмун бериб ардоқлашга сарфлади, шу билан у ўз санъат чамани хазинасини бойитди ва бойитиб келмоқда.

Қодир МАТЧОНОВ,

Урганч районидagi «Октябрь байроғи» газетаси муҳаррири.

Ихчам тақриз

БИР КИТОБ УСТИДА ЎЙЛАР

Еш ёзувчи Баҳодир Абдуллаевнинг «Тўй бўлади» деган ҳикоялар китобини ўқиганимдан буён анча вақт ўтди, ихзор қиладиган фикрларимни кўп ўйладим.

Бу биринчи китоб. Одатда, тўнгич китобни ёзувчи адабиёт оstonасида туриб ёзади. Кўпинча ана шу китоб унга катта даргоҳ эшигини очиб беради.

Китоб атиги 50 varaдан иборат. Унда олти ҳикоя жо бўлган.

Биринчи ҳикоя бундай бошланади: «Елғизлик чакнага теғди. Аваллари унча сезилмасди. Энди бўлса, юрагим ҳам, уйим ҳам ҳузиллаб қолгандай... бум-бўш. Нафас олсам хона жаранглаб, акс-садо бераётгандай туюлади. Шунда ўзимни алақситмоқчи бўлсам: бир оёйда ҳанқалаб, пешайвонга чиқаман...»

Охириги ҳикоя бундай бошланади: «Дам олиш соати туғаси билан палатка олдидаги айвончага чиқаман. Бор оғирлигимни тағимдаги нурсичага ташлаб, касалликчаги кираверишдаги остонага термиллиб ўтираман...»

Бу икки ҳикояни икки одам айтиб беради ва улар мана шу икки одам монолоғи набадир. Бу икки одам аслида оғанинча ўхшайди, иккинчи ҳам маъруҳ, иккинсининг ҳам бағрида ҳасратлар тошини. Улар — икки одам, аммо иккинчи ҳам машаққат олдида си-

нишни тан олмаган, ҳаётга кўнгил берган инсон боласи.

Бу ҳикоялар куйга ўхшайди. Куйда ҳазин оҳанглар остидан аста-аста ҳаётбахш бир тўлқин оқиб келгани ва сўнгиди мағрур янрагани сингари, бунда ҳам ҳаёт икки — ҳаёт ва ўлим орасида турган шу икки одамнинг ўлмаслик учун кураши — ҳикоялар қаноти-дир.

Китоб аввалидаги «Бир жуфт лола» ва охиридаги «Жон ширин» ҳикоялари менга ёқди. Бу — фақат уларда ҳаёт ишчи-яхши куйлангани учунгина эмас. Бу ҳикояларда ёзувчи шахсига, унинг юраги-монига пайвасте бўлган бир ҳолат бор.

Одатда, китоб ҳаммадан аввал ёзувчи шахсига кўзгудир. Ёзувчи, истасин-истамасин, унинг табии, билим савияси, ҳис даражаси ва умуман шахси китобда акс этади.

Бу китобни varaқлаганда, менга ёзувчининг ўз кўзи билан кўрилган тасвирлар, ўз тилида айтилган гаплар ва ўз қалбидан чиққан оҳанглар ёқди. Бу ўринларда мен уни кўрман.

Ҳикояларда нуқсонлар кам эмас.

Китобда кўп ҳикоялар уруш ва уруш оқибатларини баён этади. Кўрманган ва ўзига узоқ бўлган нарсани ёзиш натижасида, талай ўринлар юзаси чиққан. Ўртадаги ҳикоя-

ларда ёлгон жойлари кўп, уларни бирма-бир кўрсатиш бизнинг вазифамизга кийрмайди.

Бизнинг тенгдошлар уруш даврида ўз болагини ўтказди. Аммо, ўша болагини ҳали ўз ақсини топгани йўқ.

Ўйлайман: нима учун биз кўпинча ўзимиз биладиган нарсаларни қўйиб, ўзимиз билайдиган нарсаларга қоламиз. Ҳамма бало шунда-ки, биз ҳали ўзимизни ўзимиз жуда кам биламиз.

«Тўй бўлади» китобида яхши тасвирлар, мукамал ишланган гаплар қатори, бир одам ҳақида «...бошиллари жиддийлашган. Кўзлари ўйнаб туради» наби телба-теснари тасвир беришлар ҳам бор. Ҳали биз келтирган ҳикоя бошларидаги аниқлиқ қатори «...уруш онани боласидан айирди. Келинчақларни эридан жудо қилди» наби ўта умумий ва ҳикояни бузадиган гаплар ҳам бор.

Бу нуқсонлар ҳикоя қаҳрамонларига узоқроқдан туриб «муомала» қилишдан келиб чиққан.

Қаҳрамонлар қиёфаси анча ўринларда умуман чиқилмаганига ёки чала чиқилганига ҳам, қаҳрамонлардан анча-мунчаси ўз тилида гапирга олмаганига ҳам сабаб худди ўша «муомала»-дир.

Шоирона тил ва шеърини руҳ ҳикоялардаги у нуқсонларни баъзан кўздан ёпади. Аммо, ҳарқалай, нуқсон—нуқсон-да!

Биз гап бошида ўзимизга ёққан икки ҳикояни «монолоғ» деб атадим. Улар монолоғ ва ҳаёт куйлари, қўшиқлари! Биз бундай куйлар, қўшиқларни кунда эшитишни истардим. Албатта, оҳанглари мукамал куйлар, банданди жойига тушган қўшиқларни.

Еш ёзувчи уларни ҳали яратади.

Омон МУХТОРОВ.

НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ

Халқимиз чақимчини ниҳоятда қабиҳ санайди ва уни очидан-очиқ нафратлайди. Бу мақол билан «сен чақимчига чорак ҲҶ ҳам ҳайфи!» демоқчи. ҲҶ — бу ерда тақсим, улуш деган маънода. Маълумки, жуфтни тоққа, тоқни жуфтга тақсимлаганда бир оз каср қолади. Ана шу касрини яна бўлақларга бўладилар. Охирида қолган энг кичик бўлақни «ҲҶ», деб атайдилар. Масалан, 11 га нарса 4 кишига тақсим қилинадиган бўлса, олдин 2,5 тадан 10 та берилади. Қолган битта яна тўртга тақсимланади. Ана шу кейинги тўртдан бирини «чорак ҲҶ», деб атайдилар.

БЕЛИ БОҒЛИҚНИНГ ДИЛИ БОҒЛИҚ

Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбекларнинг бир одати-қадималари борки, оила аъзоларидан, яқин қариндош-уруғлардан бирораси вафот этса, белларини боғлайдилар. Бу — мотам аломати, таъзия нишонаси. Бел боғлаган одам мотамзада бўлиб, кўнгли, дили бошқа нарсага мойилланмай, фақат шу мотам қайғуси билан банд бўлади. Бу мақол билан айтомоқчики, агар шундай бели боғлиқни кўрсанг, унга одатдаги ҳазил-мутойибани йиғиштириб қўйиб, боғлиқ кўнглини очиб, тасалли беришга ҳаракат қил, қайғусига шерик бўл.

Бундан ташқари бирор хизматга юборилаётганда ота-она ё устод фарзандга, шогирдга «Йўлнинг оқ йўл бўлсин, ишларинг ўнгидан келсин» деб, белига белбоброғлаб қўйиладилар. «Бел боғлади» ибораси шундан олинган. Лекин юқоридаги мақолада бу ҳолат эмас, таъзия ҳолати назарда тутилган.

ҚАНТАРДА ҚАРГА ОДИМ, АҲМОНДА ОТ ОДИМ

Бу мақолада халқимиз кун қисқариши билан кун узайишини ифодалаган. Қантар — декабрь ойи. Бу ойда қаттиқ совуқлар бошланиб кетади. Чорвадорлар емхашакни тежаш мақсадида молларни қантариб қўйиб, қўлда боқадилар. Шу қантар ойида кун қисқаруви тўхтайтиди ва (23 декабрдан) кунига ярим дақиқа, бир дақиқадан асра-секин (қарга одами билан) узая бошлади.

Тўқсоннинг (13 декабрдан 13 мартгача давом этади) бошидан 25 кун, охиридан 25 кун олиб ташланса, ўртада 40 кун қолади. Мана шунини «чилла», деб атайдилар. Чилла киргач, кун узакви анча сезиларли бўлиб қолади.

Аҳмон, даҳмон — тўқсоннинг охири кунларидир. Шу аҳмонда кун тагин ҳам жадал узая бошлади. Буни от одимига ўхшашганлар. Юқоридагига ўхшаш яна бир мақол бор: «Тўқсонда тўғрай одим, чиллада чил! одим».

1 Чил — катталиги жўжадек бир қуш. Оёқлари узун-узун бўлади.

Тулун — сувла яшайдиган, гоҳо қуруқликка ҳам чиқиб турадиган бир дарранда. Унинг оёқлари калта-калта бўлиб, тез юролмайдди. Овчилар тулунни тезгина тугитиб оладилар. Унинг мўйи ўсиқ бўлмади, бир оз дағалроқ бўлади. Ранги эса ҳар хил бўлади. Тулунни мўйнадўзлар «саҳмўя», деб ҳам атайдилар. Улар тулун мўйнасини тим қорага бўйиб, теллакка, пўстининг энг-оёқларига ишлатадилар. Мана шунинг учун «тулуннинг ўз туки ўз жонига ола бўлади», дейишади.

Кўққарнинг пати чиройли бўлади. Уни ирим юзасидан қўйқўтал бўлган боланинг дўпписига сангавлар. Кўққарга гўштини эса болага қайнатиб ичиргавлар. Шунинг учун «кўққарнинг пати ўзига бало бўлади», дейишади.

Бу мақолнинг мажози шуки, киши нозиктаб, тезфаҳм, билимдон, олим, доно бўлса, унга ҳасадчилар кўпаяди. Бундай кишини кўролмайдилар, унга ҳар хил бўҳтонлар тақиб, душманлик қиладилар. Бу — ўз билимдонлиги ўз бошига бало бўлиб тушиди, деган сўзлар. Бундай воқеалар тарихда кўп бўлган.

Хирсов Деҳлавийнинг қуйидаги байти шу фикрга мос келади:

Тўқим табиатон ҳама дар авжи толеанд,
Эй нозики таъб аз тувн барман боло шуди.

Мазмуни: тўқим табиатларнинг толелари авжида, менинг нозик таъбим ўз бошимга бало бўлди-ку.

Шотурсув ШОМАҚСУДОВ,
Шухрат ШОРАҲМЕДОВ.

МЕДАЛЛИ МУШУҚ

Бу юкбританиялик оғайнимдан яқинда қизиқ бир хат олдим. Мантубини ўқиб ҳайратда қолдим. Медаль таққан мушук ҳақида ёзибди. Нима, «ростданми» деб ишонмаёلمисми? У ҳолда эшитинг, мазкур хатни айнан ўқийман:

— Салом, оғайн! Соғлиқлар... ишларинг? Хат кетидан хат ёзганим, Сабаби, анойибу ғаройиб бир ҳодисанинг тирин гувоҳи бўлдим.

Яқинда қишлоқдан Ливерпулга, хотинимнинг коласиникига борган эдик. Э, ҳа... у ерда ана қурилиш, мана қурилиш: қават-қават, раста-раста иморатлар. Лекин, шундай бўлсада, ҳозирча уй-жой олиш масаласи анча оғир. Айниқса, негрларга уй тегиши амри-маҳол экан...

Тоглик эмасманми, ҳашаматли биноларда, шаҳарда хонаки ҳайвон ва қушлар билан кўпроқ қизиқдим. Ҳайтовур йўқ эмас, бор экан. Бўлгандай қандақанги дегин. Бир бинонинг бешинчи қаватидаги айвонда бир эмас, учта нақ ошпадек келадиган итларни кўрдим. Еттинчи қаватдан туҳум қилган товункинг нақолагани, кучуқнинг ванг-вунги эшитилди. Саккизинчи қаватдаги уйлardan бирининг айвонида куёнчалар қулоқларини динг қилиб сакрашиб-югуриб юрибди. Вироқ, сенга айтсам буларнинг ҳаммаси малла мушук олдига ҳеч галмас экан. Малла — сап-сарғи, жуялари ўганган мовий кўз махлуқ. Бу мушукни кўриб ҳайрон қолдим. Кейин эса кўлгидан ўзимни аранг тутдим. Нега дейсанми? Ипақ лента билан мушукнинг бўйнига медальи боғлаб қўйишибди. Медальинг олд қисмига малланинг сурати солинган, орқасига «Жасорат кўрсатгани учун», деб ёзилган. Ҳайрон бўлиб, гоҳ мушукка, гоҳ уй эгасига нараб анграйиб қолдим. Кейин чолга нараб жимлайдим. У дарров фахланиди.

— Ҳм... Тушунардик, қишлоқи жаноб, нега аланглаб қолдингиз.— деб гал бошлади нария.— Олдин уйимиз шаҳар четига, эски эди. Бир кун қизим «шу уйимиз янги бўлмади-бўлмадида», деб электр плитани қасддан ўчирмай йишга нетавердики. Лекин

уйимиз қизим ўйлаганидек ёниб-қўйиб битмади. Бироқ, ҳар қолма яқин бўлди.

Ушанда мен дўнонга нон олгани кетувдим. Плятедаги шўрва қайнаб-тошиб, ўт чиқинди паиридаги қозғаларга, кейин тоғорадаги эски-тускиларга илашибди. Бирпасда айвон тутунга тўлиб кетди. Ана шундай пайтда уйда ёлғиз қолган малла қочишга йўл тополмаганидани, ишқилиб жон-жаҳди билан миёвляшни бошлади. Юраги ёрилгудек бўлиб чор атрофга чопиб айҳонхонсо солибди. Зўриқиб чиққан маёвни кўчада тентиб юрган бир полициячи эшитди. Кейин у ўт ўчирувчиларни чақирибди. Бу орада нонни қўлтиқлаб мен ҳам келиб қолдим.

Ўт ўчирилаётган пайтда ҳам малла ўридан жиммай жон-жаҳди билан миёвляйверди. Вафармону худо қўдратини қарангки, ўт ўчирилиши биланюк, малла дўминини ливиллаётиб бирдан жимиди-қолди. Ҳалиги полициячи ва ўт ўчирувчиларнинг бошлиги мушугимизни «Малла Маллаевич» деб дафтарларига ёзиб кетинди.

Уша куннинг эртасигаёқ машинада келишиб Маллани, мени, кампир учаламизни тантана билан шаҳар марказидаги катта майдонга олиб боришди. Катта митинг бошланди. Тумонат одам. Ит, мушук сингари жониворлар ҳам кўп. Бир ўрта яшар ноқий роса нунг сўзлади. Кейин икки киши Малланинг бўйнига шу медалини тақиб қўйишди. Кампирини иккаламининг кучоғимиз гулларга тўлиб кетди. Чунон таъриқлашди. Қарсақ устига роса қарсақозили бўлди. Уйга келиб қўзи-қўшчиларга Малланнинг шарафига деб ўтириш ҳам қилиб бердик.

Маллавоғи жасоратининг яна бир фойдаси — биз бечораларга ҳеч қандай қозғоз-позғозиси шаҳарнинг қоқ ўртасидан янги уй беришди.

Бизнинг суҳбатимиз ўша уйда бўлди, бинойидек яшашаяпти. Яқинда иккита муҳбир келиб Маллага қўшиб чол-кампирни ҳам суратга тушириб кетишибди. Айтишларича, яқин кунларда аллақандай журуналда бу мушук ҳақида поэма чиқариши... Чол Маллани оддий эмас, балки ўз эгасига омад бахт келтирувчи зўр зотдор эканини ишонч билан таъкидлади.

Шу билан хатимга нўхта қўлман. Малла ҳақида бирор янгилик бўлса албатта ёзаман деб, дўстинг Дجون».

М. БЕК.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

— Ойи, акамларга янги эс олиб берасизми?
— Бу нима деганинг, Зухра, ахир эсини магазинда сотмайди-ку!
— Узингиз акамларни эсинг йўқ экан, дегандингиз, ҳозир кимнинг нимаси бўлмас олиб бераман дегясыз.

— Ойи, сувсадим, деганингиз нима?— деб сўради Фарҳод.
— Сувсадим деганим, сув ичим келди деганим-да.
Бир оз кўчада уйнаб қайтган Фарҳод:
— Ойи, ойи, мен нонсадим,— деди.


Тўхташ АШУРОВ.

— Буви, нега кўзойнак тақа. сиз?
— Тақмасам кўролмайдман-да, қизим.
— Бўлмаса кўзойнагингизни олиб туриг, мен асалдан ялаб олай.

Тўхтамурод БАҲРОМОВ.




— Эргинам, сизга менинг сочим ёқармиди?
— Мана, олинг.



Рационализатор.



«Марказ»даги бемор.



— Бугун қайси бирига қўнғироқ қилсамининг?

М. ВОРОБЕЙЧИКОВ расмлари.

Дойқа

Султон анани кўпчилиги танирди. Пананадан келган, чўтир юзли ориңқина бу киши натадан-кичичка саломини канда қилмасди. Қиладиган иши ҳам ўзи каби ёчимли — истироҳат боғида панана отчалар қўшилган аравачага жамжи болаларни миндириб сайр қилдириш эди. Хуллас, эрталабдан нечгача отчалар бўйнидаги кўнғироқчаларнинг жангир-жуңгирию, болаларнинг кувноқ қийириқлари Султон анага йўлдош эди. Одамларнинг ҳам унга бўлган алоҳида ҳурмати, эҳтимол шу сабабдандир...

Нима бўлди-ю, бир кунни ўғилчамини етаклаб боқча кирсам, Султон ана кўринмади. Аравача ўшиллабди. Чархпалағу ҳалинчаллар ишларди, холос. «Султон амаки» деганда бошқа болалар каби озгидан «бол томадиган» ўғилчам буни кўриб, бирдан жимиб қолди. Кейин... кўзлари унинг ёшига тўлди.

— Хафа бўлма, ўғлим,— дедим шошиб.— Султон амакининг бетоб бўлиб қолгандир. Янаги сафар келганимизда албатта сайр қилдиради.

Тўрт-беш кундан кейин истироҳат боғига яна бордим. Бу сафар кўнғироқли отчалар хизматда, лекин аравачани Султон ана эмас, шоп мўйловли семиз бир киши ҳайдарди.

Кассадан билет олиб, аравачага ўғилчамини ўтназаранман, ҳайдовчиндан сўрадим:
— Кечирасиз, яқинда шу аравачани Султон ана деган киши ҳайдарди, қаердалар ҳозир?

— Мен бу ерга кечегина ишга кирдим, ука. У киши ўзлари ариза бериб кетиб қолдилар. Чух, юниворлар!...

Орадан бир ойча вақт ўтди. Бир кунни хизматдош дўстим инимиз шаҳар кўчаси четидан суҳбатлашиб борардим. Бир оз

олдинроқ ёмғир ёғиб ўтганидан, кўчанинг баъзи жойларида сув йўллаб қолган. Шу пайт рўпарамиздан келаётган «Волга» машинасига кўзимиз тушдию ўзимизни четга олдим. Лекин ҳайдовчи ёнимиздаги халлоб сувга парво қилмасдан машинасини ўша тезликда сурганча ўтиб кетди. Дойқа сачраб инимизнинг ҳам кийимимиз расво бўлди.

Ҳайдовчининг арфига қарашга улгуролмаган эдим, фақат машинанинг орқа деразасидан унинг қорақўл тери ёқали пальто кийган киши энанлигини кўзим илғади, холос.

— Қани энди унинг бир таъзирини бериб қўйсанг!

— Таъзирини-ку барибир ейди-л, лекин мен бошқа нарсадан хафаман,— деди дўстим сўзимни бўлиб.— У бир кунни Кўргонтепага меҳмон бўлиб боргану қайтатуриб йўлда ҳамёнини тушириб келган. Ичида беш-ўн сўм пулу, тўрт дона лотерея билети билан паспорт бор экан. Орадан бир ҳафта ўтмади, ўз ҳамёни солинган бандерол олади. Уни кўргонтепалин бир ишчи жўнатибди, ичида мактуб ҳам бўлган... Мен шу воқеа тўғрисида газетга хабар ёзиш мақсадида хатни сўраб олгандим...

Дўстим чўнтақларини кавлаштириб хатни топди-да, менга ўқиб берди:

«Қимматли Султон ана! Ҳамёнингизни мен топиб олдим. Хайриятки, ичида паспортингиз бор экан, дарҳол жўнатибман. Шу билан бирга, сизни яна кувонтирмоқчиман: бугун шаҳримизда лотерея тиражи ўтказилди. Қизиқиб, билетларингизни текширсам, биттасига «Волга» чиқди! Самимий кутлайман. Қўлингизни қаттиқ қисиб, Дониёр Йўлдошев».

— Ана шунака, дўстим, машина қўлига тегдию ўзгарди-қолди бу одам...

Анчагача жим бордим. Бир вақтлар болаларимизга нуқул шодлини келтирган намтарин бир одам энди бизга лой сачратиб ўтса-я...

Солиҳ ҚАҲҲОР.



